

# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,  
РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ


R 566

ТАФАККУР

4/2003



300,  
100



Атоқли қорақалпоқ адиби, журналимиз таҳрир  
ҳаёатининг аъзоси Тўлепберген КАРИПБЕРГЕНОВ  
Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди!

*«Тўлепберген, сен адо этган вазифа қорақалпоқлар учун  
ҳам, ҳаммаки туркий халқлар учун ҳам том маънода  
бебаҳодир».*

Чингиз АЙТМАТОВ



# SHUKRU QANOAT

Шўро замони эди, бир устозимиз далаҳовли кўрмоқда экан, биз — шогирдларини бир-икки марта ҳашарга айтди. Вориб жилла бир жойни обод қилганимиз йўқ — домланинг эски қаврдои бўлмиш бойсунлик чапдаст устага қўл учи қарашган бўлдик, холос. Асли мақсадимиз ҳам шу баҳонада домламизга яқинлашиш, у кишининг даврасидан баҳраманд бўлиш эди. Шунга эришдик ҳисоби.

Орадан икки-уч ойми ўтиб, устоз яна ҳашарга чақирди. “Дача битган эди-ку, домла, тагин нима иши қолган экан?” “Энди ўша ўзларинг қўрган болоҳонасини бузиш керак...”, деди домла хорҒин қулимсираб. Сабабини сўрамоққа ҳожат йўқ эди: бир-икки кун бурун марказий газетада фельетоннамо мақола чиққан, унда ҳашаматли уй-жой қўрган зиёлилар қаторида коммунист домламизнинг ҳам номи тилга олинган эди. Демак, ана шу “ҳашам”ни камайтирмоқ лозим.

Иморат аслида мўъжаз бир хонаю бир даҳлиздан иборат бўлиб, бойсунлик устанинг қўли қичибми, устига чоққина бир равон ҳам қўшилган эди. (Ўша йиллари Кавказ курортларида дам олганлар кўрган: домламизнинг “қаср”ини у ердаги иморатлар қаршисида, узр, товукхона ҳам деб бўлмасди. Ёки кавказликлар ёппасига партиясизмиди?..)

Ўзимизнинг қўлимиз теккан бинони бузмоққа кўнглимиз бўлмадими, ҳашарга бормодик. Устозимиз ҳам негадир биздан ранжимди.

Замон янги бўлди. Энди, кўлингиздан келса — сарой қуринг, самолёт сотиб олинг, биров бир нима деёлмайди. Эркинлик. Лекин, ажабки, фурсат топилди дегунча иқтисодий қийинчиликлардан, турмуш норасоликларидан нолиймиз, шикоят қилмасин, битта ҳовли-жой бизга тор, битта машина камлик қилляпти. Қанийди, шулардан қўша-қўша бўлсаю кўрган дўсту душман ҳасаддан қуийб ўлсал!

Ҳюю хавасларимиз ҳақалак отиб кўпайгани бор гап. Хўш, нима камайди? Бунга ҳам мисол етарли: инсоф, ҳалоллик... Йўқ, энг аввало — шўкру қаноат йўқолиб боряпти, шу ҳисни бой бердик. Қаноатни билмаган инсонда ҳаловат бўлмайди. Мол-дунё восвасасига берилиб, аксарият ўтаётган умри, ҳаёт, ҳаётнинг асл маъноси ҳақида ўй сурмоққа, мулоҳаза қилмоққа фурсат тополмайди. Ва таассуфки, гоҳо бунга улғурмай ҳам ўтади...

Бугунги дабдабаю аъсасаларни кўрганда устозимизнинг ўша камтарин кулбаси, болоҳона можаролари эсимга тушади. Замон ўзгардими, бизми? Ҳа балли, замонга қараб биз ҳам ўзгардик. Аммо яхшилик, ҳалоллик тарафами? Унда шўкру қаноат деганлари қайда қолди?

Келинг, ҳадеб жайдари саволни қалаштиравермай, қадим бир ҳикматни ҳам ёдга олайлик: жаҳонгир Искандар бу дунёдан нега қўли очик кетибди?..

Сизу бизнинг илинжимиз нимадан, замондош?

*Эрмат Ашқ*



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА  
Абдулла АЪЗАМ  
Муҳсин АШУРОВ  
Ҳалим БОБОЕВ  
Хуриш ДАВРОН  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бадний муҳаррир)  
Нуриддин ЗАЙНИЕВ  
Баҳодир ЗОКИР  
(масъул котиб)  
Нажмиддин КОМИЛ  
Султонмурод ОЛИМ  
Хайридин СУЛТОН  
Нурислом ТҶҲЛИЕВ  
Озод ШАРАФИДИНОВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ  
Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси давлат  
Матбуот қўмитасида 00124-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол,  
кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда ман-  
ба қўйд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Ташкент шаҳри,  
Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68  
139-05-19  
139-05-29

Журнал андозаси таҳририятнинг  
компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаханаси. 700029,  
Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2003 йил 24 сентябрь кўни босмаханата  
толширилди. Қоғоз ёзиғи 70×100 / 16  
6 босма тобик. 5319-бўғимта.  
Нашр адади 5000 нуска.

Журнални Наргиза Иброҳимова  
саҳифалоган.

Мусахҳих Шох Санам.

Ушбу санда Машраб Нурибоев олган  
суратлардан фойдаланилди.

### ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ


Абдурахим ЭРКАЕВ. Фуқаролик жамияти пойдевори..... 4  
Баҳодир ЗОКИР. Илм ва гайриилм..... 12



Юлдашлар тақдими

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Виктор АЛИМАСОВ. Очiq жамият муҳолифлари..... 22



Карт ПОЛПЕР

### ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Мухаммад РАҲМОН. Бори умрим илтижо,  
хайру хитоб..... 30

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Устод..... 38

# SAHIFALARIDA

## САҲИФАЛАРИДА

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Нажмиддин КОМИЛ. Ҳикмат ва ибрат  
достони.....48

Нажмиддин КОМИЛ



Жорня. Оғюст Рейгуар асари

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Убайдулла УВАТОВ. Илм уммонида  
сугзан аллома.....68

### СИРЛИ САРҲАДЛАР

Илхон ОҚШИТ. Ҳарам.....74


Сарридин АЙНИЙ



### ТАЛКИН ВА ТАДКИКОТЛАР

- Қахрамон РАСУЛОВ. Ижтимоий  
гуруҳ мафқураси.....84
- Раъно САПИЕВА,  
Саттор ОБЛОҚУЛОВ. Мангу муаммо....84
- Миррахим МИРНОСИРОВ. Дунёни  
титратган қудрат.....85
- Ирода САФАРБУВАЕВА. "Қовун ва  
шафтоли".....86
- Санобар ЁҚУБОВА. Бармоқ  
изларида руҳият акси.....87
- Насиба АБДУЛЛАЕВА. Газета  
эстетикаси.....88
- Анатолий БУШУЙ,  
Ибодулла МИРЗАЕВ. Тилимизнинг  
тарихий илдизлари.....89
- Авазбек ЕРМЕТОВ. Қодирий  
милиционер бўлганми?.....91
- Мўминжон СИДДИҚОВ. "Мабдаи нур"  
муаллифи Машрабми?.....92
- Муқаррам НУРМАТОВА. Мансур  
Ҳаллож ким?.....93
- Баҳодир ТҲҲИЧИБОЕВ. Сўнги  
афшин.....94
- Журналнинг инглизча мухтасар  
мазмуни.....95

Абдурахим ЭРКАЕВ



# FUQAROLIK JAMIYATI POYDEVORI

Демократик жамиятда парламент ва ҳукуматнинг амалий фаолияти, қабул қиладиган қонун ва қарорлари орқали кўпчиликнинг сиёсий иродаси намоён бўлади. Аммо бу амалий фаолият, қонун ва қарорлар Конституцияга зид бўлмаслиги керак. Кўпчиликнинг сиёсий иродаси озчилик устидан қилинадиган ўзбошимчаликка айланиб кетмаслиги учун ҳуқуқий демократик давлатда Конституциявий суд ёхуд Олий суд парламент ва ҳукумат ҳужжатларининг Асосий қонунга мувофиқлигини текшириб боради.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назоратни амалга оширувчи бошқа органлар (хўжалик судлари, прокуратура, солиқ идораларидан тортиб то Олий Мажлис ҳузуридаги омбудсмангача) ҳам ўз ваколатлари доирасида турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, этник ва бошқа маданий-маънавий бирликлар манфаатларига зиён етмаслиги тўғрисида бош қотиради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун кучи билан ҳимоя қилади. Демократик жамиятда кўпчилик ва озчилик манфа-

атларини уйғунлаштиришда биринчи навбатда давлатнинг ўзи масъул.

Айни пайтда озчилик манфаатлари зарар кўрмаслиги, кўпчилик иродаси тўғри амалга ошиши учун давлатнинг ваколатли органларидан ташқари турли жамоатчилик, нодавлат, ноҳукумат органлари, сиёсий партиялар, жумладан ҳукуматга мухолифатда бўлган партиялар, мустақил оммавий ахборот воситалари катта ўрин тутади. Бундай ташкилотлар, ҳаракатлар ва турли интилишлар жамиятдаги динамик мувозанатни таъминлайди, фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтиради.

Юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни давом этмоқда. Биринчи қақриқ Олий Мажлиснинг 14-сессияси ва иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг 1- ва 9- сессияларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ўзига хос таъминий ҳамда устувор йўналишлари асос-

лаб берилди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис 9-сессиясидаги маърузасида "давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор" қаратилиши билан бир қаторда, "марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш" лозимлиги таъкидланди (Ислом Каримов. *Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари*. "Халқ сўзи" газетаси, 2002 йил 30 август).

Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин. Хўш, биз нега айнан фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз?

Маълумки, эски сиёсий тузумни тубдан қайта қуриш ва янгилаш анчагина вақтни талаб қилади. Аслида ўтиш даврининг зиддиятларидан бири ҳам шундан иборат. Бу даврда жамиятдаги демократиялашув, иқтисодий ислохотлар ва умуман, янгиланиш жараёнига эски институтларнинг инерцион босими секинлаштирувчи таъсир ўтказиши.

Айниқса, янгиланишнинг дастлабки босқичида давлат мулкни хусусийлаштириш ва қайта тақсимлаш, бозор муносабатлари асосларини жорий этишда айрим гуруҳлар, амалдорлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари ҳамда фаол тадбиркорлар каттароқ улушга эга бўлишга интилади. Шу боис улар мулкни тақсимлаш жараёнида назорат механизмларининг бўшаштириб юборилиши, бошбошдоқлик кучайишидан манфаатдор бўлади. Ўтиш даврининг дастлабки босқичига хос тартибсиз савдо-сотик ва майда тадбиркорлик стихияси ҳам товар ва пул айланмасида бошбошдоқлик унсурларини вужудга келтиради, пулнинг кадрсизланишини кучайтириб, ижтимоий-иқтисодий интизомни бўшаштиради, жамиятни эркинлик ва демократия юғлари негизига уюштиришга салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда эса, бундан фойдаланиб, баъзи бир архаик ёки янгитдан пайдо бўлган тузилмалар фаоллашиб қолади (масалан, экстремис-

тик, тажовузкор диний оқим ва мазҳаблар, ўта миллатчи ёки шовинистик ҳамда айирмачи гуруҳлар, уюшган жиноятчилик). Буларнинг ҳаммаси бир-галикда ижтимоий барқарорликка пурут этказиши, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Жамиятда, бир томондан, бошбошдоқлик ва охлоқратияга мойиллик, жиноятчилик ортади, иккинчи томондан, "кучли ҳокимият"га, авторитар бошқарувга интилиш кайфияти кучаяди, шовинизм ва ашаддий миллатчилик, диний ва сиёсий экстремизм учун замин пайдо бўла бошлайди. Буни айрим собиқ Иттифок республикалари ҳудудидаги ҳолат яққол кўрсатиб турибди.

Бундай шароитда давлат ҳокимияти бошқарув жиловини қисман қўлдан чиқариши, вазиятни тўлиқ назорат қилолмай қолиши ё аксинча, демократияни чеклаб, маъмуриятчиликни кучайтиришга ҳаракат қилиши мумкин. Ҳар икки ҳолат ҳам ислохотларни амалга оширишга халақит беради, коррупция ва порахўрликнинг авж олишига туртки бўлади. Биринчи ҳолатда мамлакат бойликларини талон-тарож қилиш, капитални четга олиб чиқиб кетиш, корпоратив манфаатларнинг давлат ва фуқаролар манфаатларидан устун қўйилиши, яширин иқтисодиёт билан қисман қўшилиб кетиши ва криминаллашуви юз беради.

Иккинчи ҳолатда эса давлат гўё қатъий маъмурий усуллар ёрдамида ислохотлар ўтказишда, жамиятни янгилашда, умуман ижтимоий тараққиётни таъминлашда, айрим объектив қонунларга қисман амал қилган ҳолда, юксак самарага эришиш, субъектив омиллар — халқ ташаббуси, давлатнинг қатъий сиёсати, назорати ва талаби ҳисобига ривожланиши тезлаштириш мумкин, деган нотўғри фикрга боради ва волюнтаристик усулларни қўллаш бошлайди. Ҳокимият бу усулларга қаттиқ ёпишиб олса, ўз



сиёсатини амалга оширишда ҳатто ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг таъйиқ ўтказиш имкониятидан фойдаланишга мажбур бўлади. Натижада улар ўзларига хос бўлмаган ҳўжалик ишларига аралаша бошлайди ва шу тариқа иқтисодий эркинлик ўрнини иқтисодий маъмуриятчилик эгаллайди. Бу эса давлат ҳокимиятида режали иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик синдромини янгича шаклда қайтадан вужудга келтиради.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга уриниш ҳар икки ҳолатда ҳам юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг олдини олишда анча қўл келади.

Фуқаролик жамиятининг баъзи тамойиллари (масалан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) анча илгари пайдо бўла бошласа-да, уларнинг асоси фақат демократия ривожланиши, ҳуқуқий давлат қарор топиши жараёнида мустаҳкамланади. Фуқаролик жамияти — юксак даражадаги демократия маҳсулидир. Ички сиёсий барқарорлик ҳукм сурадиган, қонун устуворлиги ва унинг асосида яшаш жамият аъзолари аксарият кўпчилигининг эътиқоди ва турмуш тарзига айланган, фуқароларнинг сиёсий онги ва фаолиги юқори бўлган мамлакатларда халқ ҳокимиятини такомиллаштириш ва кучайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади. Чунончи, биринчидан, давлат идоралари ва амалдорлар фаолиятини жамият аъзолари томонидан турли воситалар (жумладан оммавий ахборот воситалари) ёрдамида назорат қилиш, иккинчидан, марказий ҳокимиятнинг баъзи бир вазифаларини аста-секин жойлардаги ҳокимликларга, уларнинг баъзи функцияларини эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари ихтиёрига бериш имконияти шулар жумласидандир. Бу имкониятлар фуқаролик жамияти асосларининг амалда пайдо бўлгани ва мустаҳкамланаётганини англатади.

Демак, фуқаролик жамияти шундай жамияти, унда ижтимоий ҳаётни бошқариш ва тартибга солишда фуқаролар, улар тузган нодавлат, ноҳуқумат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади, давлатнинг баъзи бир вазифаларини ўз зиммасига олади, жамиятни бошқаришда эркинлашув барқарор тамойилга айланади.

Маълумки, давлат бошқарувининг ҳар қандай шакли сиёсий хусусиятга эга. Давлат фаолияти асли сиёсат юритишдир. Ҳатто иқтисодийёт ёки ижтимоий соҳада олиб борилаётган фаолият ҳам сиёсат ҳисобланади. Масалан, иқтисодий сиёсат, монетар сиёсат, аграр сиёсат, солиқ сиёсати ёки халқ таълими сиёсати, соғлиқни сақлаш сиёсати каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Давлат сиёсати алоҳида фуқаролар, ижтимоий гуруҳ ва табақалар, синфлар ҳоҳиш-иродасидан юқори туради. Ҳатто бу сиёсат баъзи бир гуруҳлар манфаатларига тўлиқ мос келмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундан қатъи назар, у ҳамма учун умумий ва мажбурий хусусиятга эга. Шу боис кимдир бу сиёсатни танқид қилиши мумкин, ammo инкор эта олмайди. Давлатнинг қарор ва қонунларини бажариш мажбурийдир. (Бу ўринда гап муайян давлат идорасининг қарори ҳақида кетмаётир. Ундай ҳолларда жисмоний ёки юридик шахслар ўз манфаатларини суд орқали химоя қилиши мумкин. Бу ўринда гап давлат сиёсати ҳақида кетмоқда.) Фақат Конституциявий суд ёки Олий суд муайян қонун, фармон ёки қарор ижросини тўхтатмагунча улар мажбурий бўлиб қолаверади. Мажбурийликни зарур ҳолларда таъминлаш учун милиция, прокуратура, суд каби тегишли давлат тузилмалари иш олиб боради.

Шундай қилиб, давлатнинг қонун кучи билан мустаҳкамланган, барча учун умумий ва мажбурий хусусиятга эга бўлган ташкилотчилик ва бошқариш фаолияти сиёсат дейилади.

Ушбу таъриф сиёсат тушунчасининг маъно-мазмунини тўлиқ ифода этолмайди, лекин унинг энг муҳим жиҳати — ҳокимият билан боғлиқ эканини акс эттиради. Турли гуруҳлар, партия ва ҳаракатларнинг давлат ҳокимиятига муносабати ҳамда ҳокимиятни эгаллаш йўлидаги фаолияти ҳам сиёсатдир. Шунингдек, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, депутатлар, партияларнинг давлат фаолиятига берган баҳоси, амалий муносабати, одамларнинг сайловлар ва референдум каби сиёсий тадбирларда иштирок этиши уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш шакли ҳисобланади.

Деполитизация, яъни аҳолини сиёсатдан холи қилиш жараёни эса тартибга солиш ва бошқарув борасидаги муайян вазифаларнинг қонун чиқариши ва мажбурий меъёр белгилаш ҳуқуқига, куч ишлатиш воситаларига эга бўлмаган ўзини ўзи бошқариш тузилмалари, нодавлат, ноҳукумат, жамоат ташкилотлари тасарруфига ўтганини билдиради. Бундай бошқарув жамият аъзоларининг юксак онглилиги ҳамда умумэтироф этилган қоида ва меъёрларга ихтиёрий равишда итоат этишига асосланади. Сиёсатдан холи бошқарув усуллари ҳуқуқдан кўра кўпроқ ахлоққа таянади. Чунки ҳуқуқ жамоат ташкилотларининг фақат ўрни ва мавқеини, хатти-ҳаракатининг қонуний чегараларини белгилаб беради.

Сиёсат нафақат амалий фаолият кўришида, балки вақти билан гоявий-мафкуравий шаклларда ҳам юзага чиқади. Шу боис ўз сиёсий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш, давлат ёки муайян партиянинг амалий ишларини, ҳокимиятни эгаллашга қаратилган даъволарни тўғри баҳолай олиш, мустақил хулоса чиқариш зарурати объектив равишда ҳар бир фуқаронинг сиёсий онги, дунёқарashi ҳамда маънавиятига нисбатан катта талаблар кўяди. Демак, фуқаролик жамияти бошқарув жараёни кўп соҳаларда марказлаштириш ва сиёсийлаштиришдан холи, аъзолари юксак сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савияга эга бўлган фаол бунёдкор кишилар жамиятидир.

Ижтимоий оннинг сиёсийлашуви ва жамият аъзоларининг фаоллиги фуқаролик жамиятига бевосита боғлиқ эмас. Масалан, инқилобий ағлов-далғовлар вақтида ижтимоий онг кескин сиёсийлашиб, омманинг фаоллиги, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга таъсири кучаяди. Лекин фуқаролик жамияти шароитида бундай ҳолат кўзга ташланмайди.

Шу боис бошқарувда сиёсатдан холи бўлиш билан бирга, одамлар сиёсий онининг ижобий маънодаги ўсиши ва бунёдкорлик фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим белгиси ҳисобланади. Инқилоб шароитида кўплаб вайронкорлик ҳолатлари кўзга ташланади.

Табиийки, жамият ҳаётини бошқаришнинг ҳамма соҳалари ҳам бирдек марказлашув ва сиёсийлашувдан холи бўлмайди. Бинобарин, уларни бошқаришда ҳам жамо-

атчилик бир хилда иштирок этмайди. Ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳалари борки, улар фақат ёки асосан давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади. Жамоатчилик ўз фикрини билдириши, ташаббуслар билан чиқиши мумкин. Аммо ҳал қилувчи хатти-ҳаракат, қарор, ечим давлат ваколати сифатида унинг зиммасида қолади.

Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий ахлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак" (Ислом Каримов. *Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999, 26-27-бетлар*). Масалан, қонун қабул қилиш, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий тузумини белгилаш, бюджет, молия-кредит ҳамда пул сиёсати, мудофаа ва хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот масалалари, чет мамлакатлар билан дипломатик, сиёсий, ҳарбий алоқалар фақат давлат ихтиёридаги масалалар бўлади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, иқтисодий фаолият эркинлигини, мулк тенгҳуқуқлигини, халқ ҳўжалигининг стратегик аҳамиятга эга устувор соҳалари ривожини таъминлаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимининг кафолатли фаолият кўрсатиши каби йирик иқтисодий-ижтимоий масалалар асосан давлат ихтиёрида қолаверади. Лекин бу соҳалардаги барча масалаларга фуқаролар турли воситалар, биринчи гада оммавий ахборот воситалари орқали ўз муносабатини билдириши, муаммолар ечимига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, улар муайян қонун лойиҳасини Олий Мажлисга белгиланган тартибда киритиши, оммавий ахборот воситалари орқали ҳукумат қарорлари ва амалий фаолиятини баҳолаши, жамоатчилик эътиборини бу борадаги ёки жамиятдаги муайян камчиликларга қаратиб, уларни бар тараф этиш юзасидан таклифлар айтиши мумкин. Худди шундай фаолият сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари томонидан олиб борилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва таъсирининг ортиши, улар томонидан нафақат давлат, балки нодавлат, жа-

моат ташкилотлари фаолиятини назорат қилишнинг муттасил кучайиши фуқаролик жамиятнинг ривожланиш қонуниятларидан биридир. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий институт сифатидаги эркинлигини давлат Конституцияси ва қонунлари меъёрласа, истеъмоб қилинадиган маънавий маҳсулот ва хизмат тури сифатидаги эркинлигини эса ахборот бозори белгилайди. Оммавий ахборот воситалари қайси идора ёки муассасага тегишли эканидан қатъи назар, амалдаги қонунларга бўйсунди.

Фуқаролик жамияти "давлат" тушунчасини бекор қилмайди, булки уни янгича маъно-мазмун билан бойиатади. Бундай жамиятда давлатнинг айрим соҳалардаги вазифалари қисқариб, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказилиши асло ҳокимиятнинг заифлашувини аналтмайди. Давлат ўз вазифасини қонунда белгиланган аҳолати доирасида қатъий бажараверади. Жамоат ташкилотларининг қонуний асосда ҳаракат қилишини қатъий назорат этиш ва таъминлаш вазифаси ҳам шулар жумласидандир. Жамоат ташкилотлари давлатни, давлат эса жамоат ташкилотларини назорат этар экан, улар бир-бири олдида масъулдир. Бунга фуқаролар масъуллигини ҳам қўшсак, фуқаролик жамиятини уч томонлама масъуллик жамияти дейиш мумкин. Ҳақиқатан, "фуқаролар — давлат — жамият" узвий ва муштарак тизимни, бир бутунлиқни ташкил этади. Ундаги ҳар бир таркибий қисмининг эркинлиги ва ривожи бошқа қисмларнинг эркин ва самарали ривожига боғлиқ. Бу ҳол уларнинг ўзига ва бир-бирига нисбатан масъулиятли бўлишини тақозо этади. Жамият ҳаётининг эркинлашуви (иқтисодий ёки сиёсий соҳадами, ижтимоий ёки маънавий ҳаётдами — бундан қатъи назар) ўзаро масъуллик ва шерикчилик асосидагина амалга ошиши мумкин.

Ҳокимият самарадорлигини фақат бошқарув аппарати, суд, прокуратура, милиция ва армиянинг куч-қудрати белгиламайди. Балки уни мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, демократик ва ижтимоий институтлар ҳамда фуқароларнинг маданий савияси, фаоллиги, давлат органларига ёрдам бериш иқтидори ҳам белгилайди.

Зиммасидаги вазифаларининг бир қисмини бошқа ташкилотларга бериш орқали давлат заифлашиб қолмайди, аксинча, кучаяди. Чунки жамиятни бошқаришда унга ёрдам берадиган ташкилотлар сони кўпаяди ва бошқарувнинг ўзи муайян соҳаларда сиёсий характери ни йўқотиб, эркинлашади. Бу эса ушбу соҳаларда, бир томондан, оммага номақбул қарорлар қабул қилишдан, мажбурлаш чораларини қўллашдан халос қилади, уни халққа янада яқинлаштиради. Иккинчи томондан, жамиятнинг ўз ҳаётини ўзи эркин ташкил қилиш ва бошқаришдаги таъсири ортади. Амалда шу тариқа кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ҳодисаси содир бўлади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири жамоатчилик фикрининг давлат сиёсати га реал таъсир кўрсата олишида намоён бўлади. Ривожланган фуқаролик жамиятида, урф-одатлар ва ҳуқуқ каби, жамоатчилик фикри ҳам ижтимоий институтга айланади. Парламент ва ҳукумат, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари жамоатчилик фикрини ҳисобга олади, унга очиқчасига зид равишда фаолият юрита олмайди. Жамоатчилик фикри фуқаролик жамияти яхши ривожланган шароитда баҳолаш (аксиологик) вазифаси билан бир қаторда тартибга солиш (регулятив) вазифасини ҳам бажара бошлайди. Жамоатчилик фикри мамлакатда ва жаҳонда кечаётган жараёнларга нисбатан фаол шаклланиши, турли тузилмалар хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиши учун жамиятда икки нарса ҳеч қурса минимал даражада таъминланган ва кафолатланган бўлиши лозим. Бу — инсон ҳуқуқлари ва ахборот эркинлигидир.

Демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, ахборот эркинлиги ривожланиши наинки ижтимоий фикрни, балки шахснинг ўзини ҳам ҳар жиҳатдан фаоллаштиради. Натияжада жамиятнинг сиёсий маданияти юксалади. Булар фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланиши ва ривожланишининг муҳим шarti ва омилидир. Ўз навбатида фуқаролик жамиятининг ривожланиши ижтимоий фикр фаоллашуви ва ахборот эркинлигининг ўсишига, демократик меъёрлар ва сиёсий маданиятнинг юксалишига тегишли шарт-шароит яратади.

Демак, фуқаролик жамияти аҳолининг юксак сиёсий маданияти ва фаоллигини, демократик меъёрларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча тўқималарига чуқур сингиб кетишини тақозо этади, ўзи ҳам шунга хизмат қилади.

Юксак сиёсий маданият ва фаолликни фақат фуқаролар эркинлиги ва масъулияти заминиде шакллантириш мумкин. Эркинлик ва масъулият диалектик бирликни ташкил этади. Улар йўқ жойда фуқароларнинг (амалдорларнинг эмас, айнан фуқароларнинг) сиёсий фаолияти ҳам бўлмайди.

Фуқаровий эркинлик — жуда кенг, серқирра ва мураккаб тушунча. У, табиийки, инсон ҳуқуқларини, конституциявий эркинликларни (шахснинг хавфсизлиги ва дахлсизлиги, фикрлаш, сўз, эътиқод, виждон эркинлиги, ахборот излаш ва олиш, уни тарқатиш эркинлиги, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари) тўлиқ қамраб олади. Шунингдек, у мамлакат ва жамият ҳаётига бепарво, лоқайд бўлмаслик, ундаги ҳар бир ҳодиса ва ўзгаришни ўзига дахлдор деб, умумий ривожланиш учун ўзини масъул билишни ҳам англайди. Масъуллик — фуқаровий эркинликнинг, эркинлик — фуқаровий масъулликнинг мавжудлик шаклларида биридир. Хуллас, фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг олий қадриятга айланишини, уларнинг максимал даражада таъминланишини тақозо этади.

Эркин ва масъул шахс фуқаро сифатида ҳукуматнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ўзича баҳо беради, зарур ҳолда ўз муносабатини фаол билдиради. У доимо ҳақиқий аҳволнинг қандайлигини билгиси келади, тегишли ахборотларни излайди, суриштиради, сўрайди ва ҳоказо. Шу тариқа у нафақат ўз манфаатларига ва тақдирига, балки бутун жамият ҳаётига таъсир кўрсатувчи ахборотларнинг ёйилишига эришади.

Фуқаро парламент ва ҳукуматнинг ўз фаолияти тўғрисида ошкора ҳисобот бериши, ҳокимият бўғинлари фаолиятининг мутахассислар, мустақил экспертлар, сиёсатшунослар, оммавий ахборот воситалари томонидан танқидий таҳлил қилиниши,

баҳоланиши ва ахборот бозори вужудга келишига таъсир кўрсатади.

Демократия қанчалик ривожланса, ахборот турларининг шаклан хилма-хил, мазмунан теран бўлишига нисбатан реал талаб ва тақлиф ҳам шунчалик кучли бўлади. Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан ва белгиларидан бири — ошкоралиқдир.

Фуқаролик жамиятида кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализм барқарорлиги асосида нодавлат, ноҳукумат ва бошқа жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Бу фаолият йилдан йилга кучайиб, шаклан ва мазмунан бойиб боради. Кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализм жамиятни бўлиб юбормаслиги, сиёсий муносабатлар низоли тус олмалиги, уларнинг барчаси ижтимоий ҳалқорлик негизига қурилиши лозим. Бу эса жамият аъзоларидан умуммиллий манфаатларни теран англаб олиш, уларни маҳаллий, гуруҳий (корпоратив), хусусий манфаатлар билан уйғунлаштириш, ҳақиқий ватанпарвар, тараққийпарвар, эркин ва мустақил фикрловчи шахс бўлишни талаб қилади. Жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мавқеи, жамиятни бошқаришдаги иштироки ҳамда давлат идораларини назорат қилиш вазиёсининг ўсиниб бориши фуқаролик жамияти ривожининг асосий мезон ва қонуниятларидан биридир. Масалан, турли жамоат ташкилотлари, иқтисодчи ва ишбилармонларнинг уюшмалари халқаро, минтақавий фестиваллар, кўрғазма ва ярмаркалар ташкил этиб, турли мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини, баъзи йўналишларда савдо-сотиқ ва сарможавий алоқаларни ўрнатиши мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам ижодий уюшмалар, нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар халқаро тадбир ва уchrashuvлар ўтказиб, муайян масалалар бўйича жаҳон жамоатчилиги фикрини шакллантириши, шу тариқа жаҳондаги сиёсий вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, давлатлараро иккитомонлама муносабатларда нодавлат, ноҳукумат ташкилотларининг, "халқ дипломатияси"-нинг ўрни беқиёс.

Жамоат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши эса аъзоларининг билими, дунёқарашини, маданий савиясини, иш-

чанлиги ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Шу боис юртимизда маънавий-маърифий ишларга, миллий истиқлол гоёяси асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз қалби ва онгига чуқур сингдириш, жамоат ташкилотлари фаоллари тайёргарлиги ҳамда малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бунда мамлакат жамоатчилиги ўз кучи ва халқаро ташкилотлар ёрдамидан фойдаланмоқда. Мамлакатимизда нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари тизимини кенгайтириш билан бирга турли халқаро ташкилотларнинг филиалларини очиб, улар билан икитомонлама ва кўптомонлама алоқалар ўрнатиш ишлари ҳам жадал ривожланмоқда. Бундай ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун баъзи иқтисодий имтиёзлар берилмоқда. Бу ўзбек моделининг фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилган тамойиллари натижасидир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган миллий қадриятларимиздан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу борада маҳалла институтининг ўрни ва мақоми кучайиб, ижтимоий таъсири ортганини эсланинг ўзи кифоя.

Бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқаришини муҳим бўғини сифатида қуйи ҳокимиятнинг баъзи вазифаларини тўлиқ ёки қисман бажариб, шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғинига айланиб бормоқда.

Бу институт, давр талабларини ҳисобга олиб, ташкилий-тузилмавий ҳамда муайян ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асосларга таяниши жиҳатдан такомиллаштирилиши зарур.

Ўтмишда маҳалла инсон ҳаётининг барча соҳаларига, йўналишларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатган. У, жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришда салмоқли ўрин тутган. Саноат (хунармандлик, косиблик) ишлаб чиқариши шаҳарлар ва йирик қишлоқларда асосан оилавий асосда ташкил этилган. Хунармандлиқнинг бир тури билан шуғулланидиган оилалар эса кўпинча бир маҳаллада яшаган. Яъни, маҳаллалар ишлаб чиқариш турларига қараб ихтисослашган.

Бугун, албатта, маҳалланинг иқтисодий-

ижтимоий, тарбиявий, ташкилотчилик ва бошқарув вазифалари тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш эса аллақачон оила ва маҳалла доирасидан чиқиб кетди. Бинобарин, эндиликда маҳалла ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий бўғинларидан бири эмас. Бунга энди зарурат ҳам йўқ. Аммо маҳалла ҳозир ҳам маълум даражадаги иқтисодий вазифаларни бажариши мумкин. Буни Ўзбекистон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Чунончи, коммунал тўловлар, кам таъминланган ва муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ёрдам пули шу тузилма орқали амалга оширилаётгани — бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, маҳалла кичик бизнес ва халқ амалий хунармандлигини ривожлантириш каби баъзи бир иқтисодий фаолият турлари билан ҳам самарали шуғулланиши мумкин экан.

Маҳалла маиший муносабатларни қуйидан норасмий тарзда ташкил этиш ва тартибга солиш, турмуш маданиятини юксалтириш, оилалараро ва фуқаролараро алоқаларни такомиллаштириш борасида бошқа ижтимоий институтлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. У ўз ҳудудида тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва тартиббузарликнинг, айниқса вояга етмаганлар ёмон йўлга кириб кетишининг олдини олишда ўз имкониятларини намоён қилмоқда.

Ҳозирги пайтда маҳаллада бир неча иш ўрни, ўндан зиёд жамоатчилик комиссияси ва бўлимлар мавжуд. Бизнингча, фуқаролик жамияти талаб ва эҳтижларини ҳисобга олиб маслаҳатчи ҳуқуқшунос, спорт мураббийси, бухгалтер каби янги иш ўринларини жорий этиш, маҳаллани моддий таъминлашнинг қўшимча манбалари тўғрисида ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди.

Эҳтимол, маҳаллалар келажакда йирик компания ва тижорат банкларининг акциядорларига айланиши мумкин. Ҳар ҳолда, унга маълум иш ўринларини бюджетга қарам бўлмаган ҳолда сақлаш имкониятини яратган маъқул. Жамоатчилик комиссиялари таркибида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва яна бошқа комиссияларни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ кўрилади. Чунки истеъмолчи баъзан харид қилган яроқсиз буюм ёки хизмат ҳақида қим-


га шикоят қилишни билмайди. Баркамол авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, одамларни турли ахборотлардан баҳраманд этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда маҳалланинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари кўп. Барча маҳалла гузарларида спорт майдончалари барпо этилса, Интернетга уланган ўқув заллари ва кичик кутубхоналар, замонавий тараққиёт тақозо этадиган бошқа янги тузилмалар ташкил этилса, бу имкониятлар янада тўлиқроқ юзага чиқши шубҳасиз. Меҳнат бозори талабларига мос тарзда малака ошириш, қўшимча ихтисосликларни эгаллаш борасида маҳалла кутубхоналарида келгусида масофадан ўқитиш ишларини ташкил этиш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир қонунларнинг нисбатан мукамал бўлиши ижтимоий тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла институти ўтмишдаги каби турғун, биқиқ анъанавий жамият шаклланишига, инсоннинг қолоқ удумлар ва ўзгармас турмуш тарзининг асирига айланиб қолишига эмас, балки озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин шахсни тарбиялашга хизмат қилиши лозим. Жамиятда қонунчилик, аҳолининг ҳуқуқий онги ва тафаккури юксалмаса, маҳалла институти кўпроқ субъектив талкин қилинадиган обрўли ва авторитар фикрга, консерватив, ammo барқарор қоидаларга таянадиган тузилмага айланиб қолади. Бундай шароитда у ёпик, турғун анъанавий жамият унсурига айланади. Ўзбек модели эса маҳалла институтидаги ижобий салоҳиятни янада ривожлантириб, уни демократия ва очиқ фуқаролик жамияти унсурига, ижтимоий тараққиёт омилига айлантиришни кўзлайди. Ўтмишда маҳалла кўпроқ авторитар ахлоқ меъёрлари ва қоидаларига таянган бўлса, эндиликда у демократик ҳамда инсонпарвар ахлоқ меъёрлари, тафаккур эркинлиги, қарашлар хилма-хиллигига таянмоғи керак. Унинг фаолиятида шахс ва оила манфатлари тўлиқ ҳисобга олинishi, уларнинг юксалиши учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим. Инсон кадр-қиммати

ва камолоти, оила равнақи маҳалла фаолиятининг марказига қўйилмоғи керак. Шунда маҳалла юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ҳақиқий бошланғич бўғинига айланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат, ноҳукумат ва бошқа турдаги жамоат ташкилотлари тез ривожланмоқда. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Масалан, "Экосан" жамғармаси фаолияти экологик ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётганига мисол бўла олади. Хотин-қизлар, қариялар ва ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда хотин-қизлар кўмиталари, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотларнинг фаолияти салмоқли бўлмоқда. Бу борада жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар, аввало, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданий савияси билан боғлиқ муаммолардир. Иккинчидан, юртимизда сиёсий партиялар ҳали талаб даражасида фаолият юритаётгани йўқ. Оммавий ахборот воситалари эса, иқтисодий жиҳатдан мустақил эмаслиги, ақсарият журналистларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси пастлиги, билим ва маҳоратининг етишмаслиги туфайли том маънодаги тўртинчи ҳокимиятга айланолмапти. Учинчидан, давлат ҳокимиятининг турли бўғинларидаги бюрократия ислоҳотлар жараёнига зимдан қаршилиқ кўрсатмоқда. Бу тоифа бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида тўлиқ воз кеча олмайтир. Чунки у иқтисодий ва демократик усуллари яхши билмайди, бу борада етарли билим ва малакага эга эмас. Тўртинчидан, жамият бошқарувининг барча бўғинларида ижобий демократик тажрибанинг ҳозирча етишмаслиги фуқаролик жамияти ривожини секинлаштирмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис 9-сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган етти та устувор йўналиш чуқур маъно-мазмунли билан ўзбек модели янада бойитди. Бу вазифаларни амалга ошириш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.



## ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Баҳодир ЗОКИР

ILM  
VA  
G'AYRIILM

Яқинда тахририятимизга Тошкент вилояти чекка туманларининг биридан чамаси 30-35 ёшдаги йигит келиб, кейинги вақтда ҳаётида жуда галати, ғайритабиий ҳодисалар юз бераётгани, унга Оллоҳдан ваҳий келгани ҳақида гапириб, кўлимга каттагина қўлёзма тутқазди. Унинг таъкидлашича, Оллоҳ "Одамлар орасидан сени танладим, хаёлингдан ўтган гапларни, бошингдан кечган воқеаларни уларга етказ!" деган эмиш.

Ана ҳолос! Анчадан буён ғайритабиий ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти, илм ва ғайриилмнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида мақола ёзишни ўйлаб юрган эдим, буни қарангки, шундай ҳодисалар таъсирига тушган одам ўз оёғи билан келиб қолса! Тўғриси, илгари ҳам тахририятга "янги қувват манбаи", "биомайдон" ва бошқа мўъжизаларни "кашф" этган девонасифат одамлар "ташриф буюрган". Эшитишимча, бундай кишилар Фанлар академиясининг кўпгина институтлари олимларини ҳам ҳол-жонига қўймаётган экан. Қизиқ, бу гал қандай мўъжизаларга гувоҳ бўлар эканмиз?

Ўша заҳоти қўлёзмани ўқий бошладим... ва очиғи, хафсалам пир бўлди. Чунки мактабнинг ўртамиёна ўқувчиси савиясида ёзилган "иншо"да фатализм руҳи ҳукмрон эди. Муаллиф парапсихология, телепатия, телекинез ҳақида нимани ўқиган, эшитган бўлса, барчасининг мавжудлигига заррача шубҳа қилмайти. Ҳатто, ўзим ҳам фикрни узоқ масофага узатишим мумкин, дея даъво қилади. Аммо у рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти ва сабаблари ҳақида бош қотириб ўтирмайти, улар тасавурида қандай намён бўлса, шундайлигича қабул қилади, мушоҳада ва тафаккурга ўрин қолдирмайти.

Ўзимча ўйлайман, ўн йил ўрта мактабда, сўнгра институтда табиатшунослик ва гуманитар фанлардан билим олган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган одамда ғайриилмий тасаввур ва тушунчалар, турли бидъат ва хурофотлар қаердан пайдо бўлди экан?

"Телепат" дўстимизнинг ҳолатини-ку тушунса бўлади. Эҳтимол, у мактабни зўрга битириб, илмга умуман қизиқмаган ёки ақли заифроқ бўлиши мумкин. Аммо кўша-кўша илмий даражаю унвон соҳибларининг фан-техника юксак тараққий этган замонда ғайриилмий ғояларни илгари суриши ва тарғиб этишини қандай изохлаш мумкин? Бунга Россия Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, тополог олим А. Фоменконинг илмий жиҳатдан аллақачон асослаб берилган тарихий воқеа-ҳодисаларнинг тадрижий тараққийёти ҳамда неча асрлик астрономик кузатувлар натижаларини сохталаштириш

асосига қурилган "Янги хронология" концепцияси мисол бўла олади. У антик даврнинг буюк астрономи Клавдий Птоломейнинг "Алмагест" асаридаги айрим ноаниқликларга таяниб, ақл бовар қилмайдиган хулосаларга келади. Жумладан, унинг таъкидлашича, инсониятнинг ҳақиқий тарихи XI-XII асрларда бошланган, антик давр воқеа-ҳодисалари эса ўрта асрлар тарихининг ҳаёлий акси эмиш! А. Фоменко ана шундай ғайриилмий қарашлар негизда воқеа-ҳодисаларнинг рўй берган вақти, тарихий шахсларнинг яшаган даврини ўз хоҳишига қараб ўзгартиради. Масалан, унинг назарида, Исо пайғамбар 1054 йилда таваллуд топган ва у аслида Рим папаси Гильдебранд (Григорий Эттинчи) билан бир одам, қадимий Бобил эса Италия ҳудудида жойлашган экан. Олимнинг ҳаёлотли махсули сифатида бир қарашда беозор кўринган бу концепция моҳиятан ғайриилмий ва ғайринсонийдир. Чунки у инсониятнинг неча минг йиллик тарихи, дин, маданият, фан асосларига зарба беради, ҳақиқий тарихий жараёнларни ҳаёлий ўйдирмаларга айлантиради. Агар фандаги бу "кашфиёт"ни эътироф этадиган бўлсак, дунёда Россиядан қадимийроқ давлат йўқ ҳамда шумер, бобил, ҳинд, хитой, юнон, эрон ва турон тамaddonлари яратган буюк маданиятни ҳаёлот махсули дея тан олишга мажбур бўламиз. Афсуски, ана шундай "ғоя"лар ва "концепция"ларни тарғиб этувчи асарлар бирон бир яширин босмаҳонада эмас, дунёдаги нуфузли таълим даргоҳларидан бири — Москва Давлат университетида чоп этилмоқда. Янада ажабланарлиси, бу ҳол Америка ва Фарб илмий жамоатчилигини таажжублантирган бўлса, МДХ ҳудудидаги илм аҳли, жумладан, бизнинг олимларимиз ҳам бу хусусда, гўё оёзига талқон солиб олгандек миқ этгани йўқ.

Тан олиш лозимки, ҳозирги вақтда собиқ шўро ҳудудида пайдо бўлган давлатларда илм-фан соҳаси анча мураккаб вазиятни бошдан кечирмоқда. Хусусан, фундаментал тадқиқотларга етарли маблағ ажратилмаётгани, илмий ва илмий-оммабоп нашрлар ададининг камайиб бораётгани сабабли аксарият олимлар қандай қилиб бўлса-да, чет эл жамғармалари грантларини қўлга киритишга уринмоқда. Шу билан бирга, хорижда чоп этилган парасихология, астрология, уфология, афсунгарлар, ўзга сайёраликлар, "абдий двигателъ" ҳақидаги китоб ва рисоалар савдо расталарини эғаллаб олмоқда. СССР давридаги "қайта қуриш" сиёсати натижасида ҳар хил сохта "кароматгўй"ларнинг пайдо бўлиши аҳоли ўртасида ғайритабиий ҳодиса ва жараёнларга қизиқиш ва аксинча, фан-техника ютуқларига шубҳа билан қараш туйғусининг кучайишига сабаб бўлди. Айниқса, А.Кашпировский деган қаллобнинг амалдорлар,



илм ва тиббиёт ходимларининг кўз ўнгида минглаб одамларни лақиллатгани, тиббиёт илмига нисбатан шубҳа уйғотгани, кўплаб хаста кишилар аҳволини ёмонлаштирганини ҳали ҳам кўпчилик унутмаган бўлса керак. Бу товламачи ўша даврда ёрдамга муҳтож одамларни тунаш эвазига тўплаган маблағларини кўпайтириб, аллақерларда (маълумотларга кўра, Германияда) ҳамон “муолажа” борасидаги ҳунарини қўллаб юрган эмиш...

Нимасини айтасиз, “Кашпировский феномени”га ўхшаш ғайриилмий, ғайриинсоний фаолият турли шакл ва кўринишларда бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Умуман олганда, назаримизда, инсон онгини бошқариш, тобе этиш йўлида Кашпировский қўллаган усуллар билан бир вақтлар Муссолини, Ҳитлер, Сталин сингари мустабидлар ишлатган оммавий психоз ёки бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида уя қуриб олган, катта пул эвазига беғуноҳ одамларни нобуд қилишга шай турган “шаҳид”ларни тайёрлаш усуллари ўртасида кескин фарқ йўқ. Чунки уларнинг барчаси инсонни ўзлигидан, тафаккуридан айирриш, ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажарадиган манкуртга айлантириш, ғайриилмий ва ғайриинсоний ғояларга ишонтиришга қаратилгани билан бир хил маъно-моҳиятга эга.

Машҳур француз файласуфи ва адиби, Нобель мукофоти совриндори Альбер Камю бу ҳақда шундай деган эди: “Санъат бир томони тубсиз жарлик, иккинчи томони типпа-тик қирлик бўлган торгина сўқмоқдан одимласа, фанда бу ҳолат калтабинлик ва ақидапарастлик орасидаги йўл сифатида намоён бўлади. Калтабин ўз қарашларини инкор этувчи далил-исботларга беписандлик билан қарайди ва уйдирма асосига қурилган ғояларни илгари суради. Ақидапараст эса бугунги тушунча ва тасаввурларни бўрттириб, бузиб кўрсатишга интилади. Улардан қай бири хавфлироқ — айтиш қийин” (“Наука и жизнь”, 1982, 1-сон, 60-бет).

Хўш, бундай сохта ғоялар яшовчанлигининг асл сабаблари нимада? Нима учун илм-фан юксак тараққий этган ҳозирги даврда уларнинг таъсири кучайиб бормоқда? Нима учун баъзан олимларнинг ўзи ғайриилмий қараш ва афсонавий ғояларни тарғиб этмоқда? Масалага оидинлик киритиш учун илм ва ғайриилм ўртасидаги кураш тарихига мурожаат этишга тўғри келади.

## Йоханн Кеплернинг ўғай фарзанди

Фан фақат эзгуликка  
хизмат қилмоғи лозим.

**Жюль ВЕРН**

Фан тарихидан маълумки, астрономия билан астрология азалдан ўзаро кучайиб келган. Гарчанд Овруподаги Уйғониш ва маърифатпарварлик давридани кейин уларнинг тараққий этиши айрича кечган бўлса-да, бизнинг замонамизда кўпчилик тасаввурларида бу икки йўналиш ҳануз ягона фан сифатида эътироф этилмоқда. Чунончи, 1990 йили Монреалдаги (Канада) Йорк университетиди амалга оширилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, гуманитар факультет талабаларининг 45 фоизи, табиатшунослик факультети талабаларининг 37 фоизи астрологияга ишонишини таъкидлаган. Тарих, антропология, социология, фалсафа, руҳиятшунослик каби гуманитар соҳа талабалари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, чунки улар мифология, ғайритабиий ҳодисалар ва астрологик унсурларга ўта қизиқиш билан қарайди. Бизни бошқа нарса — табиатшунослик фанининг ҳам гоҳида шу ҳолга берилиб кетаётгани ажаблантиради.

Ҳолбуки, айнан табиатшунослик соҳаси мутахассислари зиммасига инсон тафаккури билан яратилган, рационал қонуниятлар асосида ишлайдиган, тобора мураккаблашиб бораётган техникани бошқариш вазифаси юклатилган. Бинобарин, аввало табиатшунос олимларнинг онги ва тафаккури ғайриилмий ғоялар, бидъату хурофотлардан холи бўлиши лозим. Дейлик, термоядро синтези билан шуғулланаётган физик, янги биоматериаллар яратаётган ёки ирсият муҳандислиги борасида тадқиқот юритаётган мутахассиснинг юлдузларга қараб фол очишини тасаввур қила оласизми?

Албатта, бу мулоҳазалардан астрология инсоният тарихида фақат салбий роль ўйнаган, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Чунки бу фан кишиларнинг мифологик дунёқарашини негизда вужудга келган ҳамда табиатшунослик фанлари тараққиётининг дастлабки босқичларида Ернинг Куёш атрофида йиллик айланиш жараёнининг ёгингарчилик, курғоқчилик, сув тошқинлари каби табиат ҳодисаларига таъсирини олдиндан башорат қилишда қўлланган (масалан, қадимги Юнонистоннинг Дельфа шаҳрида шундай башоратлари билан шуҳрат қозongan қоҳинлар қавми бўлган). Шубҳасиз, ўша замонда астрология ҳали табиатшуносликдан ажратилмаган эди. Унинг ғайриилмий қиёфаси инсоннинг феъл-атвори ва тақдири башорат қила бошлаган даврлардан бошлаб яққол намоён бўлади. Мелоддан олдинги 370 йилдаёқ юнон математиги ва астрономи Евдокс "Бирор бир кимсанинг туғилган куни ёки юлдузларнинг жойлашувига асосан инсоннинг феъл-атвори, ҳаёти ва тақдири ҳақида қилган халдейлар (қоҳин, афсунгарлар — **Б.3.**) башоратига эси бор одам ишонмаслиги лозим" дея таъкидлаган.

Аммо ўша замонларда астрологик қарашлар астрономик таълимотлар доирасида ривожланган. Шу боис астрологиянинг асл моҳияти яшириш бўлган. Ҳар қолда, бу фаннинг астрономик кузатув ҳамда сайёралар ҳаракатини белгиловчи қонуниятларни кашф этишга маълум даражада кўмаклашганини ҳам инкор этиш қийин. Антик даврнинг машҳур астрономи Птоломейнинг бугунги кунгача астрология бўйича асосий дарслик сифатида қўлланиб келаётган "Тетробиблос" асарининг муаллифи экани кўп нарсани ойдинлаштиради.

Ўрта асрларда, ҳатто Уйғониш даврида ҳам астрологиянинг таъсири кучли бўлган. Аммо ўшанда ҳам олимлар унга турлича муносабат билдирган. Масалан, юнон олими Георг Трапезунский (1395-1483) "Фирибгарлик ҳақида", "Нима учун астрология маълумотлари ёлғондан иборат?" каби асарларида бундай қарашларни кескин танқид қилган.

Мумтоз механика асосчилари Иоханн Кеплер (1571-1630) ва Галилео Галилейнинг (1564-1642) ҳам астрология билан шуғуллангани ҳақида илмий адабиётда маълумотлар бор. Кеплернинг тан олишича, у ҳақиқатан ҳам ҳукмдорларга юлдузлар тақвими тўзиб берган экан. Лекин унинг ўзи бу фаолиятга қандай баҳо берганига эътибор қилинг: "У (яъни, астрология) астрономиянинг ўғай фарзанди; астрология бўлмаганида онанинг аҳволи не кечарди? Унинг манфаати учун фарзанд сафсата сотиш ва алдамчилик қилишга мажбур. У шу йўл билан пул топмаганида она аллақачон очликдан нобуд бўларди. Математикларнинг мойнаси ҳеч нарсага арзимагандан кейин кун кечириш учун яна қандай йўл тутиш мумкин?"

Демак, Кеплернинг астрологияга муносабати, умуман олганда, салбий бўлса-да, бу соҳа табиатшунослик фанлари ривожининг (жумладан, астрономиянинг) дастлабки босқичларида ижобий роль ўйнаганини эътироф этган, айрим олимлар сингари тоғорадаги сув билан бирга чақалоқни ҳам улоқтириб юбормасликни маслаҳат берган.

Кеплернинг бундай ёндашуви италиялик аллома Г. Галилейнинг кескин тан-

кидига учраган. Чунки Галилей Кеплерни буюк табиатшунос сифатида юксак қадрлагани ҳолда, унинг дунёқарашидagi ғайритабиий унсурлар ҳамда мисти-кага мойилликни ҳазм қила олмаган. "Оламнинг икки тизими ҳақида диалог-лар" асарида сувнинг кўтарилиши ва пасайиши назарияси хусусида тўхталиб, бундай ёзади: "Бу ғаройиб ҳодиса ҳақида фикр юритаётганлар орасида Кеп-лерга ҳайрон қоламан; у — эркин тафаккур, зўр ақл-заковат соҳиби, Ернинг ҳаракат назариясини мукамал эгаллаб олган олим, сайёраларнинг Ердаги сувнинг ҳолатига таъсир этиши ва бошқа сирли кучлар тўғрисидаги бачкана афсоналарга ишониб юрса-я?!" Лекин замонлар ўтиб, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида тараққий этган астрофизика, биофизика, космология, кос-мик биология каби соҳаларда эришилган натижалар галактикамиздаги сайё-ралар ва бошқа самовий жисмларнинг Ердаги физикавий ва биофизиологик жараёнларга муайян даражада таъсир этишини исботлади. Яъни, бу масала-да Кеплер қарашлари ҳақиқатга яқинроқ экани, Галилей эса идишдаги сув билан бирга чақалоқни ҳам тўкиб ташлагани аён бўлди. Чунки Галилей таби-ий қонуниятлар асосига қурилган таълимотида Ернинг механик ҳаракати ва ундаги бошқа жараёнларга қандайдир ғайритабиий кучнинг (шу жумладан, ўзга сайёра ва юлдузларнинг) таъсир этиши мумкинлигини ҳатто тасавури-га ҳам сиғдиролмаган. Нима бўлганда ҳам ана шундай кескин баҳс-муноза-ра ва тортишувлар ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши, астрономия фанининг тарақ-қий этиши ҳамда астрологиянинг ғайриилмий моҳиятини очиб беришга хиз-мат қилган.

Хўш, бугунги кунда астрологияга қарши курашиш зарурати борми? Шуб-ҳасиз, бундай зарурат бор. Негаки дунёдаги кўплаб марказлар, уюшма ва ком-панияларда минглаб "мутахассис"лар содда одамларни алдаш билан банд. Уму-ман, бундай фаолият билан шуғулланаётганларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси — моддий манфаат йўлида астрология соҳасида газета, жур-нал ва китоб чоп этиш билан машғул бўлган амалиётчи астрологлар. Улар-нинг бу соҳадаги билим даражаси мавҳум тушунча ва атамалар ҳамда юл-дузлар жадвалини ҳисоблайдиган энг оддий компьютер дастурини билиш-дан нарига ўтмайди.

Иккинчиси — жамиятда обрў-эътибор қозониш, шуҳрат орттиришни кўзла-ган "академик"лар. Уларнинг фаолияти турли курс ва "академия"ларда тинг-ловчиларни ўқитиш ҳамда шу соҳа билан машғул фирмаларга "қимматли мас-лаҳатлар"ни тавсия этиш билан чекланади. Буларнинг аксарияти олий маълум-отли. Улар орасида табиий-илмий қарашлардан воз кечган, астрологик ғояларга ўта берилган кўплаб фан номзодлари, ҳатто докторлари ҳам бор.

Учинчиси — илмий жамоаларда ишлаётган, Ерга ва биосферага космик таъ-сир жараёнини ўрганишда астрологияни дастлабки босқич ҳамда маълумот-лар йиғиндиси сифатида эътироф этадиган олимлар.

Таниқли олим А. Мигдал уларни бошқачароқ таърифлайди: "Биринчиси — ихтирочилик дардига мубтало бўлган ёки руҳий хаста одамлар; иккинчиси — қаллоб, товламачи ва афсунгарлар; учинчиси — нодон, дунёқараш тор, сав-вияси паст кишилар; тўртинчиси — ўтакетган мутаассиблар" (*"Химия и жизнь"*, 1981, 3-сон, 32-33-бетлар).

Хўш, астрологиянинг ғайриилмийлигини қандай далиллар билан асослаб бериш мумкин? Албатта, битта-иккита мақола билан жаҳондаги ғайриилмий ғоялар тарқалишини тўхтатиш ҳам, уларнинг муаллифларини фикридан қайта-риш ҳам осон эмас. Ҳамонки, шундай ғоялар илгари сурилаётган, кўплаб одам-лар бундай фаолият билан машғул экан, демак, маълум бир тоифа кишиларда

шу "матоҳ"га эҳтиёж бор. Биз фақат бир нарса — ҳақиқий илм билан ғайриилмий ёндашув ўртасидаги кескин зиддиятларга муҳтарам журналхонларимиз эътиборини жалб эта олсак, кўзлаган мақсадимизга қисман эришган бўлур эдик. Чунки илмий ғоя, концепция, назария фақат аниқ тасдиқланган, истаганча қайта текшириш мумкин бўлган факт ва далилларга таянса, ғайриилмий қарашлар ўта мавҳум, амалиётда тасдиқланмаган таъкидларгагина асосланади. Ажабки, ана шундай пуч қарашларнинг илмий тус олишига антик даврда яшаган буюк алломалар ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, мелоддан олдинги IV асрда Арастунинг "Физика" асариде тажрибада синалмаган, мантикий хулосаларгагина асосланган таълимот илгари сурилган. Қизик, ўша замонларда олимлар мантикий мулоҳаза билангина кифояланиши лозим, тажриба ва синов ўтказиш эса — қуллар бажарадиган иш деб қаралган. Орадан икки минг йил ўтгандан кейин Галилео Галилей илмий тахминларини амалий синов ва тажриба воситасида асослаб бера бошлаган. Шундан сўнг физика ҳақиқий фан мақомига эришган.

Айрим замонавий мунажжимларнинг таъкидлашича, гороскоп (астрологияда қўлланиладиган юлдузлар тақвими) воситасида кишиларнинг муайян касбга мойил ёки мойил эмаслигини аниқлаб бериш мумкин экан. Бу борада астрологлар ҳақ бўлиб чиққанда борми, бирорта ҳам одам касб танлашда янглишмаган, ҳамма ўз лаёқати ва иқтидорига яраша касб танлаган бўлур эди. Афсуски, ҳақиқий аҳвол бошқачароқ: касб психологияси ва социологияси соҳаси мутахассисларининг эътироф этишича, ҳозирги вақтда ёшларнинг учдан бир қисмигина касбни ўз лаёқати ва иқтидорига қараб, онгли равишда танлар экан. Кейинги вақтда дунёдаги илмий марказларда ёшлар касбга қизиқишининг биологик, психологик, психофизиологик, ирсий ва бошқа жиҳатлари жиддий тадқиқ этилмоқда, бу соҳада муайян ютуқлар ҳам йўқ эмас.

Дарвоқе, АҚШдаги Ж.Вашингтон университетининг олимлари Ж.Беннет ва Ж.Барт астрологларнинг зикр этилган "башорат"ни текшириб кўриш мақсадида 17 минг олим ва 5 минг сиёсий арбобнинг туғилган кунини мунажжимлар тақвими билан қиёслаб, улар орасидаги боғлиқлик мутлақо тасодифий экани, юлдузларнинг жойлашуви касб танлашга мутлақо боғлиқ эмаслигини исботлаб берди.

Демак, замонавий "башорат"лар ҳам илмий далилларга асосланмаган, шунчаки тахмин ё фараз экани маълум бўлмоқда. Ҳақиқий олим ўз тахминини асослаш учун юзлаб тажриба ўтказиши, кўплаб ишончли далиллар излайди, унинг холис тадқиқотчилар томонидан текширилишига қаршилиқ қилмайди, ҳар қандай муҳолиф билан очиқ ва эркин баҳс-мунозарага киришади. Астролог эса, аксинча, тахминини фандаги буюк кашфиёт деб ҳисоблайди, уни текшириб кўришга қаратилган ҳаракатларни "догматизм ва схоластика" дея рад этади. Негадир кўпгина мунозараларда ҳақиқий олимлар ён беришни маъқул кўради ёки "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутлади. Ким билади дейсиз, бугунги дунёда ғайриилмий тасаввур ва қарашлар таъсир доирасининг кенгайиб бораётганига балки ана шундай муносабатлар ҳам сабаб бўлаётгандир. Хўш, илм аҳли бу борада ғайриилмий ғояларга қарши фаол курашмаётган, бетарафлик йўлини тутаётган экан, қандай қилиб уларни фош этиш мумкин? Бизнингча, мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар дастурига муайян ўзгартиришлар киритиш лозим кўринади. Мазкур дастурларда фақат илмий назария ва таълимотлар бўйича дарс ўтиш билан чекланмасдан, ғайриилмий ғоя ва қарашларнинг танқидий таҳлилига, шунингдек, амалий тажриба ва машғулотларга ҳам кенг ўрин берилиши даркор. Масалан, физика му-

аллими "торсион майдон" назарияси асоссиз эканини, астрономия ўқитувчиси юлдузлар тақвими асосида инсон тақдирини башорат қилиб бўлмаслигини оддий тажриба орқали, жамиятшунос эса реакцион диний оқимларнинг ғайриилмий моҳиятини далил ва ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берса, ўйлаимизки, бу хулосалар ёшлар онгига умрбод муҳрланиб қолади ва уларда табиий-илмий дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади.

### Замонавий фанда инқилоб юз бермоқдами ёки инқироз?

*Интеллектуал олам тараққиёти деганда мен ҳайрат ҳиссини енгиб ўтиш, яъни ғайритабиий ҳодиса ва мўъжизалардан узоқлашиш жараёнини тушунаман.*

**Альберт ЭЙНШТЕЙН**

Биз астрономия ва астрология мисолида ғайриилмий ғоя ҳамда таълимотларнинг пайдо бўлиши ҳақида қисман тўхталдик. Аслида, бундай мисолларни фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам қўплаб келтириш мумкин. Қайси фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихига назар ташламанг, барчасида илмий ва ғайриилмий таълимотларнинг асрлар давомида курашиб келганига гувоҳ бўласиз. Ажабланарлиси шундаки, илм-фан ҳар қанча тараққий этмасин, бу кураш ҳануз сусайгани йўқ, аксинча, тобора кучайиб бормоқда.

Нима сабабдан илмий назарияларга зид бўлган ғояларни асосан товламачи, фирибгар, фан соҳасида омади юришмаган ёки ҳамма нарсадан норози одамлар тарғиб этаётганини англаш қийин эмас. Аммо, баъзида дунё жамоатчилиги тан олган машҳур олимларнинг ҳам бунга бош қўшаётганини тушуниш қийин. Масалан, таниқли табиатшунос олимлар Жеймс Уэлтернинг "воқелик яратувчиси", Девид Бомнинг "голография олами" концепцияси, Нобель мукофоти совриндорлари Ричард Фейнманнинг "салбий эҳтимоллик", Стивен Хокингнинг "суперсимметрия" ғоялари ўта мавхум ва бирёқламалиги, мавжуд илмий маълумотларга зидлиги яққол сезилиб туради (С. Хокингнинг қарашлари га танқидий муносабатимизни билдирган эдик. — "Тафаккур", 2002 йил, 3-сон).

Метафизик ва диний-мистик мазмундаги ана шундай қарашларни рўқач қилиб, айрим тадқиқотчилар фанга нисбатан ишончсизлик кучайиб бораётганини, ҳатто унинг инқирозга юз тутаётганини таъкидламоқда.

Масалан, Россия Фанлар академияси Фалсафа институтининг директори, академик В. Степин ўрта асрларда фаннинг динга бўйсундирилгани ҳақида гапириб, бундай дейди: "Мабодо инсоният экологик ёки умумсайёравий фалокатга йўлиқса, буддавийлик, насронийлик, бутпарастлик ақидаларини ўзида мужассам этган, уларни янги ғоя ва эътиқод тизимига келтирган, инсоннинг табиатга нисбатан муносабатини тартибга соладиган диний таълимотнинг пайдо бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай вазиятда фан, шубҳасиз, ўша таълимотга бўйсундирилган бўлур эди. Келажакнинг бундай манзараси бизга ёқадими, йўқми — у ҳақда ўйлашимиз ва мулоҳаза юритишимиз лозим" ("Вопросы философии", 1999, 10-сон, 8-бет). Бизнингча, бу ўринда ҳар қандай шарҳ ўринсиз. Фақат бир нарсани унутмасак бўлгани: инсоният ана шундай фалокатга дуч келган тақдирда фан, дин, маданият, дунёқараш каби қадриятлар ҳақида мулоҳаза юритишга ҳожат қолармикан?..

Қолаверса, фан ва техника юксак тараққий этган (лоақал кейинги йиллардаги оламшумул ютуқларни эслайлик: энг оғир хасталикларни ҳам даволаш


имконини берувчи ДНК кодининг аниқланиши, коинот ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтирган янги сайёранинг кашф этилиши, имкониятлари жиҳатидан бир-биридан мукамал техник ускуналарнинг яратилиши ва ҳоказо), илмий тадқиқот жараёни инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бир замонда фаннинг динга бўйсундирилиши ёки қандайдир инқирозга юз тутиши ҳақида гапиришга асос борми?!

Балки чиндан ҳам, фанга қарши бундай муносабатнинг шаклланишига сайёраимиздаги глобал муаммоларнинг кескинлашуви, илмий-техникавий тарақиёт маҳсули бўлган оммавий қиргин қуролларнинг мислсиз даражада кўпайиб бораётгани, айрим кишиларнинг ғайриилмий оқим, зарарли ғоя ва мафкура-лар таъсирига берилиб кетаётгани сабаб бўлаётгандир?

Аслида экологик инқироз ҳам, оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқариш ҳам аллақачон мустақил соҳага айланган техникавий, технологик фаолият маҳсули эканини тан олиш лозим. Чунки кўп йиллардан буён коинотда учиб юрган ва вазифасини адо этиб бўлгач Ерда кулаб тушаётган юзлаб сунъий йўлдошлар, атроф-муҳитни заҳарли чиқиндилар билан тўлдириб юборган кимёвий технологиялар ва қурол-яроғлар илмий лабораторияларда эмас, сааноат корхоналарида ишлаб чиқарилган.

Дунё микёсида ҳар йили ишлаб чиқариш соҳасига миллиард-миллиард доллар сарфланаётгани сир эмас. Аммо бунда фундаментал фанлар улуши йилдан-йилга камайиб, техника соҳасининг улуши кўпайиб бораётганини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, кейинги вақтда жаҳондаги кўплаб университет ва илмий марказларнинг турли корхона ҳамда корпорациялар манфаатларига хизмат қилаётгани кўзга ташланмоқда. Корхона ёки корпорация эгасини эса фундаментал илмий ғоя ҳам, соф илмий изланишлар ҳам унчалик қизиқтирмайди. У фақат муайян технологик жараён ёки техник қурилма яратиш ва уларни такомиллаштиришгагина маблағ ажратади. Демак, ана шундай ишлаб чиқариш ёки технологик жараён таъсирида вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларда фанни айблаб бўлмайди. Аксинча, бундай ҳолатлар фаннинг тавсияларига рияз этмаслик, уларни назар-писанд қилмаслик оқибатида юз бермоқда.

Шундай қилиб, ғайриилмий ғоя ва қарашлар вайронкор кучларнинг дунёга ҳукмронлик қилиш васвасаси, шухратпарастлик ва манфаатпарастлик заминида пайдо бўлади. Фан эса ҳамisha эзгуликка, инсоннинг моддий аҳволини яхшилашга, унинг ақлий, маънавий-ахлоқий камолига хизмат қилади. Тўғри, илмий изланиш жараёнида бирон бир камчиликка йўл қўйилиши, илгари сурилган фараз баъзида хато бўлиб чиқиши мумкин. Бу — фанда тез-тез учраб турадиган ҳол. Аммо, илм аҳлига хос хусусиятлар тинимсиз изланиш, янгилликка интилиш, назарияга зид бўлган тасаввур ва тушунчаларни қайта кўриб чиқиш, зарур бўлса, улардан воз кечишдан иборат. Буларнинг барчаси илмий ҳақиқатнинг рўёбга чиқишига хизмат қилади.



“Қарахтлик”. Франциско Гойя асари.

Фан тарихидан маълумки, талай ҳолларда ана шу хусусиятлар кўплаб буюк кашфиётларга замин ҳозирлаган. Жумладан, А. Эйнштейннинг фанда инқилоб ясаган кашфиёти — нисбийлик назарияси мумтоз физикада макон ва замоннинг ўзгармас экани ҳақидаги тасаввурлардан воз кечиш асосида пайдо бўлган эди.

Демак, ғайриилмий қарашларни ҳақиқий олимнинг илмий изланишларидаги хатоларидан фарқлай билиш керак. Америкалик фан тарихчиси М.Шернер "Scientific American" ("Америка фани") журналининг 2001 йил 10-11-сонларида чоп этилган мақоласида куйидаги мисолни келтиради. Геокимё соҳасида бир неча кашфиёт қилган таниқли олим Томас Голд нефть ва газ захиралари миллион-миллион йиллик геокимёвий жараёнлар таъсирида эмас, балки Ер қаърида яшайдиган қандайдир микроорганизмлар воситасида ишлаб чиқарилиши ҳақидаги фаразни илгари сурган. Кўплаб баҳс-тортишувлардан кейин у мавжуд илмий маълумотларга тамоман зид бўлган ана шу ғаройиб фаразнинг хато эканини тан олган. Ғайриилм вакилидан фарқли ўларок, ҳақиқий олим илгари сурган фаразидagi хатонинг асл сабабларини қидиради, унинг янглиш эканига ишонч ҳосил қилгач эса, масаланинг тўғри ечимини излашга киришади, бу йўлда тинимсиз синов ва тажрибалар ўтказади. Бу жараёни куйидаги ҳалқа шаклида тасвирлаш мумкин: *муаммо — илмий тахмин — синов ва тажриба — хулоса — ечим*. Асрлар давомида фан шу тартибда шаклланиб, тараққий этиб келган. Аммо, фан тарихида шундай даврлар ҳам бўлганки, мустабид тузум шароитида ҳукмрон доираларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ғайриилмнинг яна бир кўриниши — квазиилмга кенг йўл очиб берилиши сабаб кўпгина фан соҳалари ривожланиши сунъий равишда тўхтатилган. Бунинг оқибатида ғайриилмий услуб ва ёндашувлар, мафкуравий ва сиёсий омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Квазифан деганда, муайян мамлакатда жаҳон фанининг бирон бир соҳасига қарши кўйилган ғайриилмий таълимот тушунади. Масалан, собиқ Иттифокда марксча-ленинча фалсафа — жаҳон фалсафасига, Мичурин-Лисенко биологияси — генетика фанига, Германияда национал-социалистлар ҳомийлигидаги "орийлар физикаси" эса нисбийлик назарияси ва квант физикасига қарши ашаддий кураш олиб борган.

Квазиилмнинг ғайриилмдан фарқи шундаки, *биринчидан*, у мустабид тузум шароитида шаклланади ва жадал ривожланади; *иккинчидан*, агарда ғайриилм — алоҳида индивид билим даражасининг пастиги, ақлининг заифлиги ёки руҳий хасталик билан боғлиқ бўлган қарашларининг маҳсули бўлса, квазифан, аввало, ижтимоий-жамоавий ҳодиса сифатида бир гуруҳ олимларнинг муайян фан соҳасида ҳукмронлик қилишга интилиши натижасидир. *Учинчидан*, ғайриилм соҳасида фаолият юритаётганларнинг аксариятини сохта олимлар, афсунгар, фарибгар ва товламачилар ташкил этса, квазифан вакиллари орасида кўплаб машҳур тадқиқотчиларни учратиш мумкин. Дейлик, "орийлар физикаси"га бир неча Нобель мукофоти совриндорлари асос солгани ёки жаҳон фани томонидан асосланган плиталар тектоникаси назариясига қарши курашаётганлар орасида кўплаб номдор олим ва академиклар борлиги маълум.

Хўш, нима учун квазифан айнан мустабид тузум шароитида гуллаб-яшнайдими? Ғоявий-мафкуравий ва сиёсий таъйиқлар — ўз йўлига. Бундай давлатда олимларнинг бош мақсади — қандай бўлмасин, илмий жамоага ҳукмронлик қилиш, муайян имтиёзларга эришишга айланиб қолади. Демократик жамиятда бунинг асло имкони йўқ. Мисол учун, Америка Жугрoфия жамиятини "эгал-

лаб" кўринг, ишончимиз комилки, саъй-ҳаракатингиз беҳуда кетади. Чунки бу мўътабар илмий жамоада эгаллаш мумкин бўлган юксак лавозим ҳам, ҳокимият ҳам, имтиёз ҳам йўқ. Бинобарин, демократик жамиятда фанни қатъий иерархиявий тизим, яъни ўзига хос "фан вазирлиги" орқали бошқаришга зарурат йўқ. У, давлат таътиқидан холи иқтисодийётга таянган ҳолда, эркин ривожланади, тараққий этади.

Собик Иттифоқ мамлакатларида эса мустабид тузум асоратидан қутулиш, ғайриилмий қарашлардан халос бўлиш, бозор иқтисодиёти ва фан имкониятларини уйғунлаштириш қийин кечмоқда. Россия Фанлар академияси ҳайъати қошидаги Ғайриилм ва илмий маълумотларни сохталаштиришга қарши комиссия раиси, академик Э.П.Кругляков "Фан, ғайриилм ва паранормал ҳодисалар" мавзuidaги халқаро симпозиумда (Москва, 2001 йил, 3-5 октябрь кунлари) сўзлаган нутқида кейинги вақтда Россияда 120 га яқин сохта академия пайдо бўлгани, оммавий ахборот воситалари ғайриилмий таълимотларни, ёлгон маълумотларни ошқора тарғиб этаётгани, Роспатент идорасида "абдий двигател"га муаллифлик гувоҳномаси топширилгани, Россия Тиббиёт фанлари академияси гўё ҳар қандай хасталиқдан фориг этадиган мўъжизакор воситалар даволаш амалиётига жорий этилаётганини жимгина кузатиб тургани, Нью-Йорк Фанлар академияси эса юз доллар эвазига истаган одамга академик унвонини очиқ сотаётганини таассуфлар билан таъкидлади.

Журналхон мазкур мақолани ўқиб, хўш, бу гапларнинг бизга қандай дахли бор, деб ўйлаши мумкин. Аслида, жамиятимизда рўй бераётган жараёнлардан яхши хабардор бўлган ҳар қандай одам бизда ҳам ғайриилмий қарашлар турли кўринишларда (диний-экстремистик ғоялар, табиб ва афсунгарлар "муолажаси", астрологик башоратлар ва ҳоказо) намоён бўлаётганини пайқамаслиги сира мумкин эмас.

Яна бир гап. Кейинги вақтда, айниқса, гуманитар фанлар соҳасида илмий савияси паст тадқиқот ва диссертацияларнинг, тасодиғий одамларнинг кўпайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Таҳририятга келаётган диссертантлар мақолалари беихтиёр шундай хулоса чиқаришга асос бўлади. Уларнинг аксариятида янги ғоя ва ёндашув, илмий услуб ва таҳлил, оқилона хулоса ва ечимдан нишона ҳам тополмайсиз. Диссертациянинг "қаймоғи" — мамлакат маърифий жамоатчилигига тақдим этилаётган энг муҳим ва долзарб саҳифалари шундай бўлгандан кейин илмий ишнинг умумий аҳволи қандай эканини тасаввур этиш қийин эмас.

Ёки диссертация, илмий ва илмий-оммабоп асарларни бировларга ёздириш (баъзан бу фаолият "диссертация яшаш" деб аталади) каби шармандали амалиёт мавжудлигини қандай изохлаш мумкин? Бу ҳол ихтисослаштирилган илмий кенгаш аъзоларининг қатъиятсизлиги, фаннинг тақдир ва келажагига лоқайдлиги оқибатида содир бўлаётгани, мазкур соҳада ҳануз ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик иллатларига барҳам берилмаганини кўрсатади. Худди шундай ҳолатни илмий асарларга баҳо бериш, уларни экспертизадан ўтказиш масаласида ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолларда Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек сингари бобокалонларимизнинг илмий жасорати ва ҳақиқат йўлидаги фидойилигини эслаб ишга киришсак, айна муддао бўлур эди.


Бугунги кунда илмга интилаётган ёшларни ҳақиқат ва адолат руҳида тарбиялаб, ғайриилмий қарашларга барҳам берсак, фаннинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаб, обрў-эътибори ва нуфузини оширсак, унинг келажаги учун хавотирланишга ўрин қолмайди.


# ОСНІҚ ЖАМИАТ

## Мутелик таълимоти

Тафаккур тарихининг гувоҳлик беришича, баъзан даҳо шахслар гайритабиий ғояларга, тасаввурларга берилиб, нафақат замондошларини, балки келгуси авлодларни ҳам маънавий ва ижтимоий тараққиётга зид йўлларга бошлайди, кишиларни ўз башоратларига ишонтириш учун ҳақиқатдан узоқ бўлган таълимотларни ишлаб чиқади, шу тариқа минглаб, миллионлаб кишиларнинг куллик ва мутеликда яшашига замин яратади. Аянчлиси шундаки, ҳурлик, эркинлик ва ижод учун кенг имконият очилган даврларда ҳам сохта авлиёларга сажда қилишга ўрганган кишилар уларнинг аллақачон мозий саҳнасидан тушиб қолган даъватларини, мужмал башоратларини муқаддас билиб, суратига чўқиниш, шаънига мадҳиялар тўқиш иллатидан воз кечмайди. Яхшиямки, илмий-ижтимоий фикр уйғоқ; у тараққиёт, башарият эрки ва тафаккурига оид ғояни, уни ким, қайси даҳо илгари сурганидан қатъи назар, ҳаёт тарозисига солиб ўлчашга, гоҳо асрлар давомида улуғлаб келинган таълимотларни шубҳа остига олиб, уларни янги давр нуқтаи назаридан баҳолашга даъват этиб туради. Карл Поппернинг "Очиқ жамият ва унинг душманлари" асари шу нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу асарда очиқ жамият ғояси ҳимоя қилинади. Очиқ жамият кишилари ақлга, рационал билимга таянган ҳолда, ҳаётини эркин, ўз манфаати ва эҳти-





# MUXOLIFLARI

ёжларига қараб йўлга қўяди. Унда кишилар эгаллаган мансаби, келиб чиқиши ва етуқлик даражасидан қатъи назар тенгдир. Ижтимоий ва инсонлараро муносабатлар фақат қонунга асосланади. Ҳеч қандай гуруҳ, жамоа, ҳатто давлат манфаати ҳам шахс манфаатидан юқори турмайди. Очiq жамият ўзини ўзи танқид қилиш, мудом излашиш ва ўзгаришларга мойил бўлгани боис, унда тарихий тараққиёт ҳақидаги мавҳум башоратларга, хаёлий моделларга ўрин қолмайди. Акс ҳолда ушбу моделларни рўёбга чиқариш зарурати кучли марказлашган идорани, мустабидлик бошқарувини, охиросқибатда шахс эрки ва манфаатларини поймол этувчи диктатурани юзага келтиради. Очiq жамиятда кишилар ўз тақдирига амбиёлар башоратига ишониш орқали

эмас, балки уни яратиш орқали эгалик қилади. Хаёлий башоратларга, ҳар хил доҳийларнинг сафсаталарига кўр-кўрона ишонадиган тургунликка мойил, ўзгаришни, ҳар қандай янгилликни тузумга қарши тажовуз деб биладиган, асрлар давомида шаклланган аъаналарга топинишни турмуш тарзига айлантган жамият — ёпиқ жамият, уни ёқлайдиган таълимот эса историцизмдир.

К. Поппер “историцизм” деганда тарихийликни эмас, балки тарихий тараққиётни, заруратни башорат қилиш усулини тушунади. Тарихий башорат кишиларни “буюк ғоя”, “буюк даҳо”, “буюк халқ” сўзларига шубҳасиз ишонишга, ижтимоий воқеалар оқимини, ҳатто у ғайрихаётий ғояларга асосланган бўлса-да, яққаю ягона, тўғри, қонуний йўл дея топишга олиб келади. Шу

*Кейинги вақтда журнал саҳифаларида жаҳон фалсафаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар илмий меросининг юксак аҳамиятини рад этмаган ҳолда, улар йўл қўйган хато ва камчиликларга холис назар ташлаш ҳам аъананага айланиб бормоқда. Жумладан, Исмоил Шомуродовнинг журналимиз ўтган сонида чоп этилган “Арасту хато қилганми?” мақоласида антик давр буюк файласуфи яратган таълимотнинг аҳамияти, мутафаккирнинг инсон моҳияти, табиат ва космологияга оид қарашларидаги айрим баҳсли жиҳатлар тўғрисида сўз юритилган эди.*

*Ана шу аънананинг давоми сифатида ушбу сонда фалсафа фанлари доктори В.Алимасовнинг таниқли инглиз олими Карл Поппернинг фалсафа илми даҳолари Афлотун, Арасту, Гегель ва бошқа алломалар таълимотининг назарий-ғоявий асосларини кескин танқид остига олган “Очiq жамият ва унинг душманлари” асари ҳақида баҳс юритувчи мақоласи чоп этилмоқда.*

тариқа у кишиларнинг ижтимоий жараёнларга фаол аралашуви, ушбу жараёнларни ўз манфаатларига уйғун ҳолда идора этиб, зарур бўлса, ўзгартириб, тарихнинг ҳақиқий яратувчиси бўлишига тўсқинлик қилади. Чунки башоратга кўр-кўрона ишонган одам, воқеа ва ҳодисалар, мен уларга аралашсам ҳам, аралашмасам ҳам содир бўлади, деган хулосага келади. Шу жиҳатдан қараганда, Афлотун историцизмни тараққийтани олдинга эмас, балки орқага судровчи ғайриҳаётий ғоялардан иборат таълимот дея баҳолаш мумкин.

Ҳўш, нима учун К.Поппер Афлотунни демократия, эрк ва очик жамият душмани деб эълон қилади?

Маълумки, Афлотуннинг асарларида бошқа масалалар қаторида давлат ва жамиятни идора этиш, адолат, эзгулик ҳамда донишмандлик қарор топган ҳаёт қуриш масалалари муҳокама қилинади. Файласуф мукамал давлат ва жамиятни инсониятнинг "олтин даври" — ибтидоий жамоа тузумида деб билади. Ушбу "етук давр"дан тимократия (олижаноб жангчилар давлати), демократия (қонунсизликни келтириб чиқарган эркин подшолик) ва ниҳоят тирания (зўравонлар давлати) пайдо бўлган. Бошқача айтганда, жамият етуқликдан емрилиш, бузилиш ва зўравонликка қараб ўзгарган. Афлотун инсоният ақл-идроки, тафаккури ва манфаатлари регрессив хусусиятга эга экани сабабли жамиятда емрилиш, бузилиш ҳукмронлик қилиши ҳақидаги ғояни илгари суриб, етук давлат ва жамият олдинда эмас, орқада, деб уқтиради. Лекин у "олтин давр"даги етук давлат ва жамият

келажакда яна келиши мумкинлигини ҳам инкор этмайди.

Афлотун ўзидан олдин ўтган файласуфларнинг, аввало Гераклитнинг "Ҳамма нарса оқди, бир шаклдан иккинчисига ўтади" деган таълимотини қабул қилган бўлса-да, ўзгаришни емрилиш, бузилиш, орқага кетиш дея талқин этади. (Аслида бу ғояни Афлотундан илгари юнон файласуфи Гесиод илгари сурган эди.) Шубҳасиз, Афлотунни ўзгаришлар, кишилиқнинг маънавий ва жисмоний емрилиш ғояси ваҳимага солган. Шунинг учун Афлотун ўзгаришларни маълум бир тартибга солиш, барқарорлаштириш, турғунлаштириш мақсадида ўзгармас ва абдий шакл, модель ва ғояларни ўйлаб топади. Ушбу мавхум категорияларнинг мавжудлигига заррача шубҳа қилмаган файласуф уларни бузилиш ва емрилишнинг ажралмас бўлаги деб тушунади. Кўриниб турибдики, Афлотун ўзгарувчан нарсаларни ўзгармас, бузиладиган нарсаларни — етук, ҳаракатчан нарсаларни абдий шакл, модель ва ғоялар билан чеклаш, бошқариш ҳамда итоат эттиришни ўйлайди. Тўғри, айрим ҳолларда у тарихий ҳақиқатга ён бериб, емрилиш, бузилиш ва ўзгаришлар негизда синфий зиддиятлар, моддий, иқтисодий манфаатлар қураши ётади, деб таъкидлайди. Бу фикрнинг тўғрилигини ҳеч ким, жумладан К. Поппер ҳам инкор этмайди. Аммо ўзгариш ва емрилишни тўхтатиш ҳамда бошқариш, Афлотун назарида, етук давлат орқали амалга оширилади. Демак, етук давлат, шакл, модель, ғоя муқимлик, турғунлик ҳамда ҳар қандай ўзгаришни чекловчи тимсоллардир. Айнан ана шу қаромати учун К. Поппер Афлотунни мустабидчилик тарафдори деб атайди.

*Файласуф ва мантиқшунос Карл Раймунд Поппер — 1902 йили Австрияда таваллуд топган, 1945 йилдан Лондонда яшаб ижод этган танқидий рационализм мактабининг таниқли вакилларида бири. Унинг "Илмий тадқиқот мантиғи", "Историцизм қашшоқлиғи", "Фараз ва раддия", "Объектив билим. Тадрижий ёндашув", "Мунаққидларимга жавоб", "Реализм ва фаннинг мақсади" каби асарлари машҳур. Айниқса, 1945 йилда нашр этилган ва олтинчи йилдан буён турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келётган "Очиқ жамият ва унинг душманлари" асари олимнинг шухратини янада оширди.*

*Ушбу асарда у шахс эрки, ҳуқуқи ва ҳурфикрлиқни ҳимоя қилади. Бу қадриятларга зид ҳар қандай қарашни, тузумни, давлатни беаёв танқид остига олади. Шу маънода К. Попперни ғарб индивидуализмининг ёрқин намояндаси деса бўлади. Бироқ унинг индивидуализми шахс "мен"ини мутлақлаштириш эмас,*

Афлотун сиёсий фалсафасининг моҳияти давлат ва жамиятни файласуфлар бошқариши лозим, деган ғояда ифодаланган.

Файласуф Пифагор ва Сукрот талқинида, донишмандликни сеувчи бўлса, Афлотун назарида ҳикматга эгалик қилувчи, яъни ҳукмдор-файласуфдир. Улар ўртасида фарқ катта. Биринчиси, ҳақу ҳақиқат, илму маърифат ва маънавий комиллик сари интилади, иккинчиси амал, шуҳрат ва қудратга топинади; биринчиси хурфикрлик учун жонидан кечишга шай (Сукрот бунга мисол), иккинчиси ҳамфикрликни қўллаб-қувватлайди (тарихда ўтган кўпгина ҳукмдорлар бунга мисол); биринчиси шахс эрки, ҳурлиги, манфаатини улуғласа, эркининг давлат манфаати ва қудратини ҳимоя этади...

Ҳўш, нима учун давлат ва жамиятни айнан файласуфлар бошқариши лозим?

Афлотун етук давлат ўзгармас, абадий шакл, модель ва ғоянинг илоҳий нусхаси бўлгани сабабли уларни файласуфларгина тўлиқ идрок этиш ҳамда бу категорияларга хос етукликни воқеаликка айлантиришга қодир деб ҳисоблайди. Бошқалар эса етукликнинг бир қиррасинигина кўриши мумкин. Шунинг учун давлатни ҳақиқий файласуфлар бошқарганда инсоният бахтли яшаши мумкин, деб ҳисоблайди.

Файласуф ўйлаб топган ушбу афсонавий етук давлат ғояси, унинг таълимотига асос бўлиб, асрлар давомида кишилар қалбини ром этиб келган. Айнан шу ғоя Афлотунни буюк файласуф даражасига кўтаришга, ҳатто унинг шахсини илоҳийлаштиришга дастак бўлган эди. К. Поп-

пернинг таъкидлашича, аслида бу ғоя Афлотуннинг сиёсий фалсафасидаги историцизмдан келиб чиққан ҳамда гайридемократик ва мустабидчилик тузумига, жамиятда синфий табақаланишнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Афлотун назарида, донишмандлик ҳаммага эмас, айрим табақа, яъни файласуфларгагина хос фазилат. Афлотун донишманди коинотдаги етукликни, абадиятни идрок этиш билан банд, шу боис "ердаги инсонларнинг безовталигини ўрганишга вақти йўқ... У хушурат нарса ва абадиятни идрок этиб, унга тақлид қилишга, унга илоҳи борича ўхшашга интилади".

Афлотун етук давлат ҳукмрон табақанинг жипслигига боғлиқ, агар у бузилса, давлат ҳам барбод бўлади, деб ҳисоблайди. Шунинг учун у ҳукмрон табақа — файласуфларни тарбиялаш ҳақида қайғуради. Аммо бунда ҳам файласуфнинг мустабидчиликка мойиллиги намоён бўлади. Яъни, унингча, давлат таълим тизмини устидан қаттиқ назорат ўрнатиши, илмнинг ҳақиқат излашига йўл қўймайлиги лозим.

Афлотун евгеникасида (олий насл, ирқ ҳақидаги таълимот) файласуфлар — сараланган насл ва ирқ вакили экани тўғрисидаги ғоя ифодаланган. Унингча, файласуфлар "энг ишончли, ботир, эзгу ниятли ва ахлоқли" кишилардир; шунинг учун "тақдирнинг ўзи уларни давлат ва жамиятнинг идора этиш учун яратган". Поппер Афлотунни мустабидчиликда айблаб, заҳархандлик билан бундай деб ёзади: "Буюк файласуф" шаънига доғ бўлса-да, айтиш кераки, у сараланган, сермахсул, зотдор хайвонлар етиштириш усулини жамиятда, олий табақа

*балки инсоннинг ақлу идрокига, маънавий кучига, унинг ўз келажагини ўзи яратиб олишига таянади.*

*К. Поппернинг фикрига кўра, ҳар қандай башорат ижтимоий-тарихий жараёнларни маълум бир қолип, тартиб ва андозага солишга олиб келади, кишиларда ушбу қонуларни ўзгартириб бўлмайди, улар азалийдир, деган тушунчани шакллантиради. Оқибатда одамлар ижтимоий ҳаётни ақлу идрокка мувофиқ тарзда барпо этиш ва бошқариш мумкинлигига ишонмай кўяди. Бунга қарши К. Поппер ижтимоий-тарихий жараёнларни ақлу идрокка монанд рационал бошқариш мумкин деган ғояни илгари суради.*

*Файласуф келажакни башорат қилиш мумкинлигини инкор этмайди. У башоратни социал технология сифатида жамиятга ўзгартириш усули ва моделига айлантиришга қарши, холос. Башорат илмий баҳс, келажак ҳақида*

— файласуфларни тарбиялаб етиштириш-да қўллашни таклиф этади”.

К. Поппер Афлотуннинг ижтимоий-сиёсий, давлатни бошқариш ҳақидаги таълимоти хусусида шундай тўхтама келади: “Менинг назаримда, ҳукмдор-файласуф гоёси Афлотуннинг ҳокимиятга интилишига хизмат қилган ниқобдир. Унинг олий ҳукмдор ҳақидаги қарашларида аслида ўзининг қиёфаси акс этган”.

К. Поппер устози Афлотун таъсирида бўлган Арасту ҳақида тўхталиб, икки хулосага келади. Биринчиси — Арасту ҳам, устози каби, демократиянинг дўсти бўлмаган, бироқ у Афлотун сингари демократияни “муқаррар офат” деб билмас, ҳатто демократия билан муросага боришга тайёр эди. Иккинчиси — Арасту қарашлари беқиёс ва ҳайратли даражада кенг бўлса-да, унинг фан олдидаги хизмати аввало шаклий мантиққа асос солгани, биология муаммоларини атрофлича таҳлил этгани ва Афлотун гоёларини тизимлаштирганида намоён бўлади.

Арасту кишилар табиатан ҳам, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ҳам тенг эмас деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, давлатни идора этиш ишларига фақат зодагонлар, юқори табақа вакилларигина муносибдир. Зодагонларга, юқори табақага жисмоний меҳнат нолайиқ, улар ов, жанги жадал ва давлатни бошқариш билан шуғулланиши лозим. Аслида бундай ёндашув Афлотуннинг алоҳида кишилар — файласуфлар давлатни идора этиши керак, деган гоёсининг худди ўзгинаси. Фарқи шундаки, Афлотун ушбу гоёни қатъий ҳимоя қилган бўлса, Арасту файласуф ҳукмдорнинг маънавий устози,

ёрдамчиси, маслаҳатчиси бўлиши зарур, деган фикрни илгари суради. Аллома Александр Македонскийга устозлик қилганида ушбу гоёни амалда тасдиқлашга интилган.

Ҳар икки файласуф қарашларидаги яна бир муҳим фарқ шундаки, агар Афлотун етуқликдан емрилиш, бузилиш сари борса, Арасту етуқлик ҳаракат ва ривожланишда деб билади. Афлотун фалсафаси тушқунлик, Арасту таълимоти эса неқбинлик асосига қурилган.

Арасту назарида, табиатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам ҳамма нарса, жумладан, одамлар ҳам ўз табиий ўрнига эга. Қандай ўзгаришлар содир бўлмасин, нарса ва жисмлар табиий ўрнига, яъни ҳукмдор ҳукмдорлигига, қул қуллигига, аёл аёллигига қайтади. Бошқача айтганда, кишилар ҳаётига уларнинг ўзи эмас, “тақдири азал” ҳукмрондир деган хулоса келиб чиқади. К. Поппер бундай ёндашув Арастунинг “историцизм” таълимоти билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Айнан ана шу таълимот таъсирида ўрта асрлар абсолютизицизми Афлотун ва Арастун илоҳийлаштиришгача бориб етади. Дарҳолқини исботламоқчи бўлганлар ҳам “буюк файласуфлар” меросидан таянч ва далда изладилар.

### Тоталитар давлат байрокдори

Афлотун ва Арастудан кейин К. Поппер ўз танқидини “историцизм” билан замонавий тоталитаризм ўртасида кўприк вазифасини ўтаган Гегель таълимотига қаратади.

Кўп асрлик суқутдан кейин ўрта асрларда пайдо бўлган айрим теологик концеп-

*турли-туман қарашларни пайдо қилиши мумкин. Аммо у жамиятни ўзгартириш ёки бошқаришнинг тайёр андозаси сифатида қабул қилинмаслиги лозим. Акс ҳолда ушбу андоза бошқа фикр ва ёндашувга ўрин қолдирмайди. Натижада рангбаранг хусусият ва йўналишларга эга ижтимоий ҳаёт ўша андозага сунъий тарзда мослаштирилади, бунинг натижасида жамиятда кўпинча ягона фикр ҳукмронлиги юзага келади. Аслида К. Поппер моделларнинг аҳамиятини инкор этмайди, у фақат уларнинг ягона йўл-йўриқ сифатида қабул қилинишига қарши чиқади. Олимнинг назарида, модель барча фикр ва ёндашувлар асосида яратилган тақдирдагина ижтимоий ҳаётда қўлланиши мумкин. Афлотун, Арасту ва Гегель қарашлари ўзгармас таълимотларга айлантирилгани учун ҳам К. Поппер уларни аёвсиз танқид қилган.*

*Олим бирор бир фикрга танқидий ёндашмасдан туриб, кўр-кўрона эргашиш*

цияларни ҳисобга олмаганда, Гегель Афлотун идеализмини XVIII асрда Овруропа юзага келган эрк, озодлик, тенглик ва биродарлик ғояларига қарши қайта тиклайди. Мустабидчиликка мойил давлатларда, хусусан, реакция Пруссияда Гегель асарлари кенг тарқалади. У Афлотун бошлаб берган — файласуфларни улуглаш ва илоҳийлаштириш аънанасини жонлантириш ҳамда прусс абсолютизмини ҳимоя қилиш орқали ном чиқаради.

Афлотуннинг файласуфлар алоҳида табақа, фалсафани айрим кишиларгина тушунади, деган қарашларини Гегель ўз асарларида асослаш ва тарғиб этишга интилади.

Гегель фалсафаси “мутлақ рух”, “мутлақ ғоя”, “соф фикр”, “соф идрок”, “дунёвий рух”, “дунёвий тарихий шахс”, “мутлақ давлат руҳи”, “мутлақ умумхалқ идроки” каби мавҳум ва мужмал сўзларга бурканганки, унинг мазмун-моҳиятини оддий одам англаши амримаҳол. Бу ҳол Гегелнинг файласуфлар дунёни ўзига хос тарзда қабул қилувчи кишилар, деган фикр тарафдори эканидан далоло беради. Бундай қарашлар бошқа файласуфларга ҳам таъсир этгани ачинарлидир. Ханузгача айрим файласуфлар ўта мавҳум ва мужмал фикрларини оддий одам англаши қийин бўлган кашфиёт деб билади, сурбетроқлари эса ҳукмдор-файласуф бўлишга даъвогарлик қилади. Йигирма беш аср олдинги қотиб қолган ғояга топиниш историцизмнинг нақадар яшовчанлигини кўрсатади. Аслида, деб ёзади К. Поппер, “Гегель асарларида унгина таҳлил этилмаган бирорта жонли фикр, унинг таълимотида ундан илгари айтилмаган нарса йўқ”.

Реформация ва француз инқилоби таъсирида кенг тарқалган эрк, озодлик, тенглик ва биродарлик ғоялари Овруропадаги реакция кучларни, ҳукуматларни зарур чоралар кўришга мажбур этади. 1815 йилда Пруссия давлати тепасига реакция партия ва мутлақ ҳокимиятчилик тарафдори Вильгельм Учинчи келади. Қадимда ҳукмдорлар ўз шахсини улугловчи маддоҳларни ва ҳар қандай фикрини ҳикматга айлантиришга шай бўлган лўттибозларни атрофига йиққан, илм-фан аҳлини ҳақу ҳақиқатни излашга эмас, балки ҳокимиятни мустаҳкамлашга хизмат қилдиришга интилган. Шу боис Прусс ҳукмдорининг назари Гегелга тушгани бежиз эмас. У саройга чақиртирилади ва бош файласуф даражасига кўтарилади. Бундай эътибордан миннатдор бўлган Гегель Вильгельм Учинчи ёқтирмайдиган, француз инқилоби илгари сурган эрк, озодлик ва биродарлик ғоясига мутелик, ашаддий миллатчилик ва мустабидликни қарши кўяди. Монархияни қўллаб-қувватлагани боис асарлари тинимсиз чоп этилади, уларни ўқув юртларида ўрганиш то XX асрнинг ўрталаригача мажбурий этиб қўйилади. Мустабидлик тарафдори бўлгани учун ҳам Гегель фалсафаси мустабидликка мойил давлатларда шу пайтга қадар кенг ўрганиб келинган.

Гегелнинг мустабидчилик қарашлари аввало унинг давлат ва халқни идора этиш ҳақидаги фикрларида намоён бўлади. У давлатлар шаклларини шарқ деспотияси, юнон-рим демократияси ва аристократияси, герман монархияси каби турларга аж-

*инсонни ўша фикрга бутунлай қарам қилиб кўяди, деган хулосага келади. Унинг таъкидлашича, кишилар даҳоларни тан олган заҳоти уларнинг қарашларини илоҳий қаромат, бирдан-бир ҳақиқат деб қабул қилишга мажбур бўлади. Шу тариха жамиятда шахсга сиғиниш юзага келади.*

*К. Поппер бунга йўл қўймаслик учун демократик тузилмалар давлат устидан назорат ўрнатиши керак, деб ҳисоблайди. Ақс ҳолда, очик жамият муҳолифлари кўпайиши, маъмурий бошқарув кучайиши мумкин.*

*Сирасини айтганда, файласуф қарашларида ҳам анчагина чалқаш ва баҳсли жихатлар бўлса-да, (П.К.Фейерабенднинг 1978 йили чоп этилган “Эркин жамиятдаги сукунат” асарида айнан ана шу камчиликлар ҳақида сўз боради), унинг мулоҳазалари очик жамият ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади, бизни мустақил фикрлашга ундайди.*

ратади. Табиийки, файласуф прусс абсолютицизмни ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг чуққиси сифатида баҳоласа, Францияда барча соҳалар Конституция ва қонунлар асосида бошқарилгани боис у ерда зерикарли, ғайримаънавий ҳаёт шаклланади дея ушбу мамлакатнинг тараққиёт йўлини танқид қилади. Пруссияда абсолютицизм тартибини ўрнатган Фридрих Иккинчини эса даҳо сифатида улуғлайди.

Гегелнинг назарида, "Ёмон давлат ҳақиқий давлат эмас... Фақат худо ҳақиқийдир... Барча чекланган нарсалар воқелиқдан йироқ бўлгани сабабли ҳалокатга маҳкуmdir". Гегель мутлақ ғоя, мутлақ руҳ концепциясига мувофиқ ҳолда кишиларнинг эркин ва озод яшаши, ўз манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилиши ягона, марказлашган давлат тузишга ғоя бўлади, деб уқтиради. Унинг фикрича, бундай ўзбошимчаликларга куч ишлатиб бўлса-да, чек қўйилиши зарур. Гегелнинг монархия — ҳақиқий давлат, демак, у мутлақдир, худодир деган ғояси орқали ўша давр ҳукмдори илоҳийлаштирилганини англаш қийин эмас. Дарҳақиқат, монархия худонинг ердаги сояси деган фикр Гегель сиёсий фалсафасининг моҳиятини ташкил этади. Фихте, Гердер ва Руссо давлатни тил, маданият ва худуд каби белгиларга қараб аниқлаш ғоясини илгари сурган бўлса, Гегель немис давлатини, айниқса мустабидчилик кўринишидаги монархияни миллат белгиси даражасига кўтиради.

Француз инқилоби ва Наполеон томонидан миллий армия тузилгунга қадар Оврүпода миллий белгиларга қараб давлат тузиш фикри ҳам, аънанаси ҳам бўлмаган. Тўғри, Афлотун ва Арасту асарларида юнонлар ва варварлар ўзига хос белгиларга эга этнослар сифатида тилга олинган, ammo уларга Александр Македонский юришлари ва турли эл-элатларнинг аралашиб кетгани боис кейинги асрларда эътибор берилмайди. Француз миллий армиясининг 1806 йили Пруссияга бостириб кириши немисларда ҳам миллий хусусиятларга алоҳида қараш ҳиссини кучайтиради. Шу боис Гегель Фихтенинг "тил — давлат белгиси" деган ғоясини "миллат — давлат белгиси" деган тарзда талқин этади.

Гегелнинг фикрига кўра, давлатни би-

лиш учун унинг моҳиятини (моҳият тарихини) ёки руҳини (руҳ тарихини) англаш мумкин. Миллат руҳи давлатни ва унинг келажagini белгилайди, тарих саҳнасига чиқмоқчи бўлган ҳар бир давлат (миллат) бошқа давлат (миллат) билан курашиб, руҳини намоён этиши даркор. Дунёга ҳукмронлик ана шу кураш объектидир. Гегелнинг жанги жадал, кураш ҳамма нарсанинг, жумладан, давлатнинг ҳам отаси ва ҳукмдоридир, уруш — адолатдир, давлатлар (миллатлар) уруш орқали мутлақ ҳақиқатга эришади, деган фикрлари инсонпарварлик ғояларига зид эканини пайқаш қийин эмас. "Давлатнинг барқарорлиги, — деб ёзади Гегель, — тинчликда эмас, балки уруш ҳаракатларида намоён бўлади". Бундай ғоялар ўша давр ҳукмдорлари кайфиятига мос тушади. Жумладан, "темир канцлер" деб ном қозонган Бисмарк бу ҳақда шундай деган эди: "Даврнинг бош масалалари нутқ ва қарорлар билан эмас, тиг ва қон билан ҳал этилади". Орадан бир аср ўтмай гитлерчиларнинг қонли юришлари, ашаддий милитаристик хатти-ҳаракатлари Гегель ва Бисмаркнинг ана шу тажовузкорона ғоялари асосида амалга оширилади.

Гегелнинг назарида, алоҳида бир миллат дунёга ҳукмронлик қилади (у қайси миллатни назарда тутаетганини англаш қийин эмас), айнан ана шу миллат, унинг руҳи ва иродаси тарих саҳнасида намоён бўлади. Демак, миллат руҳи тарихий тараққиётга ҳукмронлик қилувчи ва уни таъмин этувчи кучдир. Шундай экан, ижтимоий ўзгаришларга, ислохотларга ҳожат қоладими? Шуниси аёнки, Гегель фалсафасидаги тараққиётга зид бундай қарашлар, хусусан "мутлақ руҳ", "мутлақ ғоя" ҳам аслида Афлотуннинг "шакл", "ғоя", "модель" атамалари сингаги, ижтимоий-тарихий жараёнларни муайян тузум манфаатига итоат эттириш, яъни Прусс монархиясининг мутлақ ҳукмронлигини таъминлаш ва назарий жиҳатдан асослашга қаратилган эди.

К. Поппер мустабидчилиكنинг барча кўринишлари Гегель фалсафасига бориб тақалади деб ҳисоблайди. Давлатнинг шахс олдида масъул эмаслиги, давлат манфаатининг кишилар манфаатидан устун қўйилиши, шахс ҳаракатларининг ижтимоий фойдалилигига қараб баҳолалиши,

зўравонлик билан бошқаришни таъминлашга йўналтирилган сохта тарғиботнинг уюштирилиши, тарихий тараққиётнинг фақат буюк шахслар номи билан боғланиши — барча-барчаси мустабидчиликнинг тарихий кўринишлариدير.

Гегель оддий халқнинг эрки ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: "Янги даврда халқ суверенитетини ҳукмдор суверенитетига қарши кўядилар; аслида бу гаплар нотўғри тасаввурларга асосланган. Чунки ҳукмдорсиз халқ — бешакл уюмдир... Кишилар жамоасини кўпинча халқ деб аташади, аслида у — тўдадир. Давлатнинг бош мақсади — ушбу жамоани ҳокимиятга аралашмаслиги, мустақил ҳаракат қилмаслиги, умуман мавжуд бўлмаслигини таъминлашдир".

Гегелнинг фикрига кўра, кишиларнинг ижтимоий табиатида ўзига хос муҳитдан узоқлашиш ёки уни телбаларча ифода этиш ҳаракатлари акс этади. Ўзига хосликдан воз кечмаган шахс куч билан тобе этилади. Гегель ҳукмдорга турли ҳудудларни бўйсундиришда ушбу усулдан фойдаланишни тавсия этади. Демак, унингча, шахснинг ўзига хослигини намोён этиш, вилоятларнинг суверенитети, ҳуқуқлари давлатнинг яққаҳукмронлиги доирасида бўлиши шарт. Гегелнинг назарида, ҳатто тил, ахлоқ, таълим ва дини ҳам ҳукмдор назорат этиши лозим. Унинг таъкидлашича, ҳукмдор, давлат — ҳамма нарса, шахс, индивид эрки, манфаатлари — ҳеч нарса; ҳамма нарса давлатни мустаҳкамлашга, унинг мавжудлиги, ҳукмронлиги ҳамда мутлақлигини таъминлашга хизмат қилиши даркор. Ана шу мақсадга эришиш йўлида давлат шахс ва индивид манфаатларини менсимаслиги, ҳатто топташи мумкин.

Маълумки, Гегель диалектикаси фалсафанинг буюк ютуғи деб ҳисобланади. Дарҳақиқат, Гегелнинг машҳур диалектик училиги (тезис, антитезис ва синтез) — билиш жараёнининг мураккаб зиддиятларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. У қарама-қарши мушоҳадаларнинг янги поғонадаги шакли сифатида воқеа ва ҳодисалардаги ички зиддиятлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Аммо Гегель қарама-қаршиликларни тараққиётнинг, умуман мавжудликнинг муқаррар шarti деб ҳисоблайди.


Ҳатто мавжуд зиддиятларни бартараф этиб, янги поғонага кўтарилган ҳаракат ҳам янги зиддиятга дуч келади. Агар нарса ва ҳодисаларда зиддият муқаррар бўлса, уларни рационал ўрганиш ва оқилона ечимини излашга не ҳоҷат?

Шу тариқа Гегель ижтимоий муроса, рационал мусоҳаба ва интеллектуал излашга ўрин қолдирмайди, ўз қарашларини мутлақлаштиради. К. Поппер бу ҳақда киноя аралаш бундай деб ёзади: "Гегель фалсафасида ҳамма нарса мужассам, унда ҳар қандай саволга жавоб бор". Ҳамма нарсани билган илм ёки шахс мутлақ ҳақиқатга даъвогар бўлади; у бор жойда эса мустабид дунёқараш ҳукмронлик қилади.

Гегелнинг буюк шахснинг жамият тараққиётидаги тарихий аҳамияти тўғрисидаги фикрлари ҳам ана шу мужмал ва ўта мавҳум — мутлақлик тушунчасига таянади. "Ижтимоий фикрда, — деб ёзади у, — ҳақиқат ва ёлғон бўлади, аммо ундаги ҳақиқатни буюк шахсгина топа олади. Шунинг учун дунё микёсидаги тарихий шахсларни, муайян давр қаҳрамонларини узоқни кўра оладиган буюк даҳолар дея тан олиш керак... Буюк одамлар бошқа одамларнинг олий эҳтиёжларига ҳам беписанд қараши мумкин... Бундай шахс бегуноҳ гулни ҳам топташи, йўлида турган кўп кишиларни мавҳ этиши мумкин..."

Кўриниб турибдики, Гегелнинг назарида тарихни, давлатни буюк одамлар яратади. Уларгина бошқаларни онгли қилади, шунинг учун бундай даҳоларни улуглаш, уларга итоат этиш, топиниш, ҳар бир сўзини ҳикмат ва каромат билиб, кетидан эргashiш лозим. Гегелнинг ақл ва идрокка зид бундай гайринисоний даъволарини К. Поппер "уятсизларча диалектик турланиш ёки диалектик ўйдирма", "инсон ақл-идрокига қарши ғалаён" дея баҳолайди.

Гегель гайритабиий мутлақ ғоялари билан нафақат диалектикани, балки бутун фалсафанинг оёғини осмондан қилиб кўйишга интилди ва бунга қисман эришди ҳам. Шунинг учун уни шахсан билган ва қарашлари билан яши таниш бўлган Шопенгауэр Гегель таълимотига бундай баҳо берган: "Мабодо сиз қачондир ёш ақлни калтабин, фикран фалаж қилмоқ истасангиз, унга Гегелни ўқидан бошқа дуруст-роқ нарсани тавсия этолмайсиз".



**Bori umrim iltijo,  
xaуru xitob...**

ТАҚВИМ ВАРАҚЛАЁТГАН ОДАМ

Тақвим varaқлаётган одам  
Хомуш тортиши керак:  
Умр ўтяпти, умр!  
Тақвим varaқлаётган одам  
Ўйга толиши керак:  
Рози қила олдимми ота-онамни?  
Фарзандларим тарбияси нечук?  
Тиқ этса эшикка термилиб  
Кўзлари йўлимга тўрт бўлмадимми  
Ўсал ётган биродаримнинг?  
Учмадимми шайтон басвасасига,  
Иймоним саломатми?  
Сўнги манзилимга қўйиб қайтсалар,  
Йўлда биров астойдил куйиб,  
Хўрсиниб-хўрсиниб айта оларми:  
“Кетган — қайтар,  
Кетмонланган қайтмайди!”  
...Мен ҳали ҳаммасини айтмадим, шошманг,  
Ўзгачароқ ўйлаши ҳам мумкин  
Тақвим varaқлаётган одам:  
Тушликни қаерда қилсам экан,  
Эрта кимнинг йилоши эди?  
Ўтириб қолмадимми бир жойда узоқ,  
Кимнинг тағига сув қуйсам экан?..

Пойабзал қалашиб ётар остонасида нуқул,  
 Худонинг берган кун ийида меҳмон —  
 Ёмби топиб олганми ялангоёқ кўшим?!  
 Чапқанот кўшимиз — ёлғиз аёлнинг  
 Эшик дастбандига кеча аллаким  
 Илиб кетди бир сабат оқ гул! —  
 Сабаби 8 мартмикан фақат?..  
 ...Ватан учун осилиб кетиши,  
 Ватанга “осилиб” ҳам яшаи мумкин...  
 ...Мен ҳали ҳаммасини айтмадим, шошиманг,  
 Сермулоҳаза бўлади  
 Тақвим варақлаётган одам.  
 Дейлик, гарчи Ҳуҷубек эмас,  
 Ал-Беруний ёки Галилей,  
 Валекин мунажжим иштиёқи-ла  
 Кузатиб бориши мумкин у  
 Буржларда кўшининг ҳаракатини.  
 Тақвим варақларидан  
 Кунма-кун, соатма-соат  
 Кузатиб бориши мумкин!  
 Масалан, жавзонинг йигирманчиси:  
 Қуёш чиқиши — роппа-роса беш.  
 Бир ярим авжи камоли,  
 Вақти заволи — етти ярим...

Етказган кунига шукур қилиши керак,  
 Тасаннолар айтиши керак  
 Ҳисобдон инсоннинг заковатига  
 Тақвим варақлаётган одам.  
 Лекин...  
 Хулосаси бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин.  
 Айтдим-ку, сермулоҳаза бўлади  
 Тақвим варақлаётган одам.  
 Хусусан, қалбини ўраган бўлса  
 Қулча илон каби ҳасад ва ғараз,  
 Кибру ҳаво ўраган бўлса.  
 Ҳамма ва ҳамма нарсага,  
 Боринки, Қуёшга ҳам  
 Мефистофел назари ила боқса:  
 “Биламиз, ҳозир у нозирсиз қаерда, қачон —  
 Босган қадамингиз ўлчоқли!”

...Бир кифтида раҳмон,  
 Бир кифтида шайтон —  
 Ўзинг инсоф берил бандаларингга.

XXI АСР

Навоийни ортиқ безовта этмас  
Террорчи Мажиддидин,  
Мавҳкор қуроолар бор нишонга беҳато урадиган:  
Тупканинг тагида бўлса ҳам  
Топиб олишади,  
Жазосини беришади бу нобакорнинг.  
Умрлик армони — ҳаж сафарини  
Адо этар, ниҳоят, ҳазрат...

Ошиқни бирйўла мавҳ этиши учун  
Дорийи беҳуш-ла чангланган  
Атиргул ҳидлатиши шарт эмас:  
Воситалар топилган таъсирчан, янги,  
Дейлик, мана, кимёвий қуроол!  
Минг-милён қурбоннинг биттаси бўлиб  
Беҳуш йиқилади бечора Фарҳод.  
Қаҳқаҳа уради унинг устида  
Юзига газниқоб тортган Ёсуман!

Бошида муаллақ ажал шарпаси,  
Дашти Карбалода инграйди Мажнун...

Клонлаштиришида йўқ гарчи  
плонлаштириши,  
Жидди жаҳд қилишар олими тушмагурлар  
Яратганининг ўзи билан ўчакишиб:  
— Ўликни ҳам тирилтирамиз,  
Сўнгиси бўлса ҳам битта хужайра,  
Биргина тўқима омон қолган бўлса бас!

Ишилари чаккимас: беозор қўйдан  
Ҳозирча беозор қўй яратдилар,  
Ўитларга ҳам навбат келиб қолса ажабмас!  
Хабарлар таъвишли ва ҳайратомуз,  
Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап:  
Кунчиқар мамлакат уфқларида  
Қуёш илк бор, бир неча лаҳзагина  
Олов ҳалқа эмас, чорқирра, яъни  
Квадрат шаклида бўлганмиши пайдо!

Тавба, дейди, биров ёқа ушлаб,  
Ёмон, дейди, бу

Охири замон, дейди.  
 Ёмонлик эмасдир,  
 Омонликдир балки,  
 Омонлик!  
 Оламни ўз қаричи билан  
 Ўлаб юрган биз нодонларга  
 “Энг кичик заррадан Ютитергача  
 Мураббий”\* Қуёшнинг сабоқларидир:  
 Дунё — кенг!  
 Серқирра!  
 Дунё — ранг-баранг!

Қай фирқага мансубликларин  
 Ҳаттоки ўйлаб ҳам кўришмагандир...  
 — Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
 — Ҳақ дўст, ё Оллоҳ! —  
 Қулогимга чалинар элас  
 Олис-олис садолар:  
 Боши берк кўчаларга  
 Асоларин найзадек санчиб  
 Юриб чиқар тун бўйи сўфий боболарим,  
 Буюк даҳолар!..

### КЎҲИ ПАДАРКУШ

Тутаб ётар кўҳи Падаркуш\*\*,  
 Шамол увлар мағораларда.  
 Кўрган каби хатарли бир туш  
 Жилгалар тўлғонар жарларда.

Чўзилган ҳу, уфққа қадар  
 Қизгалдоқлар — узун қонли из.  
 Бунда мунгли қиссалар айтар  
 Ҳар бир сўқмоқ, ҳар майса, ялпиз.

Кўринмайди юлдуз-да, ой-да,  
 Таҳликали кишигаган отлар...  
 Улугбекни худди шу жойда  
 Қувиб етган эмиш жаллодлар!

Ўгил — нонкўр, қисмат — беомон,  
 Ёзиқда ёзгани ўқилган:  
 Бу жойларда бир вақт, бир замон  
 Улугбекнинг қони тўқилган!

\* Гафур Фулом ифодаси.

\*\* Ҳисор тизмаларидан биришнг номи, Ургуут ва Китоб туманлари чегарасида.

...Тикиламан зирбаларга жим,  
Юрак-бағрим гуссаларга гарқ...  
Шарқ, ростдан ҳам нозиксан, тилсим,  
Билиб бўлмас сени бирдан, Шарқ!

Ҳиммат деган бўлар-да шунча,  
Неклик борми бундан ҳам ортиқ —  
Зеру забар подишоларингга  
Ҳаж сафарин айлабсан тортиқ!

Йиглаб-сиқтаб ком, анжом билан  
Олис йўлга кузатганинг дам  
Унутмабсан улар ортидан  
Ҳатто... қотил жўнатишини ҳам!..

#### ЧЕГИРИЛГАН ЕР

Ҳаво — девор эмас, суюниб бўлмас,  
Мих қоқиб бўлмайди гилам илгани.  
Дарвоза эмас у, йўлакмас, йўлмас,  
Сўраб-суриштириб кимса келгани.

Аёзда — тап-тақир, ёзда — тап-тақир,  
Устидан қаргалар қарганиб ўтар.  
Тўртта қозиқ билан чегирилган ер  
Ётар кўкка қараб, бир имдод кутар...

Тўртта қозиқ билан чегирилган ер  
Тан олмас қисматнинг ёзиқларини.  
Бегона маслакдек бир куни ахийёр  
Суғуриб отади қозиқларини.

Керишиб олар-да уфққа қараб,  
Шартли сарҳадлардан ўта бошлайди.  
Йўл бўлар кимнингдир қорига яраб,  
Кимгадир елкасин тута бошлайди.

...Озод ер, омон бўл, билганинг— билган,  
Бугун тугилмаган бу ҳикмат, кеча:  
Яхши ният бўлиб дунёга келган  
Ўлиб кетавермас ниятлигича!

\* \* \*

Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол.  
*Алишер Навоий*

Мен — забун, хокитуроб, сен — моҳитоб, қандоқ қилай,  
Ёлборурман, ол юзингдан ол ҳижоб, қандоқ қилай.

Бир нигоҳ эрди, карашма — нотабон дил матлаби,  
Келмаса кўз тийгида хайру савоб, қандоқ қилай.

Коми қисмат таъмини кўрдим татиб, аччиқ экан,  
То ҳануз оғзимда бор талх ашки об, қандоқ қилай.

Қуръакаи, боқма фалак ҳам саҳфаи тағбирга сан,  
Не сабаб, терс ўқилур бу чоркитоб, қандоқ қилай.

Аҳли ишқим, бир кўриб юз йил вовайло айламиш,  
Дард кетарда суст эрур, келгай шитоб, қандоқ қилай.

Асрасин кўздин сени, теграмда тўзон айланур,  
Шайланур ютмакка, ваҳ, бу гирдибод, қандоқ қилай.

Мен ёмон бордим, вале, эй сен, нигоро, яхши қол,  
Бори умрим илтижо, хайру хитоб, қандоқ қилай.

## ЭШИК

Эрқул акага

Шифтга тегмас, бу эшикнинг ваҳмаси йўқ,  
Қопламаси, ҳатто ёзув-лавҳаси йўқ.

Ҳаловат деб ўйламанг бу эшик ортин,  
Телефонлар сайрар тинмай — савбаси йўқ.

Ҳою ҳавас ўтолмайди бу эшикдан,  
Қойим ҳадди ҳисоблари, чамаси йўқ.

Ҳушёр ақл, шаймон керак бунда, зеро,  
Нафс элининг билмаган ҳеч нағмаси йўқ.

Кимга керак ялтоқланиш, иш бўлмаса,  
Пахтаси бор — қўядиган пахтаси йўқ.

Кимлар кириб, ким чиқмади бу эшикдан,  
Келса эди энди бир дўст, таъмаси йўқ!..

У	М	И	А
---	---	---	---

Ундошлару унлилар унда,  
Тўртта ҳарфдан иборат ўзи.  
Сўз қисқаю савол ҳам лўнда:  
“Туркиялик футбол юлдузи?..”

Ишқибозман ашаддий, эски,  
Ўтирмайман лаб тишлаб, пойлаб.  
Тўртта қушдек ўша тўрт ҳарфни  
Катакларга чиқаман жойлаб.  
Топқирлигим сийловими бу?! —  
Тушиб кетар қўлимдан қалам.  
...Чалғимоқчи бўлгандим бир оз,  
Унутмоқчи эмасдим, болам!

Бу ҳаётда қолган ҳаққингни  
Қилмоқчисан кимлардан даъво?  
Ҳар қадамда ҳамиша бордай,  
Йўқ жойдан ҳам бўляпсан пайдо.

Қай сўз билан айлайин баён  
Куйган кўнгул манзарасини:  
Чиқмоқчисан парчалаб, ана,  
Сканворднинг панжарасини!

### БУ СЎЗ

Бу сўз — қушдир, эрмакка  
Оёндан боғланган.  
Минг бора қуласа ҳам,  
Яна кўкка чоғланган.

Бу сўз — тулпор оч бўри  
Қон ҳидига тўймайди! —  
Ҳуркиб қочайин деса,  
Кишанлари қўймайди.

Дилозор тенг-тўшлари  
Юзига лой суртишган.  
Бу сўз — етим, гунг бола,  
Калтаклашган, уришган.

Шикоят қилмас лекин,  
Йиглаб ҳам юрмас зор-зор.  
Бир юпанча: ҳар саваб,  
Ҳар гуноҳнинг ажри бор.

Гувранади у фақат,  
Ҳам кўзи тўлиб қонга  
Ишорат бармоғини  
Кўтаради осмонга!..

### ҲАЗРАТИ БАШИР ҲИКМАТЛАРИ

Кўп кўрганман жазавангни, шовушингни,  
Кўтармасанг бўлармиди товушингни.  
Насиҳатинг учун қуллауқ..  
Ўнгу терсдир,  
Тўғри кийиб олгин, болам, ковушингни.

\*


Кўклам — кечалари ёп-ёруғ тушидир,  
Кундузи руҳимда сайраган қушидир.  
Елда чайқаламан қизгалдоқ каби,  
Ёраб, нафасларинг бунчалар хушидир!

\*

Аё замон, сенми бу нав тарз берган,  
Ажиб бир ҳол мантигини йўқлайди:  
Шифтга қараб уф тортади қарз берган,  
Қарз кўтарган хуррак отиб ухлайди!

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

# USTOD



Киргиз адаби Чингиз Айтматов бундан ўттиз беш йил муқаддам “Икки санъаткор” номли мақоласида “Мен Мухтор Аvezов билан Садриддин Айнийни доимо хурмат қилишимни, уларни севишимни китобхонлар олдида эътироф этмоқчиман. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нодир ходисадир” деб ёзган эди. Шундан буён жаҳонда кўп ўзгаришлар — ижтимоий, сиёсий, маънавий эврилишлар содир бўлди. Ўзининг куч-қудрати ва мустониётларига ҳаддан зиёд ишонган империя — шўро салтанати ҳалокатга юз тутиши билан унинг мафқурасига таянган адабиётнинг умри ҳам туғайди. Айни чокда қайси тузум, қандай мураккаб даврда яратилганидан қатъи назар, буюк истеъдодлар қаламига мансуб асарлар яшашда давом этавериши яна бир карр тарихий тасдиғини топди. Ўзбек ва тожик халқининг донишманд фарзанди, бу икки қардош ва жондош халқ адабиётининг дунёга доврғ таратишига улкан хисса қўшган улуғ адиб Садриддин Айний худди ана шундай умрбоқий асарлар яратган санъаткорлардандир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Садриддин Айний вақт ўтган сайин ижодиётининг кадр-қиммати ортиб, бадиий олами кенг ва чуқурроқ ёндашишни талаб этадиган қалам сохибларидан саналади. Оллох ус-

тод Айнийга бир неча ҳассос олим, сермахсул ёзувчиға етадиган истеъдод ато этган. Айний домла яратган илмий тадқиқотларнинг ҳажмига тенг асарларни ёзиш, эҳтимолки, икки-уч заҳматкаш олимнинг қўлидан келар. Аммо ўша асарларнинг устод тадқиқотлари билан сифат ва савия бобида беллаша олишиға ҳеч ким кафолат бера олмаса керак. Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими”, “Эсдалиқлар” китоби манаман деган улуғ бир истеъдоднинг шон-шўхратини жаҳонга таратиш ва муаллифиға бадиий ҳайкал ўларок боқий ном қолдириш қудратига эға, десак, асло хато бўлмади. Бунга аниқ ишонмоқ учун эса ушбу икки нодир асарнинг қайси тилларға таржима қилинганини хаёлдан ўтказиш кифоя. Айнийнинг ҳикоя ва романлари, тарихий асарлари-чи? Айнийнинг шеърини, шоирлик қиёфаси ва умуман, Шарқ шеъриниға қўшган хиссаси ҳақида биз нимани биламиз? Афсуски, ҳатто ўзбек айнийшунослари ҳам бу шеърини билан жиддий шуғулланганлари йўқ.

Айнийнинг илмий-ижодий меросини адабиёт, фалсафа, тарих, педагогика ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридангина эмас, балки тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш лозим бўлади. Тожикистонда нашр этилган Айний куллийтининг

*Нақл қилишларича, Иккинчи жаҳон урушида “туб бурилиш” рўй бериши арафасида бир ғуруҳ ўзбек зиёлилари ҳарбий хизматға сафардан этилади ва улар қизил командирлар қўмондонлиғи остида Зарафшон соҳилларида отиш-чопиш машқларини бошлаб юборади. Кунлардан бир кун ёш аскарлар билан учрашиб, уларнинг жанговар руҳини кўтариш учун машҳур адиб Садриддин Айний машқ майдонига таклиф этилади. Сочлари тап-тақир олинган, кийимлари шалвираб турган аскарлар ҳузурида маъруза қилаётган Айний бобо бирдан дудуқланиб, иккинчи сафда чап оёғига дам бериб турган “тақирбош”ға тикилиб қолади, сўнг: “Абдулла, сен бу ерда нима қиляпсан?!” деб сўрайди ҳайратланиб. “Фашистларни Сталинграддан қувиб чиқаришға ҳозирлик кўряпман”, дейди йигит. “Қувлашмачоқ ўйнайдиган бошқа одам қуриб қоптими, тавба! — деб қизил командирға ўғирилади “Куллар” муаллифи. — Ўртоқ, бу киши ўзбек халқининг зўр ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бўлади. Унинг қўлиға қурол эмас, қалам бериш керак. Илтимос, улуғларимизға далолат қилинг, мен Абдуллани Самарқандға олиб кетаман”, деб Айний бобо Абдулла Қаҳҳорни сафдан ажратиб олади. “Улуғлар” оқсоқол адибнинг илтимосини инобатға олиб, Абдулла Қаҳҳорни ҳарбий хизматдан озод қилади. Агар Садриддин Айний аралашма-*

ўн иккинчи жилдидан у тузган тожик адабий тилининг луғати ўрин олган.

Ушбу луғат қўлёзмасини илк бор чоп этилиши арафасида кўздан кечирган машхур шарқшунос Е. Бертельс 1939 йилнинг баҳорида Айнийга йўллаган мактубида бундай деб ёзган эди: "Мен "Тожик адабий тилининг луғати"ни, яъни янги шох асарингизнинг айрим қисмларини ўқиб чиқдим. Бемалол айтишим мумкинки, Сиздан бошқа ҳеч ким бундай ишнинг урдасидан чиқа олмасди". Айнийнинг улуғлиги, тенгсизлиги ҳам айнан ана шунда — у бошқалар уддалай олиши амримаҳол бўлган ишларни ҳам қойиллатиб бажаришга қодир бўлган билим ва салоҳият соҳиби эди. Айний илм ва ижод учун туғилганини билар, шунинг учун бутун куч-қуввати, меҳнат қобилиятини фан ва маданият, адабиёт равнақиға бағишлаган эди.

Бу ижодкор ҳақида сўзлаганда яна бир ҳақиқатни асло унутмаслик, уни доимо инобатга олиш лозим: Айний Бухоро фарзанди. У Шарқнинг энг қадимий, энг мўътабар илм-фан марказларидан бири бўлган Бухорода, яъни шариф ўлкада туғилиб, камол толган. Айнийнинг бош муҳофизи, бош мураббийси ва муршиди комили — Бухородир. У жон ипи ва виждон амри ила Бухорога боғланган. Айний яшаган даврда Бухоронинг ижтимоий-маданий ҳаётида турғунлик ҳукмронлик қиларди. Одамлар иқтисодий йўқсил-

лик, фикрий қолоқлик ва руҳий тушкунликка маҳкум этилган эди. Жаҳолат ва маънавий мутелик оқибатида болалаб кетган фожиаларни санаб адоғига етиб бўлмасди. Шафқатсиз ҳаётнинг кулфат ва қийинчиликларию кундалик турмушнинг машаққатлари билан ўсмирлик чоғларидаёқ юзма-юз келган Айний маънан жуда эрта вояға етади. Унинг иродаси гамандух, ҳасрат ва армон, қашшоқлик ва ночорлик исканжасида тобланади. Сирасини айтганда, Айний босиб ўтган ҳаёт йўли — матонат ва қахрамонлик йўлидир. У бағоят қалтис ва тахликали синовларни бошдан кечирганки, Оллоҳ иноят қилмаса, Бухоро мададкор бўлмаса, улардан қутилиш ёхуд омон қолишга ақл бовар этмайди. Айний буларнинг барчасини асарларида, хусусан, "Эсдалиқлар"ида тафаккур ва тadbир, илм ва ироданинг куч-қувватиға ишонган шахснинг қисмати сифатида тасвирлаб беради. Айний Бухоронинг кулфату мусибатлари олдида ўзининг қайғу ва мусибатлари бир томчи ҳам эмаслигини билар, уни ўлим таъқиб этган чоқларда ҳам азиз Бухоросининг меҳр ва шафқатидан умидини узмас, шу боис тушкунликка ҳам тушмасди. Таниқли тожик адиби Жалол Икромий таъкидлаганидек, "Айнийнинг Бухорога ошиқи беқарор юраги унинг учун ачинар, нажот истарди. Айний Бухоронинг дарду жафоларига қалбан шерик, чинакам ватанпарвар эди". Ана шу ошиқлик

ганда, ўзбек адабиёти ғариб бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Зеро, Сталинград жабҳасида миллионлаб "тирик нишон"лар беҳуда нобуд бўлганини "шонли тарих"нинг ўқилмаган саҳифаларидан яхши биламиз...

1954 йилда академик шоиримиз Фафур Фулом Садриддин Айнийнинг дафн маросимида худди "етим бўтадек" ўқсиб-ўқсиб йиғлайди, айтиб-айтиб йиғлайди. Чунки Фафур Фулом тожик ва ўзбек халқи нақадар улуг зотдан жудо бўлганини бошқалардан кўра теранроқ англаган...

Садриддин Айний маърифатпарвар боболаримиз — Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби шаҳиди шарифларнинг собит сафдоши, маслакдоши эди.

Бу йил Садриддин Айний таваллудининг 125 йиллиги адабий жамоатчилик томонидан муносиб нишонланди. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг мақола-си қутлуг санаға бағишланган камтарин бир тухфадир.

хисси, ватанпарварлик бурчи ва ҳамдардлик донишманд Айнийни умрининг охиригача тарк этмайди. Агар Садриддин Айнийнинг кўнглини Бухоро ишқи, Бухоро илим-маърифатининг нури чароғон этмаганида, агар у ҳам, ибн Сино, Аҳмад Дониш ёки Абдурауф Фитратга ўхшаб ориф Бухоронинг қондош ва жондош муҳибига айланмаганида, шак-шубҳасиз, мўрт бир адабий шахсият билан "хомаклик" давридан бир фасл ҳам нарига ўтолмасди. Холбуки, Айний дунё диққат-эътиборини Бухоро ва бухороликлар қисматига қарата олди. Тўғри, Айний тасвирларидаги Бухоро ва бухороликлар ҳаёти ўқувчи дилини кўпроқ қувонч ва шодликка эмас, фожиа ва қайғуга чулғайди, уни бир-биридан оғир, бир-биридан ёқимсиз воқеа-ҳодисалар билан юзлаштиради. Ҳақиқат билан учрашганда одам қанча қийналса, муҳокама-мулоҳазаларида нечоғлик фаоллашиб, эзгулик ва инсонийлик шарафига қанчалик ишонса, Айний асарларини ўқиганда ҳам унинг қалбида шундай қийналиш, фаоллашиш ва ишонч пайдо бўлади.

Айнийнинг услуби содда, лекин жонли, фавкулодда самимийдир. У ҳеч қачон ўзи кўрмаган, билмаган ёки моҳиятига етмаган нарсани китобхонга кўрсатиб, уни сохта ҳақиқатларга ишонтиришга уринмаган. Устод учун бадий талкин бошдан-охир табиий, ҳаққоний — ҳар қандай адабий ясамалиқдан йироқ бўлиши керак эди. Айнийнинг ижодий шахсияти — ҳавас қилиш ва ибрат олишга арзигулик шахсият. Унда асардан-асарга ҳақиқат хисси ўткирлашиб, донишмандлик заковати теранлашган. Бу ҳам тасодифий эмас. Бизда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан Шарқ мумтоз адабиётини ўқиб-ўрганмасдан, билмасдан ҳам бадий ижод билан машғул бўлиш мумкин, деган чўлтоқ тушунча пайдо бўлган, вақт ўтган сайин эса бу ҳол умумий кўникмага айланиб қолган эди. Айнийнинг тажрибалари бундай кўникма адабиёт ривожини учун мутлақо зарарли эканини, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобур, Машраб, Бедил каби даҳо санъаткорларнинг асарларидан сабоқ олмай



Ўзбек олимлари даврасида (Самарқанд, 1947)

туриб, узоққа бориш мумкин эмаслигини исботлаб беради.

Дарҳақиқат, устод Айний Шарқ мумтоз адабиётининг беқиёс билимдони бўлган. Унинг илмда адиб ва мутафаккир, бадий ижодда эса олим ва муаррихлиги яққол кўзга ташланиб туради. Бундай камёб фазилат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айнийнинг дунёқароши, адабий шахсияти, ғоявий-эстетик принциплари, ҳаётий омололари бевосита Шарқ оғзаки ва ёзма адабиёти, Шарқ маданияти ва маънавияти асосида шаклланиб камол топган. Шунинг учун Айний ҳақида гапирганда, беихтиёр Рудакий ёки ибн Сино, Саъдий ёки Навоий, Бедил ёхуд Аҳмад Дониш каби улугларни эслаш, уларнинг ахлоқий-фалсафий нуқтаи назарлари билан муштарак билан тарзда мулоҳаза юритиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Айнийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятида шеърга муҳаббат ва шоирликка қизиқиш муҳим ўрин тутади. У шеър, шоир ва адабиётга ихлосманд бир оилада туғилган. Адибнинг отаси ўз даврининг мунаввар фикрли, ҳақгўй кишии бўлиш билан бир қаторда илм ва адабиётнинг қадрини ҳам билган. У ўз фикрларининг тасдиқ ва исботи учун гоҳ шеър, гоҳ мақола маталлардан фойдаланган.

Айний ўн шарлигидаёқ Ҳофиз, Бедил, Соиб шеърлари билан танишган. "Ўн ёшимда мактабни тугатдим, — деб ёзади адиб "Қисқача таржимаи ҳолим" асарида. — Бироқ ҳали саводсиз эдим, мактабда ўқитганларини ўқий олсам

хам, аввалдан ўзимга таниш бўлмаган бошқа нарсаларни ўқий олмас эдим. Аммо шеърларни севар эдим. Уларнинг мазмунига яхши тушунмасам ҳам, оҳанги мени завқлантирарди. Баъзи шеърларни ёдлашга тиришар эдим. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Соиб, Навоий ва Фузулий каби шоирларни "вали", яратган шеърларини "каромат" деб ҳисоблар эдим".

Албатта, валилик фазилатларига эга бўлмаган одам Ҳофиз, Навоий, Фузулий ёки Бедил эришган шоирлик мақомига кўтарила олмайди. Ҳақиқий шеър каромат бўлмаса-да, кашф ва илҳом маҳсулидир. Ёш Садриддин эса "вали" бўлмаган зот каромат кўрсатолмайди, демакки, шеър ёзолмайди деб ўйлаган.

Бир воқеа муносабати билан отасидан эшитган гаплар унинг шоирлик борасидаги тушунчаларини тубдан ўзгартириб юборган.

Айнийнинг ёзишича, Бухоро мадрасаларидан бирида мударрис бўлган (Исо тахаллуси билан шеърлар ёзган) Исо Маҳдум уларнинг қишлоғига меҳмон бўлиб келади. Новча, озғин, сийрак соқолига оқ оралаган, эғнида оқ сурп ятак, бошига кичик салла кўндирилган бу кишини отаси Садриддинга кўрсатиб: "Ҳозир мадрасадан бир киши чиқиб, ҳужрага томон йўл олади, сен уни яхшилаб кўриб ол. У аканнинг домласи бўлади. Шоир, жуда яхши шеърлари бор", дейди. Сўнг пешин намозидан қайтгач, унинг шеърларидан ўқиб беришга ваъда беради. Отаси Саидмуродхўжа намоздан қайтиб, ўғлига Исонинг қачонгача бекорчиликдан муздай қотиб ўлмоқ керак, ҳеч бўлмаганда қўлингдаги варақларни тўглаб бир китобча қил деган мазмундаги қўйдаги сатрларни қайта-қайта ўқиб беради:

*То ба кай зи бекори  
Ба фурсати мурдан.  
Нусхае бакаф дори  
Жамъ созу ажзо кун —*

Кейин ушбу сатрларни бундай деб изоҳлайди: "Донишмандлар кишиларни меҳнат қилишга қақиради, улар бекорчи-

ликни ўлим билан тенглаштиради. Айрим муллалар бўлса, ўзлари молу дунёга боти кетган бўлишига қарамай, кишиларга "тарки дунё қилинг!" дейди..."

Шундан сўнг отаси тоқчадан Соиб ғазаллари ёзилган бир неча варақни олиб, ундан икки мисрасини ўқийди:

*Ба дўши таваккул манеҳ бори худро,  
Валинеъмат хеш кун кори худро.*

Мазмуни: ўз юкингни таваккул кўрагига ташлама. Ўз ишингни ўзинг учун валинеъмат айла!

Сўнгра бу сатрларни қўйдагича шарҳлайди:

— Кўрпанамми, улуғ кишилар бир-бирлари билан қанчалик ҳамфикрдурлар. Бундан 250 йил муқаддам ўтган Бобо Соиб (отам исфаҳонлик Соибни ҳурмат юзасидан "Бобо Соиб" дер эди) билан бизга замондош бўлган Исо бир мазмунда сўзлайдилар.

Эътибор беринг, ота фарзандининг шеърни севишини, ўзича шоирликка ҳаваси борлигини билади. Ўғли ҳали бирор-бир шоирнинг тирик қиёфасини кўрмагани учун уни масжид чорбоғига туташ девор устига кўтариб қўйиб, Исо Маҳдумни кўрсатади. Сўнг унинг қўлэзма тўпламини таништириб, ғазалларидан мақбул санаган байтларини ўқиб беради. Аммо бу билан ҳам қаноатланмайди: Исо байтларининг мазмунига асосланиб, меҳнатнинг фойдаси ва бекорчиликнинг ўлим билан баробар эканини боласига тушунтиради. Айни чоқда дунёпараст муллоларнинг мунофиқлигини, сафсатабозлигини қоралайди.

"Ушбу суҳбат менинг адабий фаолиятимга катта таъсир этди. Аввалгидан кўра кўпроқ шеър ўқиш ва шеър ёдлаш билан шуғулландим..." дейди Айний. Дарҳақиқат, отаси адибнинг биринчи устози, адабиёт ва ҳаёт, инсон тақдирига доир қарашларининг тўғри ва теран шаклланишида ўғлига самарали таъсир ўтказган эди.

Саидмуродхўжа вабо чангалида жон таслим этаркан, ўғлига мана бундай вазият қилади: "Ўқи, ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам ўқи, одам бўл! Лекин қози,

раис ва имом бўлма! Мударрис бўлсанг, майли!"

Булар падари бузрукворидан Айний эшитган ва ўқик болалик хотирасига мухрланиб қолган васиятнома эди. Эҳтимол, айнан ана шу васият маърифатга ташна ёш йигитчани иқтисодий аҳвол ва шароитнинг беҳад танглигига қарамай, Бухорога бориб, мадраса ҳаётининг барча машаққатларини енгиб ўтишга ундагандир. Балки, айнан шу васият боис Айний на қозилик, на имолик кўчасига қайрилиб ҳам боққандир.

Хуллас, Айний 14-15 ёшларидан бошлаб шеър ёзиш билан машғул бўлади. Дастлаб Сифлий, Муҳтожий, Жунуний тахаллуслари билан шеърлар битади. "Эс-даликлар"да тахаллусларни танлаш сабаблари ва улардан кўзланган мақсадни шарҳлар экан, жумладан бундай дейди: "Ёшлигимда бошимга тушган оғир турмуш таъсирида мен асабий бўлиб қолгандим, тирикчиликдан кўп сиқилардим. Баъзан танҳолик кечалари ўтган замон шоирларининг марсиянамо шеърларини ўқиб, юрагимни бўшатиш учун йиғлардим. Одамлар менинг бу хусусиятимни пайқаб, қобил бола, аммо бир оз девоналиги бор, дер эдилар. Мен ҳам элнинг шу фикрига мойил бўлиб, девона маъносига "Жунуний" сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим".

Айнийнинг Муҳтожий ва Жунуний тахаллуси билан ёзган шеърларидан намуналар сақланиб қолмаган. Сифлий тахаллусидаги шеърларидан эса бир ғазал ва Ҳозик ғазалига боғланган мухаммас сақланган. "Сифлийи бечорам, сар то по кардам галат" — "Сифлийи бечораман, бошдин то оёққача хато қилдим" деган надомат ила тугалланган ғазалда ҳам, мухаммасда ҳам шоир ўзининг ниҳоятда қайғули, маҳзун ҳолини тасвирлайди. Умуман, Айний илк машқларидан бошлаб шеърнинг ҳаётий асосга эга бўлишига, нурсиз, шарафсиз ва бўғик бир муҳит қафасида сиқилган, азобу изтиробга маҳкум этилган шахс кайфияти ва ҳолатини акс эттиришга алоҳида эътибор берган. Унинг аънавий мавзу, шакл ва услубда ёзилган шеърларида ҳам реалис-

тик моҳиятнинг устунлиги доимо аниқ сезилиб туради.

Айний шеърляти — дарддан, гамдан, армондан туғилган шеърлят. Айний аввал-бошданок шеърни назирабозлик, сунъий ялтироқлик, шахсиятсизлик каби нуқсонлардан халос этишга интилган ва бунга эришган. Унинг нуқтаи назарига кўра, "ҳақиқий шеър ўқувчи ва эшитувчига чуқур ҳаяжон бағишламоғи шарт. Бунга эришмоқ учун эса шоир самимиятга асосланиши ва ўз шахсиятини ўша "айтгани"да зухрлантира билиши керак.

Айнийнинг насрдаги истеъдоди аввало шеърлятда куртак ёзган эди.

"Мен ўз умримда кўплаб китоб ёздим, — деган эди Айний, — буларнинг ҳаммаси бир мавзуга бағишланган бўлиб, ўз ҳаётим материаллари асосида юзага келди". Айнийнинг реалистиги, ҳақиқатга содиқлиги, характер яратишда ўзига хосликка эришиш маҳорати ҳам аввало ана шунда. Адибнинг бирор-бир асарини унинг ҳаёт тажрибалари, адабий шахсияти, воқеликка эстетик муносабатидан айри тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Ҳатто "Судхўрнинг ўлими" қиссасида ҳам ёзувчи шахсияти муҳим ўрин эгаллаган. Тўғри, Айний қаттиқ ишонган, қисса ва романларида кенг кўламда тасвирлаган ёки тараннум этган ғояларга иштибоҳ билан қараш, улардан айримларини бугун бемалол инкор ҳам этиш мумкин. Лекин шу ўринда инсон ўлмас бир ҳақиқатга тўқнаш келадикки, бу — улуг адиб ижодиётининг тарихий-фалсафий қиммати ва умуминсоний моҳиятидир. Мана, "Қулар"ни олайлик. Оддий меҳнатқаш халқнинг қарийб бир асрлик машаққатли ҳаётдан хикоя қилувчи бу романда 1917 йилда рўй берган инқилобий тўнтаришгача бўлган давр ва шароит тарихий ҳақиқатга мос равишда кўрсатиб берилган.

Қарийб юз эллик йилдан зиёд ҳукмронлик қилган манғит амирлари сулоласининг кейинги вакиллари Бухоро халқи учун нима қилди? Улар бир-биридан қай жиҳат ва хусусиятлари билан фарқланган? Ёки фарқланмаганми? Илм-фан, маданият ва маънавият нечун айнан ўша манғит амирлари даврида бутунлай та-



Устод фарзандлари билан (Самарқанд, 1929)

наззулга юз тутди? Зулм ва зўравонлик, хўрлик ва ҳуқуқсизлик босими остида яшаган омма адолат ва озодлик туйғуларини қандай бой бериши мумкин? Кўрқув ва мутелик тантана қилган шароитда илм аҳли, нафис адабиёт вакиллари нечун майдақашлик ёхуд найрангбозлик билан жон сақлайди?.. Бунга ўхшаш ўнлаб саволларга Айний ўзининг қисса ва романларида шунчалик аниқ, шунчалик ёрқин жавоб берганки, у мוזийни тасвирляптими ёки "вали"лик қиялптами деб беихтиёр ёқангизни ушлайсиз. Бундай ҳақиқатдан кўз юмиш — кўрлик билан баробардир. Айний қиссаларида инсон онгидаги ўзгариллар, алоҳида бир шахснинг хўрликка интилиши, демакки, ўзлигини англаш жараёнини қандай моҳирлик билан бадийий талқин қилса, шу гоёни романларида хилма-хил ижтимоий гуруҳга мансуб, турли нуқтаи назар ва ахлоқий-диний тушунчаларга таяниб кун кечирувчи халқ образи орқали ифодалаш чоғида яна ҳам юқорироқ парда-

ларда тасвирлайди — гўё овози очилиб кетади. Айний яратган инқилобий руҳдаги қаҳрамонлар масаласига келсак, балки улар ўз умрини яшаб бўлгандир. Балки уларни ёвуз ва сохта бир мафкура-нинг қурбонлари дейиш керакдир. Нима бўлмасин, бунинг учун Айнийни айблаш, зўравон тузум, бешафқат ва мурасиз бир сиёсат талабларини унутиб, айбни фақат ёзувчининг ўзига тўнқаш инсофсизлик бўларди. Афсуски, матбуотда гоҳида шундай уринишлар ҳам кўзга ташланади.

Бошқа ҳеч нарса ёзмасдан, фақат "Эсдаликлар"ни ёзганда ҳам Айний — Айний бўлиб қоларди. Маълумки, "Эсдаликлар" 1957 йили Францияда машҳур Луи Арагон таҳрири остида "Шарқ" номи билан босилиб чиқади. Ундаги мухтасар маълумотномада Айний Жек Лондон, Киплинг, Горький, Кнут Гамсун каби жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари билан бир сафга қўйилган.

Айнийнинг ҳаёти, адабий ва илмий фаолиятига бағишлаб қатор тадқиқотлар яратган йирик шарқшунос олим И. Брагинскийнинг эътироф этишича, "Эсдаликлар" Айнийнинг ўлими олдида ёзилган шоҳ асардир.

"Эсдаликлар" — Айнийнинг умр ва хотира китоби. Уни тақдирлар қомуси дейиш мумкин. Бундоқ қараганда, ушбу асарда ҳам ғам-ғусса, мусибат, кулфат кўп, зулмат пардаси жуда қуюқ — гўё бошдан-охир фожиадан иборат. Уни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчи Айнийни фожианавис адиб деб ўйлайди. Асарнинг баъзи қисмларини ўқиётиб: "Наҳотки, шу воқеалар рост бўлса? Наҳотки, шундай бўлиши мумкин? Совет давлати ҳадаё этган "бахт ва озодлик"ни шарафлаш учун ўтмиш атайлаб қора бўёқларда чизилмаганмикан?" каби саволлар киши кўнглида иштибоҳ уйғотади.

"Эсдаликлар" айблашни эмас, англашни ўргатади, тарихий мушоҳадада бирёқламаликка ён бермасликка ундайди. "Эсдаликлар" моҳият-эътибори ила шундай бир қудратли китобики, у бундан кейин ҳам миллатни ичдан кемирадиган, емирадиган, халқнинг яхлит қудратли тўлқин, маънан исёнкор бўлишига тўсқин-

лик қиладиган ижтимоий, сиёсий, диний ва ахлоқий иллат ҳамда фожиаларнинг туб илдизларига диққатни қаратишга даъват этаверади...

Мен ўтган йили қишда “Эсдалиқлар”-ни яна қайта қўлга олдим: бу гал мутолаа олдингига нисбатан секин ва анча узоқ давом этди. Хуллас, икки нарса мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Биринчиси — Айнийни илҳомлантирган миллий этиқод ва маънавий ғоянинг бениҳоя те-ранлиги. Иккинчиси — муаллифнинг фақат ва фақат виждон амри ила қалам юритгани. Яна шуни айтмоғим керакки, маълум бир тайёргарликсиз, яъни зулмат ва жаҳолат, зулм ва зўравонлик ҳукм сурган Бухоронинг камида юз йиллик та-риhini чинакам зиёли даражасида ўрганмай туриб “Эсдалиқлар”нинг маъно-моҳиятини ҳар жиҳатдан мукаммал ўзлаштиришга уриниш асло самара бер-майдиган машғулот бўлади, холос.

Энди икки оғиз устод Айнийнинг олимлиги ҳақида. Айнийнинг бадиий ус-луби билан илмий услуби ўртасида кан-дайдир яқинлик, умумий бир ўхшашлик бор. Шунинг учун бўлса керак, унинг ил-мий асарларида ҳам тил жонли, энгил, ифода раvon, бошни гангитувчи хос ата-маларга, китобий жумлаларга дуч келин-майди. Масалан, сиз Айнийнинг “Манғит амирлари тарихи” китобини ўқидингиз дейлик, илмий асар мутолаа қилдингиз-ми ёки бадиий асарми — бунини анча фарқламайсиз. Чунки Айний далил тан-лашдагина эмас, талқин, таҳлил ва фикр-мулоҳаза ифодасида ҳам заминдан узоқ-лашиб, ҳаволалиб кетмайди.

Шарқ классикларининг илмий-ада-бий меросини ўқиб-ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишда Айний эришган натижа ва ютуқларга фақат ҳавас қилиш, улар-дан фақат ибрат олиш мумкин. Аммо Айнийнинг “панжасига панжа урмоқ” ҳам қийин. Унинг Рудакий, ибн Сино, Саъдий, Навоий, Бедил каби даҳоларга бағишланган тадқиқотлари шу кун-гача илмий қиммати ва аҳамиятини сақлаб келмоқда. Биз бу ўринда устод-нинг бедилшунослигига дахлдор айрим мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.



Устод рафиқаси Салоҳат аяга янги асарини кўчиртирмоқда.

Маълумки, Айний мадрасада таҳсил олаётган даврларда Бухорода улуг фай-ласуф шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ижодиётига қизиқиш хийла кучайган эди. Турли ижтимоий табақага мансуб, дид ва савияси ҳар хил бўлган кишилар тўпла-ниб бедилхонлик қилган. Шоирлар Бе-дилга эргашиб, назира ва тахмислар бит-ган. Айний бу жараённинг ҳам кузатувчи-си, ҳам иштирокчиси бўлган. У Бедилга кўр-кўрона тақлид қилишни истиқболсиз бир ижодий ҳаракат ўлароқ рад этган. Чунки Айний мадрасадаёқ зукко бедил-шунос сифатида шаклланган. Энди ушбу даъвони тасдиқлайдиган муҳим бир да-лилга тўхталсак.

1910 йили Уфада чоп этиладиган “Шўро” журналыда “Мирзо Бедил ҳақин-да” номли бир мақола босилиб чиқади. Шунингдек, унда ўша муаллифнинг Бе-дилга бағишланган янада кенг ва катта-роқ мақоласи босилиши хусусида хабар (анонс) ҳам берилади. Лекин Бухорода Садриддин Айний билан мадрасада бир-га ўқиган, зикр этилган мақола муалифи Олимжон Идрисий исмли туркиялик тад-қиқотчи Бедилнинг таржимаи ҳолини ёритиш борасида хатоликларга йўл қўйга-нини англайди. Шундан сўнг у Садрид-дин Айнийдан ёрдам истаб Истанбулдан Бухорога мактуб йўллайди. Айний Олим-жон Идрисийнинг истагини бажо келти-риб, Бедилнинг таржимаи ҳоли, асарла-ри хусусида батафсил маълумот берув-чи бир мактуб ёзиб, Истанбулга жўната-ди. Форсийда битилган ўша мактубни

туркийга таржима қилиб "Шўро" журна-лига юборган Идрисий бундай дейди: "Ба-адад "Шўро"да Бедилнинг таржимаи ҳолини мухтасар бир суратда ёзғоч, Бу-хородаги шеригим Садриддин Айний афандига хат ёзуб, бу ҳақида муфассал маълумот сўрадим. 1911 сана 3 мартда жавоб ҳам олдим эса-да, бир чўк сабаб-ларга кўра бу вақтга қадар таржима этуб юбора олмадим".

Хуллас, "Шўро" журналининг 1912 йил иккинчи сониде Идрисийнинг мақоласи эмас, балки Айнийнинг мактуби мақола шаклида босилиб чиқади. Мактуб-мақо-ла кейинчалик тожик олимлари М. Шу-куров ва Ж. Боқизода томонидан икки тилда (тожик ва ўзбек тилларида) эълон этилади.

Гап шундаки, Айний Истанбулга йўлла-ган мактубида Мирзо Бедилнинг таржи-маи ҳоли, у яшаган ижтимоий-сиёсий муҳит, шоирнинг фалсафаси, услуби ху-сусида айтилиши зарур бўлган барча му-ҳим фикр-мулоҳазаларни баён этган. Шу-нингдек, ҳижрий 1199 йили Бомбайда чиққан ва 12 қисмдан таркиб топган Бедил "Куллиёти"даги асарларнинг ҳажми-ни ҳам бирма-бир қайд қилиб ўтган.

Бизнинг назаримизда, Айнийнинг "Шўро" журналида босилган теран фикр-лари унинг Бедил шахсиятига эҳтиромни англаш ва изоҳлашда яқиндан ёрдам беради: "Мирзо Бедил бой қалб соҳиби, олижаноб бир зот бўлиб, ағниё ва умаро эшигига ҳеч яқинлашмас, билъақ, улар Мирзонинг хузурига келурлар ва уни таъ-зиму тақрим этардилар".

Нуфуз ва иқтидор соҳиби бўлган амалдорлардан бири Мирзога мактуб юбориб, уйига зиёфатга даъват этгани замон у бундай деб жавоб беради:

*Дунё агар диханд, нахезам зи жои хеш,  
Ман бастаам хинои қаноат ба пои хеш.*

Мазмуни: агар менга дунё қадар молу мулк берсалар ҳам ўрнимдан қимирла-майман, чунки мен оёғимга қаноат хино-сини боғладим, шунинг учун тўраларга ва бойларга хушомад қилишга эҳтиёжим йўқ. Агар Айнийнинг ижодкорлик эъти-

қоди ва шахсиятига ана шу нуқтаи на-зардан баҳо бериладиган бўлса, унинг Бухоро амири Аҳадхон тузоғига илинмас-лик учун дадил йўл излашлари Бедил са-боқларига содиқлик намунаси эканини эътироф этиш керак бўлади.

Мирзо Бедил куллиётини қайта-қайта варақлаш, файласуф шоирнинг инсоний тақдир, умр мазмуни, ҳаёт ва ўлим тор-тишувлари, олам, одам ва Оллоҳ бирли-гига доир фикрларини такрор-такрор му-ҳокама ва мушоҳададан ўтказиш Айний-нинг мароқли машғулотларидан бўлган. Ҳатто у ҳаётининг анча оғир ва мураккаб дамларида ҳам Бедил шеърларини ўқиб юпанган, улардан таскин топган.

*Зиндаги бар гардан афтодаст, Бедил,  
чора чист?  
Шод бояд зистан, ношод бояд зистан.*

Мазмуни: тириклик тушди бошга, Бе-дил, энди не чора? Шод бўлсанг ҳам, ғам-гин бўлсанг ҳам яшаш керак, албатта.

Бедил асарларининг тили жуда оғир, ифодалари мураккаб, маъно қатламла-рини кашф этиш бағоят мушкул. Буни файласуф шоирнинг ўзи ҳам билган. У бир шеърда бежиз бундай демаган:

*Маънии баланди ман фаҳми  
тунд мехоҳад,  
Сайри фикрам осон нест, кўхаму  
кўтал дорам,*

Айний ана шу юксак маъниларни кашф эта оладиган ирфон соҳиби эди. У Бедил фикр-туйғуларининг моҳиятини анча осон мушоҳада қилиб, таҳлил ва тал-қинда таҳминбозликка эрк бермасди, сув-га тикилиб ўтириб фол очмасди.

Айнийнинг "Шўро" журналида босил-ган мақоласидан "Бедил" номли рисола-си босилиб чиққунча ораддан қирқ йил-дан ортиқ вақт ўтади. Ана шу муддат ичи-да устод Айний Бедил яшаган давр ва за-мон, унинг шахсияти, ижодиётининг фал-сафий-ахлоқий манбаларига доир деяр-ли барча тарихий, илмий, адабий ва ди-ний китобларни синчиклаб ўрганган, ай-рим зарурий маълумотларни шоирнинг

ўз асарларидан ҳам териб олган. У 1946 ва 1947 йилларда "Шарқи сурух" журна-лида Бедилга бағишланган мақолалари-ни эълон қилган. Охир-оқибатда эса, унинг жаҳон бедилшунослигида янги са-ҳифа очган "Мирзо Абдулқодир Бедил" рисоласи яратилган. Бу ишни уддалаш осон эмасди. Шунинг учун ишнинг барча қийинчилиқ ва мураккабликларини ино-батга олган профессор Е. Бертельс ри-солога ёзган муқаддимасида "Камдан-кам одам бу ишнинг урдасидан чиқа олар-ди, шунда ҳам С. Айнийга ўхшаган ўз хал-қининг ўтмишдаги адабиётини, тилини ва шу тилда ёзилган барча адабиётини яхши билган забардаст устозгина бу ишни муваффақият билан ниҳоясига ет-казган бўлур эди", дея Айнийнинг чиндан-да забардаст олимлигига тан берган. Албатта, Айний Мирзо Бедил серқирра ижодиётининг барча жиҳатларини тўла-тўқис ёки узил-кесил ёритиб бергани йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмасди. Шунга қарамасдан, йирик адабиётшунос-ларнинг умумий эътирофига кўра, жаҳон-нинг бирор-бир ўлкасида Бедил ҳақида Айнийнинг рисоласига тенглаша олади-ган, ундан мукамалроқ тадқиқот ҳали яратилгани йўқ.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Айний ижодиёти XX аср дунё адабиёти-нинг энг нодир, эътиборли ва мазмун-дор саҳифаларидан ҳисобланади. Айний бадиий ижодининг пойдевори — илм, маърифат, тарих, ҳаёт ва ҳақиқатдир. Айний асарларини билиш — кўҳна Шарқ тарихи, маданияти, мумтоз адабиёти ва миллий қадриятларини англашга йўл оча-ди. Кейинги пайтларда юртимизда Ай-ний ижодиётига қизиқишнинг пасайиши — бизнинг чинакам адабиётдан узоқла-шаётганимиз, тарихий хотирага бефарқ-лигимиз, илм-маърифат завқининг сусай-ишига кўникаётганимиздан нишонадир. Ёшларимиз, айниқса, талабалар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак. Чунки Ай-нийни четлаб на Рудакий ва Фирдавсий-



нинг, на Саъдий ва Ҳофизнинг, на Жо-мий ва Навоийнинг, на Бедил ва Дониш-нинг ижод оламига дадил кириб бориш мумкин. Айнийнинг илмий-адабий ме-ро-си ўтмиш, бугун ва келажакни бир-би-рига боғловчи энг узун, энг муштақам маънавий кўприкларимиздан биридир.



### Футувват ва афв хусусида

Искандар Чин мамлакатини олганидан кейин хоқон унинг шарафига катта базм уюштиради. Зиёфат — сахийлик, эҳсон нишонаси, аммо шоҳлар ёки сарватдор кишилар ҳаммани бир хилда эҳтиром қилаверадими, ҳаммага ҳам тўкин дастурхон ёзадими? Йўқ, албатта. Искандар жаҳонгир шоҳ бўлгани учун хоқон уни сийлаб, дабдабали қабул маросими уюштиради, қимматбаҳо тухфалар билан сарафроз этади. Шунга ўхшаш фикрлар Навоийни ўйлантиради. Шоир зиёфат баҳонасида яна шоҳу гадо қадр қимматини қиёслаб, инсонни улуғлайдиган фазилатлар ҳақида мулоҳазалар баён қилади.

Навоийнинг фикрича, мезбон, меҳмон қандай киши бўлишидан қатъи назар, уни хурсанд қилиб, кўнглини олиши керак. Шундай кишилар борки, деб ёзади шоир, меҳмон келганда пасткашлар каби қочмайди, агар меҳмон келмаса, ёлғиз ўзи рўзасини очмайди, якка еган таоми гўё заҳар. Уларнинг дастурхони ҳамиша очик, уйда бор бир бурда қотган нонини ҳам бошқа биров билан баҳам кўради.

*Охири. Бошланиши ўтган сонда.*

Меҳмонни очик юз, лутфу марҳамат билан кутадиган, унинг кўнглини олмагун-ча тинчимайдиган кишилар бор. Улар учун эшикдан ким кириб келишининг сира аҳамияти йўқ, уни меҳмон қилаверади:

*Агар бўлса меҳмони шоҳ, ар гадо,  
Қилиб мезбонлик тариқин адо.  
Йўқ улким, шаҳ оллида кўйгай кулоч<sup>1</sup>,  
Гадога қуруқ нону явгон ўмоч.*

Кўриниб турибдики, Навоий бу ерда ҳам инсонга мансаб-амалига, мол-мулкига эмас, балки, энг аввало, у одам эканига қараб муносабатда бўлишни талаб қилиб, футувват аҳлининг саховати ҳақида гапирмоқда. Футувват тариқига кўра, киши борини ўзгалар билан баҳам кўриши, бошқаларга яхшилик қилиши, муҳтожларнинг ҳожатини чиқарганда хурсанд бўлиши керак. Уларнинг хонадони доимо меҳмон учун очик. Футувват аҳли хислатлари ҳақида Навоий “Ҳайрат ул-аброр” ва “Сабъаи сайёра” дostonларида меҳр билан ёзган.

Зиёфат муносабати билан шоир “Саховатни ким учун кўрсатиш керак?” ва “Кимнинг ҳисобидан саҳийлик қилинади?” деган саволларни ўртага кўяди. Зеро, шоҳлар, ҳокимларнинг дабдабали зиёфатлари, тўхфаю инъомлари давлат ва халқ молидан эди. Шунинг учун улуг мутафаккир бунга рози эмас.

Бироқ агар шоҳлар аҳли Ҳақ ҳисобланмиш чин дарвешлар кўнглини овласа, улардан Худо рози бўлади. Дарвешлар ташқи тарафдан фақир, хоксору афтода ҳол бўлсалар ҳам, лекин моҳиятда шоҳлардан кам эмас. Шоҳлар дунё мулкининг эгаси бўлса, дарвешлар “кўнгул мулкининг шоҳи”. Зиёфат эгалари бою камбағал, шоҳу гадони тенг кўриши керак:

*Мувосо<sup>2</sup> кўзин ҳар тараф очса кенг,  
Ҳамул кўз била борчани кўрса тенг.*

Киши саховат кўрсатганда куёшдек вайрона ва обод устига баробар нур таратсин. Аммо саховатнинг ҳам одоби бор. Меҳмондорчилик қиламан, деб исрофгарчиликка йўл қўйма. Бир одамга ўнта кўй сўйиш, ўн хил таом тортиш айни исрофгарчилик ва манманликдан бошқа нарса эмас:

*Худо молига қилмоқ исроф не?  
Жунун аҳлидек<sup>3</sup> мунча итлоф<sup>4</sup> не?*

Бу ишинг билан меҳмонни хурсанд қилиш ўрнига уни заҳарлаб ўлдирасан. Шунинг учун зиёфатда ҳам меъёрни сақла. Баҳром Гўр ов пайтида адашиб, бир қишлоққа бориб қолади. Уни таниган бир бой дабдабали зиёфат тараддудига тушади. Аммо Баҳромнинг қорни оч эди, бир камбағалнинг таклифига кўниб, унинг фақирона кулбасига қиради. Камбағал унинг олдига нон билан қатиқ қўяди. Баҳром маза қилиб овқатланади, хонадон эгасига миннатдорлик билдириб, ҳордиқ чиқаради, бойнинг дабдабали дастурхонига боқмайди ҳам, дея ҳикоя қилади Навоий.

Искандарнинг зиёфат меъёрида бўлгани яҳши, меҳмоннинг эҳтиёжидан ортиғи савобга қирмайди, дейсан, аммо шоҳларнинг шаъну шавкатига бу тўғри келмайди-ку, шоҳга шоҳона базму зиёфат муносиб эмасми, деган саволига Арасту жавоб бериб, шоҳ — халқ ризқига қўриқчи, халқ мулкининг посбони, талон-торож ва беҳуда исрофгарчиликка йўл қўйиши мумкин эмас, дейди:

*Чу шаҳ халқ ризқига бўлмиш замон<sup>5</sup>,  
Эрур ортуқ ўксук<sup>6</sup> етурмак — ямон.*

Яъни: халқ молига кафил бўлгандан кейин уни ҳаддан зиёд камайтирмак — ёмон. Нақадар ҳаётий ва хамиша долзарб фикрлар.

Улуғ шоир афв масаласида ҳам ўзига хос ҳаётий, ўлмас фикрларни баён этади. “Афв фазилатидаким...” деб бошланадиган бобда бу масала устида тўхталади. Навоий наздида афв ҳам — жавонмардлик (футувват) шартларидан бири. Шоҳлар ичида обрў-этиборлиси — афву карамда ном чиқарган жавонмарди:

*Ангадур жаҳон аҳлидин фардлиг, —  
Ки ойини бўлғай жавонмардлиг.*

Жавонмардлик ойини бу — тасаввуф. Ориф дарвешларнинг ахлоқий фазилатлари айнан жавонмардлик амалиётида намоён бўлган. Шайхлар жавонмардликни тарғиб қилиб қолмай, балки қалб саховати билан одамларга лутфу марҳамат, мардликлар кўрсатиб, буни амалда исботлаган ҳам. Хўш, унда шоҳларнинг жавонмардлиги нимада кўринади?

Бу, биринчи галда, адолатпарварлик, афву карамда, золимлар қўлини боғлашда намоён бўлади:

*Ани бил жавонмард ёхуд карим, —  
Ки бедодидин бўлмағай эл бийм.*

Агар зулмидан халқ кўрқувда бўлмаса, осойишта яшаса, демак, подшоҳ — саховатли ва жавонмард.

Шу тариқа Навоий бу ерда тасаввуфдаги бир муҳим масалага яқинлашиб боради: жавонмард шоҳ, дейди, у, ўзи халққа зулм қилмайдигина эмас, балки зулмкорларга ҳам ҳаддан зиёд жабр ўтказмайди, уларни кечиради. Бозмача айтганда, зулмкорга зулм билан эмас, балки марҳамат билан муносабатда бўлиб, зулмни бартараф этган маъқул. Улуғ шоир, аслида, зулмининг олдини зўрлик билан олиш тарафдори. Шундай қилмаса, адолат қарор топмайди. Бу ҳақда мақоламиниз бошида тўхталган эдик. (Бу — ёмонга ёмон, яхшига яхши бўлиш ақидаси эди.)

Бу ўринда гап жавонмардлик ва афв ҳақида бораётгани учун шоир золим кишини ҳам кечирish мумкин, деган фикрни ёқламокда. Албатта, золим зулм қилишдан қайтмаса, тавба қилиб, айбига иқрор бўлмаса, уни ўлдириш керак. Лекин агар гуноҳкор одам айбини англаб етса, одил шоҳ олдида узрхоҳлик қилса, уни кечирса бўлади. Зотан, қасд олиш мардлар иши эмас. Мардлик ожизларни ҳимоя қилиш ва золимнинг золим эканини унинг ўзига исботлаб беришда кўринади.

Навоий гапни узокдан бошлаб, инсонларнинг ҳаммаси бир жинсдан, лекин ҳаёт уларни турли шароитга солиб қўйган, шунинг учун улар турли ижтимоий мавқе эгаллайди, шундай экан, биров ҳақида ҳукм чиқараётганда у ҳам мен каби одам, у ҳам Худонинг бандаси, агар мен унинг ўрнида бўлсам нима бўларди, дея фикр юритиш ва оқибатини ўйлаш кераклиги ҳақида бундай дейди:

*Гуноҳдин тилар чоғда Ҳақдин амон,  
Ўзунгни аларнинг бири қил гумон.  
Неким ўз қошингда эрур нораво,  
Улуққа ани кўрма асло раво.*

Ўзингга раво кўрмаганин ўзгага ҳам раво кўрма! Бу ҳам — футувват шиорларидан. Аслида, бу гаплар Искандарга насиҳат тариқасида айтилмокда. Чунки бу жаҳонгир кўп шоҳларни мағлуб қилиб, асир этган. Шундай пайтда уларни менга нега қаршилик кўрсатдинг, дея қасд олиш баҳонасида қатл этиши керакми ёхуд агар улар афв сўраса, кечирishi лозими?

Навоий, подшоҳ қолиб бўлганидан кейин мағлублар итоат ҳалқасини бўйнига

олса, афв этиш керак, дейди. Аммо афв сўрамагани ҳам дарҳол ўлимга буюриш — хато, бу жавонмардлик эмас. Ўлдиришга ҳамма вақт улгурасан, бировнинг жонини олишга шшилма, бу ишни, имкони борича, орқага ташла:

*Ани қатл айлардаким жони бор,  
Ҳаял айла ончаки, имкони бор.*

Искандарнинг улуғворлиги шундаки, у мағлуб шохларни ўлдирмади, балки, итоат этганига тахту тожини қайтариб берди. Шу билан адолатпарварлик, карам ва саховат намунасини кўрсатди.

Навоий шу бобдан кейинги "Ҳикмат"да яна бир муҳим масалани кўтаради. Бу — афв ва тарбия масаласи. Одамларни афв билан яхшилик томонга буриш, гуноҳдан қайтариш мумкинми?

Нега ёмон ёмонлигидан қайтмайди, яхши эса ҳеч қачон ёмон бўлмайди?

Бунинг жавоби шуки, дейди Навоий Арасту тилидан, Тангри одамларни яратганда ҳар бирига бир туғма хислат ато этади. Бунинг устига, одамлар фойда кўрмаса, бир ишни қилмайди, яъни одамни манфаат етаклайди:

*Агар худ ғараз нафъи пинҳони йўқ,  
Бировдан бир иш бўлмоқ имкони йўқ.*

Яъни: агар кишида манфаат кўриш мақсади яширинган бўлмаса, у бирор ишга қўл урмайди. Афсуски, ақлли-хушли одамларда бу кучли ривожланган. Лекин, шуниси борки, одамлар жамиятда бир-бирининг хизматидан манфаатдор ва шу зарурат уларни ўзаро боғлаб туради ("Яратилган жамики махлуқот бир-бирига во-баста"). Шундай қилиб, одамларнинг феъл-атвори туғма, бу уларнинг табиатида яширинган.

Шунинг учун ҳам арпа экиб, буғдой умидвор бўлма, нима эксанг, шуни ўрасан, дейди Навоий:

*Қачон сочса туфроққа буғдой биров,  
Йўқ имкониким, ул арпа қилгай даров?*

Ёмондан ёмонлик этади, яхшидан яхши ишлар содир бўлади ва ҳар қайсиси ўз муқофотини олади. Бу — қонуният. Шунинг учун яхшини ёмондан ажратадиган адолатли раҳнаомлар керак.

Албатта, Навоий бунда инсонга (умуман, жами табиатга) хос уч хусусиятни кўрсатиб кетган: 1) одам ахлокига хос кўп жиҳатлар унинг наслида туғма ҳолда мавжуд бўлади ва у умрининг охиригача давом этади; 2) одам боласи, аввало, ўз манфаатига қараб бир ишга киришади, агар ўзига нафи тегмаса, бирор ишга қўл урмайди, яъни манфаат одамни ҳаракатга келтиради; 3) ҳар бир инсон ана шу манфаатларга тўқнаш келади, чунки одамлар худди шунга кўра ўзаро боғланган, бир кишининг манфаати бошқа бир неча кишининг фаолияти билан қондирилиши мумкин.

Шу асосларга кўра, одамлар ўзаро келишиш ва муомала-муносабатда бўлишга мажбур. Яъни кишиларни манфаат бир-биридан ажратади ва айни шу манфаатнинг ўзи уларни бирлаштиради ҳам. Бу — жамият қонуни. Шу қонунни назорат қилиш — одил подшонинг вазифаси.

Искандар бу ҳақиқатни пухта англади ва уни ўзига дастур қилиб олди. Бирок, агар кишиларнинг феъл-атвори туғма бўлса, унда тарбиянинг нима кераги бор? Одамни тузатишнинг иложи бўлмаса, мактаб, муаллим, пир, устоз нима билан шугулланади?

Бу ўринда масала айнан шу тарзда қўйилмаган. Навоийнинг мақсади одам та-

биати ва жамият бўлиб яшаш қонуниятини баён этиш бўлган. Чунки афв масаласи, ўз-ўзидан, нега одамлар турлича, нега улар савоб қолиб, гуноҳ билан шуғулланади, адолатни қўйиб, бир-бирига зулм қилади, деган масалаларни келтириб чиқаради. Арасту ҳақим шу саволларга жавоб берган, холос.

Аслида эса Навоий тарбияга жуда катта аҳамият берган. Зотан, унинг барча асарлари инсон қусурларини кўрсатиб, камолот касб этишга ҳидоят қиладиган тарбия сабоғи ҳисобланади.

Яна шуни эслатиш жоизки, "Садди Искандарий" дostonида инсон табиатига хос туғма хусусиятларни кўрсатишга эътибор катта. Фақат бу "ҳикмат"да эмас, асарнинг бошқа ўринларида ҳам, чунончи, ёшлик ва қариллик, баҳор ва қишда кайфиятнинг ўзгариши, муҳолифатга берилиш ва ҳоқозолар ҳақида соф илмий мулоҳазалар баён этилган. Масалан, йигитликда инсон табиатининг ўйин-кулгига мойиллиги, унинг ибодатни хуш кўрмаслиги ҳақида 36 та тиббий далил билан (36 та тиб истилоҳи ишлатилади) бу ҳислат исботлаб берилади, турли тоифадаги одамларнинг хос табиати тушунтирилади.

### Жамият давлатсиз яшай оладими?

Низомий Ганжавийнинг "Иқболнома" асарига Искандар шимолда Яъжуж Маъжужлар йўлини тошу темирдан девор тиклаб тўсгандан кейин юришни давом эттиради ва йўлда бир обод мамлакатга дуч келади. Серсув яйловлари, боғу бўстонлари беҳисоб, экинзорлари яшнаб турибди. Халқи тўқ, ораста ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Далада молу ҳол, қўй-эчки бисёр, аммо чўпон йўқ; боғларда мевалар фарқ пишган, бироқ боғнинг эшиги ҳам, қоровули ҳам йўқ; шаҳарлар обод, лекин дарвоза йўқ; дўконлар ҳеч қачон беркилмайди. Халқ бир-бирига қариндошдай, туғишган биродардай меҳрибон, дилкаш, иймон-эътиқодда мустаҳкам. Эътиқодларининг асоси тўғрилик ва ростсўзлик, уларга ёлгон, фитнакорлик, найранг каби шайтоний хулқ бегона. Мол-мулкда ҳаммаси баробар. Искандар билан савол-жавобда улардан бири бундай дейди:

*Надорад зи мо кас зи кас мол беш,  
Ҳама рост қисмем дар моли хеш.  
Шуморем худро ҳаме ҳамсарон,  
Нахандем бар гирия дигарон.*

(Бизда бировнинг моли бошқасиникидан ортиқ эмас. Молу мулкда ҳаммамиз тенгмиз. Ҳаммамиз бир-биримизни мартабада тенг деб биламиз, бошқалар йиғлаганда кулмаймиз.) Ҳақиқат, барчамиз бир-биримизнинг аҳволимиздан хабар олиб турамиз, бир-биримизнинг дардимизга ҳамдардимиз, демокчи.

Мамлакатда шоҳ ёки ҳоким йўқ. Искандар улардан: "Нега сизларнинг подшоҳингиз йўқ?" деб сўраганда, улар бундай жавоб беради: "Одамларимиз қаноатли, диёнатли бўлгани учун бир-бири билан мол-дунё, давлат-бойлик деб талашмайди, шунинг учун ўғри ҳам, қароқчи ҳам йўқ. Нафс кетидан қувмаймиз, баравар меҳнат қиламиз, ҳосилдан баравар баҳраманд бўламиз. Эккан бугдойимизнинг бир донаси етти юз дона бўлиб қайтади. Худо бизга кут-барақа берган, биз ҳам Худога таваккал қилиб яшаймиз. Ҳийбат, ҳасаддан холимиз. Ўзгалар айбига эмас, ўз айбимизга қараймиз. Барчамиз мамнунмиз, бутун олам аҳли билан меҳру шафқатда бўламиз, бошқалар бойлигига кўз олайтирмаймиз. Шундай бўлгач, бизга подшоҳнинг нима кераги бор? Подшоҳ низо-жанжалларнинг олдини олиш, табақа-тоифаларни келиштириш, ўғрию каззобларни тутиб, жазолаш учун керак. Бизда эса низо ҳам, ўғри ҳам йўқ".

Бу жавоб Искандарни ҳайратга солади. Одамларнинг хушнуд ва рози-ризо қиёфаси, нажиб ва ибратли хулқ-атвори, меҳнаткашлиги, ижодкорлиги, бир-бири

билан иноқлигини кўриб, ўзи орзу қилган жамият худди шу шаҳар аҳли эканини англаб етади. Зотан, Низомий тасвири бўйича, Искандарнинг жаҳонгирликдан воз кечиби, пайгамбарлик йўлини тутиши, инсоният жамиятини ислоҳ қилишдан мақсади айни шу эди. Жаҳонгир шоҳ ер юзида адонат, тенглик ва эзгу хулқни жорий этмоқчи эди. Шу боис у бу шаҳар одамларининг сўзидан таъсирланиб, шундай дейди:

*Агар сийрат ин аст, мо бар чиём?  
Агар мардум инанд, пас мо киём?*

(Агар ахлоқу одоб, эзгу сийрат шундай бўлса, унда биз нимага арзиймиз? Агар булар чин инсонлар бўлса, унда биз ким бўлдик?)

Искандар назарида бу одамларнинг дини энг мақбул дин, ахлоқи, ишлари эса бутун жаҳонга ёйса арзийдиган. Агар бу одамларни илгари кўрганимда жаҳонгирлик қилишни ҳам, пайгамбарлик даъвосини ҳам йиғиштирардим, барчасидан воз кечардим, дейди Искандар:

*Гар ин қавмро пеш аз ин дидаме,  
Ба гирди жаҳон барнагардидаме...  
Аз ин расм нагзашти оини ман,  
Жуз ин дин набуди дини ман.*

(Агар бу қавмни бундан олдин кўрганимда, жаҳонни кезиб юрмас эдим... Менинг эътиқодим буларнинг эътиқоди, расму одатидан ўзгача бўлмасди, менинг диним фақат шу дин бўларди.)

Искандар йўлида учраган бу хушахлоқ ва покиза одамлар шаҳри, албатта, Низомий Ганжавийнинг хаёлий жамият ҳақидаги орзулари эди.

Хусрав Деҳлавийнинг "Оинайи Искандарий" асарида эса бундай жамият тасвири йўқ. Аммо Абдурахмон Жомий "Хирадномайи Искандарий" дostonида бу ҳақда махсус тўхталган. Жомий Низомий гоёларини қайта бошдан шеърга солиб, риовжлантиради:

*Бар эшон на султон касе, на амир,  
На з-эшон тавонгар касе, не фақир.*

*Баробар ба ҳам қисмати молашон,  
Мувофиқ ба ҳам сурати ҳолашон.*

(Улар устига бирор киши султон ёки амир эмас, улардан бирортаси бой ёки камбағал эмас. Мол-мулклари миқдори ўзаро баробар, аҳволлари — даражалари ҳам баробар).

Ўзаро уруш-жанжал, тортишиш-талашиш ҳам йўқ; биров бировга қул эмас, эшиклари қулфсиз, эшиклари олдида қабр қазиб қўйилган; зулм йўқ, одамлар қаноатли, адонатпарвар, иймонлари мустаҳкам; тенглик бўлгани учун хирс-ҳасад йўқ, деб ёзади Жомий. Шаҳар аҳли эса: "Агар бирор киши муҳтож бўлиб қолса, даров ёрдам берамиз. Худога суюниб, шукр қилиб яшаймиз. Шу боис кам бўлмаймиз", дейди.

Низомийда ҳам, Жомийда ҳам икки нарсага урғу берилганини кўрамыз: мол-мулк тенглиги; жамият аъзоларининг маънавий-ахлоқий етуқлиги. Кўринадики, улуг Шарқ мутафаккирлари жамиятдаги бўлиниш ва айирмачилик, табақа ва тоифалар, мансаб ва даражаларнинг боиси мулкый тенгсизликда, деб билган. Мол-мулкнинг тенг бўлмаслиги уруш-низолар, қонли тортишувларнинг келиб чиқишига бош сабабчи, деб ўйлаганлар. Бу, албатта, ҳақ гап. Шўро давридаги Низомий ва

Жомийга бағишланган тадқиқотларда улуғ шоирларнинг бу гоёлари социализмнинг дастлабки куртаклари деб кўрсатилган. Бундай олиб қараганда, юқорида кўриб ўтганимиз жамиятлар билан социализм гоёлари орасида қандайдир ўхшашлик борлиги сезилади. Аммо орада фарқ ҳам бор. Биринчидан, Низомий ва Жомий хусусий мулкни инкор этган эмас, фақат мулкий тенглик гоёсини олға сурган. Социализмда эса хусусий мулк батамом инкор қилинади. Иккинчидан, Низомий ва Жомий барбарлик ва барқарорликнинг, демак, мулкий тенгликнинг ҳам асоси — покиза ахлоқ ва дину диёнатда, яъни маънавиятда мустақкам туриш, деб таъкидлаган. Холбуки, социализм назариётчилари бунга эътибор бермаган ва динни зарарли унсур деб эълон қилган. Учунчидан, Низомий ва Жомий тасвирлаган жамиятда подшо, яъни давлат ва унинг тизими ҳам йўқ. Социализмда эса диктатура кўринишидаги кучли бошқарув тизими бўлганини биламиз.

Шу боис Шарқ мутафаккирлари гоёларини аллақандай сиёсий “изм”ларга боғлаб тушунтириш тўғри эмас. Бу — инсоният қамолоти ва жамият такомиллашуви учун олиб борилган кураш саҳифалари, орзу-армонлар, хаёл ва тақлифлар, истиқболга мўлжалланган “лойихалар”, яъни улуғ мутафаккирларнинг идеал инсон ва жамият ҳақидаги фикрлари эди. Бироқ бу шунчаки хаёл эмас эди, бундай жамиятни ҳеч қачон амалга ошмайдиган хомхаёл, утопия десак, адолатдан бўлмайди. Низомий ва Жомий қарашлари, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бунгача, юқорида қайд этганимиздай, Маздак тақлиф қилган жамият (VI аср), Абу Наср Форобийнинг “Фозил кишилар шаҳри” (X аср) мавжуд бўлган. Маздак бойлар мулкни тортиб олиб, қашшоқларга бергани билан, мулкий тенгликнинг ахлоқий асосларини ишлаб чиққан эмас, у аъёнлар ва ер эгаларининг беҳад бойликларни қўлда сақлагани ҳолда, қашшоқ аҳолининг азоб чекиши адолатдан эмас, деб ҳисоблайди. Бироқ у шох ва унинг салтанатини ағдаришга чақирган эмас, шохлик тартибини сақлаб, мулкдан тенг баҳраманд бўлишни талаб қилган.

Абу Наср Форобий ҳам давлат ва давлат бошлиғи бўлгани маъқул, деб ҳисоблайди. Фақат давлат бошлиғи (ҳоким) имом даражасидаги етук ахлоқли, доно, шаҳар аҳли — жамият аъзолари ҳам фозил кишилар бўлиши лозим, дейилади. Яъни фозил кишилар фозил раҳбар атрофида уюшиб, унинг амру фармони билан иш қилса, саодатга эришади.

Давлат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги Ғаззолий, Низомулмулк (XI аср) асарларида ҳам тилга олинган. Имом Ғаззолийнинг “Кимёий саодат” асарида давлат раҳбари жамиятнинг юраги, деб таърифланиб, одамларнинг доно ва диёнатли раҳбар атрофида уюшиши Ҳақ таоло хоҳишига мувофиқ, деган гоё ифодаланган. Аммо Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида, адолат, инсоф, тўғрилик ва ҳалоллик каби ахлоқий сифатларга урғу берилса-да, масала реал ҳаёт билан боғлаб талқин этилади ва марказлашган кучли салтанат гоёси қатъий химоя қилинади. Шу асосда шохнинг жасур, доно, тадбиркор ва қатъиятли бўлиши гоёси илгари сурилади.

Низомулмулк қарашлари Амир Темурга маъқул тушган, “Тузуқлар”да бунга ишора бор. “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи Жалолоий”, “Ахлоқи Муҳсиний” китобларида Форобий қарашлари суфиёна-ирфоний маънолар билан кўшиб давом эттирилади, жамият асосларини мустақкамлашда маънавий-ахлоқий тамойилларга алоҳида эътибор қилинади. Аммо бу асарларда ҳам давлатсиз (шоҳсиз) жамият ҳақида фикр билдирилмаган.

Демак, шохсиз саодатли жамиятнинг бўлиши мумкинлиги Низомий ва Жомий қарашларига хос, ҳолос. Бу икки мутафаккир назарида, одамлар комил хулқли бўлса, қаноат ва адолатни, меҳру шафқатни шиор қилиб яшаса, ҳалол меҳнат қилса, юртлари обод бўлиб, ўзлари тўқ ва фаровон ҳаёт кечириши мумкин. Демак, ҳамма нарса ахлоқ ва дину диёнатга боғлиқ. Жомий қарашларида “покиза жамият”нинг ахлоқи суфиёна талқинга эга. Аммо бундай ахлоқ эгалари таркидунё қилган, хилватнишин суфийлар эмас, аксинча, меҳнат қилиб, истеъдод ва қобилияти-

ни ишга солиб, жамиятга фойда келтиришни бурч деб биладиган инсонлар. Бу ерда кўпроқ жавонмардлар жамияти ҳақида гапириш ўринли кўринади. Чунки Жомий тасвирлаган одамларнинг тушунча ва қарашлари, ният ва фаолиятлари, хулқу атвори айнан жавонмардларникига ўхшаб кетади. Шундай қилиб, тенг мавқе, тенг миқдордаги мулкка эга бўлган ва ўзаро биродар ва баҳамжиҳат бўлиб яшайдиган одамлар учун подшоҳга ҳожат йўқ. Бундай жамият кишилари ўзларига тегишли масалаларни кенгашиб, келишиб ҳал қилади. Бундай пайтда давлат ортиқча нарса. Низомий ва Жомийнинг фикри шу. Хўш, Навоийнинг “Садди Искандарий” асаридида бу ҳақда нима дейилган?

“Садди Искандарий”да шохсиз мамлакат ҳақидаги ҳикоя йўқ. Алишер Навоий ушбу ғояга ишора этувчи бирор бир байт ёки тамсил ҳам келтирмаган. Маълум бўладики, Навоий подшоҳсиз раият ва давлатсиз жамиятни тасаввур қилолмайди. Жамият бўлиши учун давлат бўлиши зарур, подшоҳ — олий ҳакам, қонун посбони. Подшоҳ ва лашкар, подшоҳ ва бошқарув тизими халқнинг осойишта ҳаёт кечирishiга кафил, дейди Навоий. У бу масалада қадимги юнон ҳақимлари ва Абу Наср Форобий тарафида. Зотан, “Садди Искандарий” асарининг ғоявий йўналиши, мантиқи шохсиз жамият ҳақидаги фикрни инкор этади. Одамларнинг истеъдод ва интилиши, қизиқиши ҳар хил, демек, уларнинг яшаш тарзи ҳам турлича бўлиши табиий. Буни шоир алоҳида таъкидлаганини юқорида кўрдик, яъни халқ “офаринишда бир” бўлса ҳам, аммо билим ва амалий фаолият, зеҳну заковатда бир эмас, дейди у. Биров ақлли, биров ўта ақлли, биров камақл, биров эса жоҳил. Чунки ҳар бир кишида Оллоҳнинг бир сифати акс этади, сифатлар эса турлича — “икки сифат бирдай” эмас. Шундай бўлгач, ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам одамларни тенг бир ҳолга келтириб бўлмайди. Демак, уларнинг мол-мулки тенг бўлиши амримаҳол. “Садди Искандарий”да мунтазам равишда Арасту “ҳикмат”ларининг келтирилиши бежиз эмас. Бу “ҳикмат”лар, асосан, одамни илмий жиҳатдан ўрганиш асносида лугилган назарий хулосалар ҳисобланади. Шу орқали Алишер Навоий инсонни фақат ирфоний ғоялар, адабий тимсоллар андозасига солиб тасвирлашдан ташқари, уни тиббий-руҳий жиҳатдан ҳам тадқиқ этади, одамга хос табиий хислатлар, унинг феъл-атвори, тийнатиани белгилайдиган туғма хусусиятларни очиб кўрсатади. Нима учун? Чунки бу ҳам Искандарга ибрат эди, жаҳонгир дунё кезиб, муъжизаларни, ажойиботларни ўрганар экан, одам хилқати ажойиботлари, ҳикматини ҳам ўрганиши зарур эди. Зотан, “ҳикмат”ларнинг ҳаммаси — Искандар саволларига жавоблардан иборат. Шу жавоблар орқали Искандар инсондаги хилма-хил сифат ва қусурлар, ҳар бир фардда (индивидда) бўладиган ўзига хос хислатларни билиб олади, ташқи олам каби одамнинг ички олами ҳам турфа товланишлардан иборатлигини тушуниб этади.

Иккинчи жиҳатдан “Садди Искандарий” — тақдир ҳақидаги дoston. Искандарнинг жаҳонгирлиги тақдирнинг қистови экани қайд этиб ўтилди. Аммо фақат бугина эмас, балки асарда бою камбағаллик, шоҳу гадолик ҳам тақдирни азал ҳукми деб тушунилган. Суякларни кўтариб юрган дарвешга қараб Искандар “Сенга факрини берди, менга шоҳликни” (яъни дарвешлик — сенинг тақдиринг, подшоҳлик — менинг тақдирим), дейди. Навоий мулкий тенглик ҳақида эмас, балки шоҳу гадоинг тенглиги ҳақида қайта-қайта тўхталади.

Бунинг маъноси нима?

Бунинг маъноси шуки, Навоий, умуман, мулкка эгалик қилиш билан гурурланиш, мулкнинг киши ахлоқига таъсирини рад этмоқчи бўлади. Шоҳу гадо, очу тўқ, бою камбағал баробар деганда, Навоий инсоний моҳиятни биринчи ўринга қўйиш, инсон қадрү қимматини молу мулк, мансаб-даража билан ўлчамасликка даъват этади. Шу боис у доно дарвешни мамлакат подшоҳидан биланд кўяди. Чунки дарвеш дунё тушунчасидан халос бўлган, маънавият мамлакатини забт этган одам. Қаранг, Навоий фикрининг парвози қанчалар баланд!

Шундай қилиб, мулкий, яъни моддий дунёдаги тенглик шарият наздида ҳам,

тариқат наздида ҳам тўғри эмас. Чунки пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва-саллам “Нега одамлар тенг эмас?” деган саҳобаларга қараб, “Худо сизларни тенг қилиб яратмаган бўлса, мен қандай қилиб тенг қилай?” деб жавоб берганлар ва кафтларини очиб, бармоқларига ишора этганлар. Бундан ташқари, “Агар подшоҳ бўлмаса, одамлар бир-бирини нобуд қилади” деган ҳадис ҳам бор. Шу сабабли ҳазрати расулulloх одил ҳокимлар фаолиятига катта аҳамият берган ва адолатли подшоҳ жаннатий бўлади, деган фикрни кўп марта такрорлаганлар. Кишиларнинг ризқи Оллоҳдан, ризқ эса бир ўлчовда эмас. Қобилият ҳам ҳар кимда ҳар хил. Бировга илми беради, бировга — савдога муҳаббатни, бировга — ботирикни, бировга — шоирликни.

Тариқат ва ирфон аҳли эса дунё касрат — кўплик ва хилма-хилликдан иборат экан, демак, инсонлар ҳам хилма-хил бўлиши керак, бу моддий-табиий оламнинг хусусияти, дейди.

Биз бу ўринда Низомий Ганжавий ва Абдурахмон Жомийнинг инсон саодатини ўйлаб олга сурган улғувор гояларига қарши бораётганимиз йўқ. Айни андишадан узоқмиз. Бу икки зотнинг идеаллари ўз даври нуқтаи назаридан ҳам, ҳозир ҳам ҳайратланарли. Балки келажақда инсоният шунга қараб борар.

Форобий муқобили (варианти), Низомий ва Жомий муқобили, Навоий муқобили замирида ҳам жамиятни тақомиллаштириш, ўзини ўзи бошқаришга имкон, ихтиёр бериш ва шу йўл билан низолар, яширин сиёсий ўйинларнинг олдини олишга эришиш мақсади ётади.

Бизни бу масалада Навоийнинг ўзига хос йўл тутгани қизиқтиргани учун батафсилроқ тўхталиб ўтдик. У давлат бошлиғи, яъни шоҳнинг маънавий етуқлигига катта аҳамият берган, кўп нарса шунга боғлиқ, деб ҳисоблаган. Шу боис Искандар қайси мамлакатга борса, албатта, у ерга одил бир кишини подшоҳ қилиб қўтаради, раиятпарвар бўлиш, зулмнинг йўлини кесишга даъват этиб, подшоҳ ва халқнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини таъкидлайди. Навоий мулкий тенглик ғоясини эмас, балки бойликдан, иложи борича, муҳтожларнинг баҳраманд бўлиши, саховат ва қарам ҳар бир одамнинг ҳислатига айланиши ҳақида ёзади. Шундай қилиб, у жавонмардлик гояларига бошқа томондан ёндашади ва бу тариқатнинг талабларини қизгин тарғиб этади.

Воқеан, тарихда жавонмардлар давлати бўлгани маълум. Унда, Абдурахмон Жомий тасвирлагандек, тенглик ва одил тақсимотгина эмас, шу билан бирга, олтин-қумуш каби зебу зийнатларнинг беқадр бўлгани, биров бировнинг молига мутлақо қарамагани ҳақида ёзилади. Навоий буни биларди, албатта. Бироқ, шунга қарамай, у одил ва ориф шоҳни жамият учун зарур ҳисоблаган.

### **Искандар девори ёки халоскорлик миссияси**

Алишер Навоий ўз асарини “Садди Искандарий”, яъни “Искандар девори” деб номлаган. Аниқки, шоир бу билан Искандарнинг халоскорлик миссиясига алоҳида эътибор берган. Умуман, Искандарнинг юришлари замирида халоскорлик нияти ётади. Албатта, бундай савол туғилиши мумкин: Искандар Зулқарнайн жаҳонгир подшоҳ бўлса, жаҳонгирлик — бошқа халқларни муте қилиш. Ҳамонки шундай экан, бу ўринда қандай қилиб халоскорлик ҳақида гапириш мумкин?

Бошқа юртга борган одамнинг халоскор бўлмалиги — бор гап. Искандар ҳам қудратли подшоҳ сифатида жаҳон халқларини ўзига тобе қилиб, ягона дунёвий салтанат — империя тузиш мақсадида лашкар тортиб, Шарқу Фарбни забт этади. Аммо Низомий, Амир Хусрав, Жомий ва Навоий тасвирига кўра, бу юришлар жойлардаги зolim подшоҳларни адолат йўлига қайтариш, агар бунга қўнмасалар, уларни тахтдан маҳрум этиб, бошқа одил ҳукмдорлар билан алмаштиришга қаратилган. Шу боис Искандар қаерга борса, подшоҳларга насихат қилиб, халққа зулм ўтказмаслик, ўткинчи дунёда ўзини унутмасдан, раиятга қайишиш,

хайрли ва савоб ишлар билан шуғулланишга даъват этади. У турли ўлкаларда ҳар хил махлуқларга, ёввойи одамлар ва одамхўр девларга дуч келади. Обод ўлкаларни ёвузлар ҳужумидан халос этиш, маданиятли шаҳарларни ваҳшийлар вайронагарчилигидан сақлаб қолишни ўз бурчи деб билади. Жумладан, яъжуж-маъжуж деган махлуқлар йўлига девор солиб, жабр кўрган халқни улар зулмидан халос этади.

Низомий Ганжавий ва Амир Хусравда ҳам, Жомий ва Навоийда ҳам яъжуж ва маъжуж (баъзан яъжуж дейилади) дуч келган жонзотни кемирадиган даҳшатли махлуқлар тўдаси сифатида тасвирланади. Навоий тасвирига кўра, улар қиличдан, найза ва ўқдан кўрқмайдиган, сон-саногога этиб бўлмайдиган, ҳатто, ўз жинсдошларининг ўликларини ҳам бир пасда ғажиб, еб, яна йўлда давом этадиган очофат жонзотлар. Улар ғорларда яшайди, йилда икки марта уйғониб, худди чумоли тўдаси сингари инларидан чиқади ва дашту саҳро, водий ҳамда тоғларда нимани кўрса, еб қуритади:

*Неким топиб ул қавм толон<sup>8</sup> этиб,  
Бори шахру кишварни вайрон этиб,  
Киши топсалар айлаб они ҳалок,  
Талошиб емакка этин завқнок...  
Емак бирла худ мутлақо тўймайин  
Ва гар тўйса ҳам донани қўймайин.*

Уларнинг сочлари бўйлари баробар узун, кулоқлари супрадай, “нажас танларини беркитиб ташлаган”, кўзлари ёниб туради, тирноқлари девнинг тирноғидай, юзлари сариғ, қизил туқлари бўртиб чиққан, бурунларини тиллари билан артишади, тишлари шундай ўткирки, тошу ёғочни бир пасда ғажиб, майдалаб юборади. Хуллас, улар жуда жирканч махлуқ. Искандарга бу қавм ҳақида ҳикоя қилган кишилар таърифича, яъжуж қавми атроф-жавонибни еб, яқсон қилгач, ғорларга кириб уйкуга кетади. “Аммо улар уйғонганда, биз уйларимизни ташлаб, тоғу даштларга чиқиб кетишга мажбур бўламиз, аҳволимиз мана шундай оғир, сен бизни шу балодан қутқарсанг, ҳаққингга дуо қиламиз”, деб ёлворади шаҳар халқи.

Яъжуж-маъжуж биринчи марта “Таврот”да тилга олинади (Гог-Магог). Куръони каримнинг “Каҳф” сурасида (83 — 98-оятлар) ҳам бу ҳақда хабар берилган. Шарқ шоирлари, асосан, Куръон хабарига суянган. Куръонда келтирилишича, Искандар Зулқарнайн кун чиқарга қараб қилган юришларида яъжуж ва маъжуж зулмидан азоб чеккан халқни учратади. Улар: “Сенга бож тўлаймиз, бизни шу балодан қутқар”, деб сўрайди. Искандар уларга қараб: “Парвардигорим берган кудратга таяниб, сизлар билан яъжуж-маъжуж орасида бир маҳкам девор қурайин” (18,95), деб бу ишни амалга оширади.

“Садди Искандарий” дostonида айна воқеа тасвири анча батафсил берилган. Искандар яъжуж қавми билан учрашгунча чумолисимон одамлар тўдасини асир олиб, уларни ўлдирмоқчи бўлганда, Мағрибнинг ёввойи қабилалари илтимос қилиб, шохни ниятидан қайтаради. Чунки чумолисимонлар мазкур қабиланинг посбонлари бўлиб, ёввойилар узок уйкуга кетганда, уларни кўриқлар экан.

Қабила аҳли шу музофотда бири олтин, бири қумушдан иборат икки тоғ борлиги ҳақида Искандарга хабар беради. Искандар бориб кўрмоқчи бўлганда, улар, у ерга бориш беҳад мушкул, йўлда хатар кўп, кишини ҳалок этувчи аждарҳо бор, сув йўқ, гармсел эсиб, баданни қуритади, бир даштда беҳисоб илонлар бижғиб ётади, у илонга қараган одам дарҳол ўлади, деб огоҳлантиради. Искандар бу гапларни эшитиб, олтин-қумуш тоғларни бориб кўриш ниятидан қайтади.

Навоийнинг бу ривоятни келтиришдан мақсади — Искандар мол-дунё тўплаш учун юриш қилмаганини яна бир марта таъкидлаш. Агар Искандар кўнглида хази-

на йиғишга иштиёқ бўлганда эди, у нима бўлса ҳам олтин-кумуш тоғини бориб эгаллар ёки шу йўлда кўшини билан ҳалок бўларди. Зотан, тоғлар — нафс тимсоли, бойлик тимсоли. Бойликка интилиш йўли — ҳалокатли йўл, демокчи шоир, унинг илон-чаёнлари, ботқоғу гармсели, даҳшатли қийноқлари бор. Бу йўлнинг азоби — дўзах азобидан ҳам баттар.

Шу билан бирга, яъжуж-маъжуж — тўймас ва тийилмас нафс рамзи. Искандар улар йўлига девор қуриб, балойи нафс йўлини тўсади.

Искандар бу жирканч махлуқларни аввал ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлиб кузатади, улар кўзгалганда ҳеч бир лашкар дош беролмаслиги, уларни қириб, тугатиб бўлмаслигига кўзи етгач, бирдан-бир чора шуки, икки тоғ орасидаги дарани девор қилиб беркитиш билан улардан қутулиш мумкин, деган хулосага келади.

Донишманд ҳақимлар, темирчи ва қурувчи усталарни йиғиб, улар ёрдами билан темир ва пўлатни “хафтжўш” қилиб эритиб, тошлар орасига тўкиб, олти ойда баланд бир девор тиклайди:

*Ки неча минг устоду санъатгаре,  
Тамом эттилар Садди Искандарий.*

Натижада, яъжуж қавми қанча тиришмасин, бу девордан ошиб ўтолмади<sup>9</sup>. Яъжуж-маъжуж — нафснинг жирканч тимсолигина эмас, балки жаҳолат, ёввойилик рамзи ҳам. Улар — маданий ҳаётга ўрганмаган, одамий қиёфа касб этмаган махлуқлар. Яъни, “Оллоҳнинг қаҳридан халқ бўлган” қавм. Демак, Искандар яхши ахлоқ эзгулик ва адолат кўриқчиси, шу билан бирга, тамаддун (цивилизация), кенг маънодаги маданийлашган инсониятнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан бўлади. Буни асарнинг бошқа бобларида ҳам кўриш мумкин. Мағриб заминда (балки Африкадир?) кўп ёввойи қабилаларни, яримянланғоч юрадиган кишиларни учратади. Улар билан баъзан жанглар ҳам олиб боради. Бироқ, шуниси муҳимки, бу қабилалар аҳли таслим бўлгандан кейин Искандарга маданий одамлар каби яшаш, меҳнат билан шуғулланиш, илм-хунар ўрганиш ва Худога иймон келтириб, аввалги ҳайвоний одатларини тарк этишга ваъда беради. Зеро, маданийлашиш аслида одамий моҳият касб этиш деган маънони беради. Зулм ва зўрлик ҳам — маърифатсизлик, маънавий қашшоқлик белгиси. Маънавий юксалиш бора-бора инсон тийнатидан ваҳшийлик ва ҳайвонийлик иллатларини сиқиб чиқаради, уни руҳ ва қалб томон тарбиялаб боради.

### **“Мухолафат мазамматидаким...”**

Алишер Навоий Доронинг мурсага қўнмай, катта қўшин билан Искандарга қарши урушга киришиб, енгилиши муносабати билан одамлар орасидаги кина-ҳасад, низо ва жанжаллар, бир-бирига муҳолифатда бўлишнинг зарарли оқибатлари устида ўй суради. Афсуски, одамлар Доро каби ўнлаб шоҳлар тақдиридан ибрат олмайди, бу фалак қанча султонлар, жаҳонгир ва хонларни кўрди, баридан нишона шу қора тупроқ, холос. Шоир бу ҳақда кўп асарларида тўхталиб, аламли мисралар битган. “Хайрат ул-аброр” достонининг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи мақолатлари, “Садди Искандарий” асари эса бошдан-охиригача шу ҳақда. Бундан ташқари, “Жаҳон қасригадур су(в) узра бунёд” деб бошланувчи таржеъбанди, “Даҳр боғики, жафо шориридир ҳар чамани” деб бошланувчи таркиббанди, “Соқийнома”сида ҳам Навоий дунё бевафолиги ва унга қўнғил боғлашнинг хатолигини бот-бот уқтириб ўтган. Мана шу ўткинчи дунё деб одамлар ўзаро низо ва муҳолифатга киришади, адоват ва душманлик оловини ёқади:

*Адоват ила кинадур ойинлари,  
Туганмас адоват ила кинлари.*

*Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл, —  
Ки бригадур кина қилмоққа майл.*

Бу инсон боласининг ғоят салбий хусусияти, тузалмас иллат, деб танқид қилади улуғ инсонпарвар шоир. Бир касбдаги икки киши, ёнма-ён кўшниллар, ака-ука тортишиб, адоватда бўлади. Шоир шуни қайд этадики, бу нуқсон айниқса аҳли давлат орасида ривожланган. Давлатлар, шоҳлараро адоват бир тараф бўлса, бир давлат ичидаги турли гуруҳларнинг ўзаро кинахоҳлиги, бир-бирининг пайини қир-қишга фитна тигини чархлаб туриши — иккинчи тараф.

Ҳатто, шу даражадаки:

*Қариндош топса қариндошини,  
Дамодам тилаб кесгали бошини.*

Натижада ошнолар — бегона, улфатлар — ўзаро мухолиф, ота ўғилга, ўғил отага қилич кўтаради. Жаҳон мулкига кўз тиккан киши хотиржам, эмин-эркин яшолмайди. "Мулк элидин амонлик йироқ", дейди Навоий. Мухолифатчилик охир-оқибат урушга олиб келади, орада халқ зарар кўради. Уруш кўзғовчилар турли баҳона ва "ғоялар"ни пешкаш қилади, аммо ҳақиқий мақсади бойлик, дунё талашишдан иборат. Бунинг оқибати одамлар англаёлмайди: "Фитна чанги халойиқнинг кўзини тўсиб қўяди, халқ бу чангу тўзон ичида ўзини ҳам тополмай қолади".

*Солиб элга мундоқ набарди<sup>10</sup> бало,  
Ғаҳе қатлу торожу, ғоҳе жало<sup>11</sup>.*

Шундай қилиб, мол-дунё учун мухолифатга киришиш юксак инсоний фазилатга эид. Навоий кишилардаги бу хусусиятни мазаммат этар экан, "ҳикмат" таҳлилида (Арасту тилидан) Искандарга дарс бўладиган аниқ маслаҳатлар беради, яъни, биринчидан, агар мухолифат одамларга хуш келмаса, оқибати зарарли бўлса, биров бу ишни ман этишга чорласа, киши ўзини четга олмасин. Агар ўзини четга олса, кечирилмас хато қилган бўлади. Иккинчидан, агар мухолифат аҳли ислоҳ ва муроасага кўнмаса, қаттиқ ва қатъий далил-сабаблар келтириб, низонинг олдини олишга интилган яхши. Учунчидан, агар бу билан ҳам бўлмаса, унда низога киришиш мумкин, лекин бунда ҳам агар голиб бўлишга кўзинг етса, шундай қадам қўйил. Лекин кўзинг етмаса, юмшоқ сўзлар билан муомала қилиб, муроасага чақирганинг дуруст. Ушбу "ҳикмат" ҳам ҳарбий тактика ва ҳам ҳаётий тадбирни ўзида акс эттиради. Доро муроасага кўнмай, уруш бошлайди, оқибатда енгилди, Искандар тадбир билан Дорони енгиб, дунёга ҳоким бўлади.

Навоий — низоли масалаларни иложи борича тинч йўл билан, келишиб ҳал қилиш тарафдори. Бу — Искандарнинг ҳам хислати. У қаерга борса, мамлакат ҳукмдорига мактуб юбориб, унга уруш-жанжалсиз тобеликни бўйнига олишни маслаҳат беради, лашкар билан тўсатдан бостириб кириб, юртни вайрон қилмайди. Қаршилик бўлгандагина урушга қиради (Кашмир подшоши Малу билан бўлган мунозара бунга ёрқин мисол).

Бироқ Навоийнинг мақсади шугина эмас. У мухолифатчиликни нуқсон сифатида танқид қилар экан, буни инсоннинг фожиаси, табиатидан ўрин олган ноқислиги деб билади. Мухолифат айниқса шоҳлар орасида қучли, деган шоир, ажабки, уни ёш болалар феъл-атвори билан қиёслайди. Зеро, ёш болаларда "меники", "мен зўр" деган тушунчалар кўпроқ. Бундан келиб чиқадики, мухолифат — инсоннинг балоғатга етмаганини нишонаси. Маънавий балоғатга етган, дунё моҳияти, умр мазмуни, инсоний бурч маъноларини теран англаган сари одамлар бу низоларнинг маънисиз, арзимас эканини тушунади. Искандар Навоий талқинида ана шуни англаган жаҳонгир подшо эди.

### Ҳам набию, ҳам валию, ҳам ҳаким

“Хайрат ул-аброр”нинг ўн тўртинчи мақолатига тамсил тариқасида Искандарнинг жаҳонгирлик саргузашти қисқача ҳикоя қилинар экан, охирида Искандарга таъриф бериб, Навоий ёзади:

*Ҳам шоҳ ўлуб, ҳам валию, ҳам наби,  
Ҳикмат ила ҳам туз ўлуб машраби.*

Шу мазмундаги байтни “Тарихи мулуки Аҷам” асарида ҳам ўқиймиз:

*Вилоят била ҳикмату шоҳлик,  
Нубувват ишидан ҳам огоҳлик.*

Шу нуқтаи назардан “Садди Искандарий”га мурожаат қиламиз. Бу асар охирида ҳам Искандар куруклик ва сув дунёсини сайр қилиб, мамлакатларни эгаллаб, амалга оширган ишлари, ихтиро этган ажойиботлари (оламини кўрсатадиган кўзгу, устурлоб ясагани), яъжуж йўлига девор қуриб, мазлум элни қутқаргани хусусида яқуний бир боб ажратар экан, шоир шундай қайд этади:

*Жаҳон ичра мундоқ топиб шоҳлик,  
Нечук шоҳлик, дониш огоҳлик,  
Валоятдин илгида қувват доғи,  
Нечунким валоят, нубувват доғи.*

Демак, Искандарда тўрт сифат — тўрт мақом мужассам. Булар: шоҳлик, ҳакимлик, валилик ва набилик.

Шоҳ бўлганда ҳам оддий бир мамлакат шоҳи эмас, балки жаҳон подшоси. Ягона дунё салтанатининг ҳукмдори!

Бироқ бу мартаба унга ўз-ўзидан насиб қила қолгани йўқ. Жаҳонгирлик гарчи унинг тақдирида ёзилган бўлса-да, аммо бунга у чуқур билими, ҳикмат ва фалсафадан чуқур хабардорлиги, маънавий-ахлоқий камолоти туфайли эришади. Чунки у малойиксифат, илоҳий замирли одам. (“Вужудинг Ҳақ этмиш малойиксифот, Ки сенсиз даме бўлмасун коинот”). Искандар дунёга даҳшат солган қирғинбарот жанглар, талон-торож, гораггарлик билан хазина йиққан жаҳонгир эмас (албатта, аслида Александр Македонский ҳам гораг ва талончиликда бошқа жаҳонгирлардан қолишмаган, лекин Навоий тасвирлаган Искандар — бутунлай бошқа), балки у дунёни ҳикмат билан олиб, адолат ва тadbир асосида бошқариш намунасини кўрсатган киши. Арасту, Афлотун каби ўнлаб илоҳий ҳакимлар унга маслаҳат бериб, илму дониш ўргатади ва илмни амалиётга татбиқ этади.

Натижада Искандар жаҳонгирлик билан керилиб, ўзидан кетмайди. Худодик даъво қилмайди, аксинча, қудрати қанча кўпаймасин, шунча ўзини ҳақир ва ожиз ҳис қилаверади — дунёнинг бевафолигию умрнинг бебақолигини тушуниб этади. Шоҳлик унинг учун зўрлик ва ҳукмронлик воситаси, мумтозлик белгиси эмас, балки халқ ва Ҳақ олдидаги вазифа, бурч эди. Искандар бирор ерда ўз шахсини бошқалардан юқори қўймайди (ҳолбуки, асарда у ақлу заковатда мукамал бир инсон сифатида кўринади), билъакс ҳар доим ўзини оддий фуқароларнинг бири деб таърифлайди.

Баъзи тадқиқотларда Навоий тасвирида Искандар ижобийликдан салбий томонга қараб ўзгариб боради, яъни бошида тахтти рад этган шахзода, кейин эл қистови билан тахтга чиққач, жаҳонгирликка ружу қўяди, тинмай юришлар уюштиради, унинг адолат ҳақидаги гаплари ҳам эсдан чиқиб кетади, деган мазмундаги

фикрларга дуч келамиз. Аммо аслида бундай эмас. Искандар “Садди Искандарий”да моҳиятан ўзгармайди, яъни унинг тахту тожга бепарволиги охиригача сақланади. Жаҳонни олганда ҳам у дунё, молу мулк, тахту тож бир кунлик ташвиш ва ғамингга арзимайди, деган гадо дарвешнинг ҳикматини эсидан чиқармайди, балки бунга кўпроқ икром бўла боради. Мана, унинг ўлими олдидан онасига ёзган хатидан бир парча:

*Фамимда алам ҳузнидин фард бўл,  
Бори олам аҳлига ҳамдард бўл.  
Неча сарвару бахти фархундасен,  
Алар бандадур, сең дағи бандасен.  
Керак бандага иш сарафкандалик,  
Не Ҳақдин келур айламак бандалик,  
Неким Ҳақ ризоси — ризоманд бўл,  
Қазо ҳар неким қилса, хурсанд бўл.*

Шунинг учун Искандар қўлини тобутдан чиқариб қўйишни васият қилади, токи олам аҳли кўриб ибрат олсин:

*Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,  
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи...  
Кафи ичра олди жаҳон кишварин,  
Бару баҳрнинг<sup>12</sup> лаъл ила гавҳарин.  
Чу урди ажал илги табли раҳил<sup>13</sup>,  
Бақо бўйнига солди ҳабли раҳил<sup>14</sup>.  
Жаҳондин шал илги<sup>15</sup> мисоли борур,  
Нечукким чинор илги — холи борур.*

Жаҳондан ҳеч нарса олиб кетолмайсан, шу боис дунёга қаттиқ кўнгили боғлама — бу ғоя Шарқ мутафаккирлари асарларига чуқур сингиб кетган.

Мелоддан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарида тартиб берилган “Библия”нинг “Воиз” (“Екклiaст”) китобида “ой остидаги олам нарсалари арзимас, ҳамма нарса ҳечдир, ҳеч нарса қалбни овутмайди” деган сўзлар мавжуд. Бу ғоя Фирдавсий “Шоҳнома”сида ҳисобсиз урушлардан сўнг қайта-қайта такрорланади. Аммо “Бунинг эвазига инсон таянадиган нима бор?”, “Ҳаётнинг, умрнинг маъноси нима?”, “Инсон нимада ўзини кўрсатиши керак?” деган саволлар ҳам донишманд аждодларимизни кўп ўйлантирган.

Алишер Навоий учун бу саволларга жавоблар қуйидагича: 1) умрни савоб ишларга бағишлаб, яхшилик билан ном қозониш; 2) дунё неъматларидан бахраманд бўлиб, бошқаларга ҳам ёрдам бериш, саховат ва адолатни унутмаслик; 3) илму ҳикмат ўрганиш, эл-юртни обод қилиш; 4) Оллоҳни ёдда тутиш, унинг амрларини бажариш ва илоҳий маърифатга етишиш учун жидду жаҳд қилиш. Шунда одамнинг умри беҳуда ўтмайди, инсон ўз бурчи, бу дунёдаги миссиясини адо этади ва бир кун келиб афсус-надомат қилмайди.

Ана шу маъноларни англашда тасаввуф таълимоти ёрдам беради. Искандар орифона суҳбатларни берилиб тинглайди, оламга орифнинг басират кўзи билан қараб, Оллоҳ сирини, унинг зоти ва сифатини англай бошлайди, сифат тажаллиси нуридан бахраманд бўла бориб, Зот қудратини мушоҳада этади.

Ровийлар ривоят қилади ва тарих аҳли ҳам шунга қўшиладики, дейди Навоий “Садди Искандарий”да, Искандар ҳам вали (комил инсон) ва ҳам наби (пайғамбар) бўлди. Бунинг далили шуки, у оламни сайр қилиб чиқди. Муҳити аъзамни ҳам кезиб, сув ости ва қуруқликдаги ажойиботларни кўрди, бу йўлда риёзатлар чекди:

*Риёзат бaсе чeкмиш эрди тани,  
Толиб тафсия<sup>16</sup> хотири равшани.  
Бўлуб сайр итмоми<sup>17</sup> топқоч мақом,  
Иши ҳам сулук<sup>18</sup> ичра бўлди тамом.  
Вилоят мақомида толиб ўзин,  
Нубувват чароғи ёрутти кўзин.*

Демак, Искандар юришлари суфий сафарига тенглаштирилар экан, унинг риёзати ҳам суфий (солиқи тариқат) риёзатига тенг деб қаралган. Бу риёзат Искандар қалби ва тафаккурини тозалайди, мусаффо этади, натижада қалби Оллоҳ нури билан равшанлашади. Сайр охирида мақомга эришгач, унинг ҳолати худди тариқат тарбиясини олган солиқниқига ўхшаб қолади, бошқача айтганда, у гўё тариқат йўлини босиб ўтгандай бўлади. Шундан кейин у ўзини валилик мақомида кўради ва пайғамбарлик чироғи кўзини равшан этади.

Искандар сув остига тушганда, дунё пардаси кўзидан кетиб, ғайб илмини кашф этади, "анга барча махфий падидор (аён) эди", дунёни кўзгуда кўргандай мушоҳада этарди, деб ёзади Навоий.

Шундай қилиб, жаҳонгир шоҳ ориф дарवेशга айланади, аниқроғи, орифлик мартабасига кўтарилади. Искандар учун бу жаҳонгирликдан ҳам афзал бўлган улуг саодат эди. Халқ ҳам унинг сиймосида шоҳлик, ҳақимлик, валилик ва набилик акс этганини кўриб турарди:

*Билиб халқ шоҳи музаффар они,  
Ҳақиму валию паямбар они.*

Искандарнинг донишманд файласуф (ҳақим) ва пайғамбарлиги Низомийнинг "Иқболнома" асарига зикр этилган, Жомийда ҳам унинг пайғамбарлигига ишора бор. Аммо Жомий донишмандлик (хирадмандлик) сифатига кўпроқ ургу беради. Навоийда ҳар тўрт сифат бирга олиб қаралган, муҳими шуки, бу сифатлар бири-бирига боғлиқ деб тушунилади. Навоий наздида, ҳақимлик ҳам, валилик ва набилик ҳам огоҳлик нишонлари бўлиб, бу уч сифат кишида Парвардигорни ва ўзини таниш орқали пайдо бўлиши мумкин. Агар шоҳ огоҳ бўлса, демак, у бундай юксак сифатлар соҳиби бўла олади.

Искандарнинг пайғамбарлиги ҳақида Қуръонда ишора йўқ. Тилга олганимиз "Каҳф" ("For") сурасида Тангри таоло Мусога қараб бундай дейди: "Ва сендан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Дегил, биз унинг аҳволидан сизга хабар берамиз. Ҳар жиҳатдан биз уни ерда қудратлантирдик ва ҳар нарсага (эгаллашга) йўл очдик ва унга йўл кўрсатдик, токи офтоб ботадиган жойгача борди..." (83 — 86-оятлар).

Демак, Искандар Худонинг азму иродаси билан қудратли подшоҳ бўлгани айтилади, аммо унинг пайғамбарлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Искандарга пайғамбарлик мақомини бериш Низомийга, балки унинг жаҳонгирлик гоёсини оқлаш учун керак бўлгандир, чунки шу орқали нафақат дину диёнат ўрнатиш баҳонаси, балки адолатни жорий этиш, оламни зулмдан халос қилиш гоёси ҳам мантиқий жиҳатдан асосланган кўринади. Навоийнинг Искандаридаги пайғамбарлик, аллақандай номинал унвондай туюлади. Яъни, валилик рутбасини эгаллаган одамда набилик ҳам бўлади, дегандай. Чунки Искандар Навоийда бирор бир динни тарғиб қилувчи ёки янги шарият жорий этадиган одам сифатида кўринмайди<sup>19</sup>. Искандарнинг ўз ўлимини олдиндан билгани ва тушида кўрган манзара — олтин рангдаги осмоннинг зарҳалланган аскар совути бўлиб чиқишини валилик қаромати дейиш мумкин.

Бу ўринда бошқа жиҳатга диққатни қаратмоқчимиз: ҳикмат билан тасаввуф, ҳақимлик билан валилик ўзаро мувофиқ келадими? Зеро, суфийлар файласуфларга рақиб деб қараган, фалсафа ақлга суянади, ақл эса Оллоҳ илмини билишга

қодир эмас, деб, ўзларини файласуфлардан ажратиб кўрсатишга интилганини биламиз. Навоийнинг ўзида ҳам бу гоё бор, буни унинг форсий қасидаларида яққол кўриш мумкин.

Бироқ “Садди Искандарий” дostonида Алишер Навоий ҳикмат билан тасаввуфни қўшиш тарафдори бўлиб чиқади. Чунки бунда фақат назарий ҳикмат эмас, балки амалий ҳикмат, яъни ахлоқ илми эътиборга олинган. Ахлоқ илми эса тасаввуф билан мазмунан яқинлашади.

Бундан ташқари, бу ўринда гап Искандардай шахс устида бораётганини унутмайлик. Буюк шахснинг қамрови ҳам буюк, унинг фикр доираси, қизиқиш олами кенг. У — подшоҳ, подшоҳ эса — амалиётчи. Искандар ҳам назарий-илмий масалалар билан қизиқади ва ҳам шу асосда хулоса чиқариб, уларни амалиётга жорий этмоқчи бўлади.

Хуллас, Искандар ўзида ҳақимлик ва валиликни бирлаштира олган экан, демак, бу икки соҳа бир-бирига мутлақо зид бўлмасдан, бир-бирини тўлдирадиган, ривожлантирадиган тафаккурий йўналиш бўлиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Ориф инсон ҳикмат билан қанча кучли қуролланган бўлса, илоҳий илмга ҳам шунча чуқур кириб боради. Қизиқи, файласуфларнинг кўпчилиги орифона бўлиш турини инкор этмаган. Қадимги юнон олимлари Сукрот, Афлотун, ўзимизнинг алломалар — Форобий, Ибн Сино, Носириддин Тусий шундай кишилар эди. Ўз навбатида атоқли шайхлар Абусаид Абулхайр, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий тасаввуфни ҳикмат билан қўшиш тарафдори бўлган.

Чунончи, Жалолиддин Даввоний (1424 — 1502) “Ахлоқи Жалолий” асарида мана бундай ёзади: “Инсон камолоти икки нарса билан боғлиқ: бири ҳикмати болиға<sup>20</sup> бўлса, иккинчиси қудрати фозиладир<sup>21</sup>. Ҳикмати болиға илмий камолотдан иборат бўлса, қудрати фозила амалий камолотдан иборат.

Баъзилар ҳикматни фақат мавжудотнинг аҳволига тегишли (яъни табиатга хос), унинг инсон нарси (ахлоқи) билан алоқаси йўқ, дейди, яъни нафсдан ташқари ҳисоблайди... Лекин бундай эмас. Ҳикмат асл маъносида тўғрисузлили ва фаолиятдаги тўғриликини англатади. Шундай экан, у ўз-ўзидан инсон ахлоқи билан алоқадор. Шу нарса аниқки, инсон амалиётсиз, қуруқ назарий илмнинг ўзи билан камолга эриша олмайди...

Ахли назарни (ақлий билим эгаларини) — уламо (олимлар) ва тасаввуф аҳлини урафо (орифлар) дейишади. Уларнинг йўли бошқа-бошқа бўлса-да, лекин ҳар икки тоифа ҳам, ҳақиқий ҳақимлар ҳисобланади. Балки кейинги тоифа кўпроқ камолот даражасига эришар. Чунки улар ладуний илми Унинг (Худонинг) даргоҳидан олади. Улар анбиёга яқин ва меросхўр. Ҳар икки йўл охир-оқибатда ўзаро мақсадга яқин. Иккала йўл тадқиқотчилари орасида ҳеч бир ихтилоф йўқ<sup>22</sup> ва ҳақимлардан (файласуфлардан) ҳеч бири суфийлар йўлини инкор этган эмас.

Суфийлар ҳам олимларга муҳтож, зеро, агар солиқ расмий илмдан батамом холи бўлса, ифрот (ҳаддан ошиб кетиш) гирдобидан ва шариат билан ҳикмат орасидаги муҳолифатдан ҳам халос бўлолмайди. Эътидол — ўрталикни тутиш зарур, бўлмаса, иш ривож топмайди...”

### Мавзунинг давоми ёки айрим хулосалар

Кўринадики, Жалолиддин Даввоний назарида ирфон билан ҳикмат<sup>23</sup>, ҳақим билан вали, файласуф билан дарвеш — моҳиятан ўзаро яқин. Айтиш мумкинки, ҳақимда валилик ва валида ҳақимлик хислатлари мавжуд. Шундай экан, уларни бир-бирига зид қўйиш, файласуфни суфийнинг рақиби дейиш ҳам тўғри эмас. Шу ўринда Ибн Арабий шогирди ва Жалолиддин Румийнинг суҳбатдошларидан бўлган Шайх Садриддин Кунявийнинг сўзларини келтириш жоиз.

Шайхдан сўрашдики: “Қаердан қаёққа борасиз ва ўртада нима ҳосил бўлади?” Шайх жавоб бериб, бундай деди: “Илмдан асл манбага борамиз, ўртада ҳосил

бўлгани — дунёвийлик ва илоҳийлик ҳукми билан зоҳир бўлган икки тарафни бирлаштирувчи нисбатни янгилаш" (*Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдли. 17-жилд. "Насойим ул-муҳаббат..."*, Т., 2001, 397-бет). Яъни, Оллоҳни — асл манбани илм билан билиш мумкин, дунёни ўрганувчи илм Илоҳ илмига пой-девор, бу икки тушунчада (дунёвийлик ва илоҳийликда) зоҳир бўлган илмлар — аслида бир, улар нисбатини чуқур англаган, тўғри белгилай олган кишигина мақсадга эриша олади.<sup>24</sup>

Шу маънода, Алишер Навоий ўз асарларида Афлотун ва Арастуни "ҳақими илоҳий" деб тилга олади, бу икки донишманд Искандар учун нафақат илму ҳикмат ўргатадиган устоз, балки руҳоний раҳбар ҳам эди.

"Ахлоқи Жалолоий" муаллифи Абу Наср Форобийнинг фикрларини ривожлантиргани кўриниб турибди. Зеро айнан Форобийнинг "Фозил кишилар шаҳри" асарида набилик, валилик ва ҳикмат, дин ва фалсафа орасидаги яқинлик масаласи кўтарилган. Улуғ файласуф фозил шаҳар ҳоқими сифатларини таърифлар экан, унда илоҳийлик қудрати ва дунёвий илму дониш мужассам бўлиши шарт, дея уқтиради.

Маълум бўладики, Форобийнинг утопик жамият ҳақидаги қарашлари XV асрга келиб қайта жонланган ва мутафаккир зиёлилар фикрини банд этган. "Садди Искандарий"да бу қарашларнинг таъсирини сезиш мумкин.

Абу Наср Форобийга кўра, набиликнинг биринчи белгиси — донишмандлик, яъни файласуф бўлиш. Зотан, Тангри таоло пайғамбарларни халққа раҳнамо қилиб юборар экан, уларга улуғ заковат, тенгсиз ақл ва ирфоний қувват берган бўлади. Воқеан, "ҳаким" — Оллоҳнинг исмларидан бири. "Ҳикмат" деганда ҳам шарияту тариқат ахли кўпроқ Оллоҳ ҳикматини кўзда тутлади. Куръоннинг ўзи ҳам кўп сура-ларда "Ҳикмат китоби", "Оллоҳнинг ҳикмати" дея кўрсатилади. Оллоҳнинг чексиз илми, сиру асрори, мўъжизаларини унинг ҳикмати деймиз. Олам ва одам ҳам — Оллоҳ ҳикматининг кўриниши. Демак, пайғамбарлар, ҳакимлар, орифлар Оллоҳ ҳикматини қабул қилиб, билиб олиб, ҳаётга жорий этувчилар ҳисобланади. Зотан, адолат ҳам — Оллоҳ ҳикмати. Оллоҳ ҳикмати шудирки, олам — бутун, доимий ҳаракат ва мувозанатда, ҳамма ва ҳар бир нарса ўз ўрнида. Шу боис жамиятдаги адолат ҳам илоҳий ҳикмат асосига қурилиши керак, буни ҳакимлар ва набилар, яъни ақли фаол эгалари амалга ошира олади.

Навоий наби ва ҳакимлар тарихини битта китоб қилиб, уни "Тарихи анбиё ва ҳукамо" деб номлаган ва бунда диққатни тортадиган жиҳат шуки, асарда Луқмони Ҳаким икки жойда тилга олинади: бир марта набилар қаторида ва иккинчи бор ҳакимлар сирасида. Навоий шу муносабат билан бундай ёзади: "Тарих ахлидан баъзи ани ҳукамо силқида (қаторида) мазкур қилибтурлар ва кўпрак эл ани пайғамбар дебтурлар. Ва баъзи ривоятда шундоқдурки, нубувват ва ҳикмат орасида муҳбир (хабар келтирувчи) қилди" (*Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд, Т., 1968, 231-бет*). Демак, Луқмон — ҳакимлик (донишмандлик) билан пайғамбарликни бирлаштирган шахс, Худо унга ҳар икки жиҳатни насиб этган.

Яна бир жиҳат жуда муҳим. "Садди Искандарий" дostonининг бошида тахту тожни тарк этган ва дарвеш маслагини қабул қилган шахзода ҳикояси келтирилса (1-ҳикоят ва 1-ҳикмат), асарнинг охирида Луқмон ҳикояти билан Луқмон сўзларига асосланган сўнгги ҳикмат келтирилган. Луқмон-тиладан келтирилган фикрлар дарвеш бўлган шахзода фикрларига ҳамоҳанг. Луқмон ҳам дунё ва унинг бойлиги улуғ илоҳий маънавият олдида арзимаслигини уқтиради. Шунча илминг билан вайронада яшамай, шохона муҳташам қошоналарда яшасанг ҳам бўларди-ку, деган саволга Луқмон бундай жавоб беради:

*Ки чун қилмадим майл оламга ҳеч,  
Мени ул дағи солмағай ғамга ҳеч.  
Муни кўрки даврондин элтур чоғи,  
Олур мендин ушбу бузугни доғи.*

Асардаги барча ҳикоялар каби, бу ҳикоя ҳам — Искандарга танбеҳ ва олам аҳлига ибрат. Чунки шундан кейин Искандарнинг вафоти ҳақидаги боб келади ва у билан асар якунланади. Яъни, Искандар шунча буюклиги билан ажал кўлида ожиз, дунё на унга, на бошқага вафо қилади, деган фикр илгари сурилади. Аммо Искандар, таъкидлаганимиздек, бу маънолардан беҳабар киши эмас, у буларнинг ҳаммасини англаган, қалби огоҳ, “ҳакиму валию наби” мақомларини эгаллаб олган одам эди.

Шундай қилиб, қадимги юнон олимларидан (Афлотун, Арасту) Форобийга ва ундан Навоийгача етиб келган орзу бўртиб намоён бўлади: подшоҳ донишманд ва илоҳий ҳикмат эгаси бўлиши лозим! Афлотун фикри: “Бешак файласуфлар подшоҳ бўлиши даркор”. Арасту эса бундай дейди: “Гарчи мансаб донишманднинг иши эмасдур, мансабни донишманд шахсга топширмақ афзал”.

Абу Наср Форобий қайдларидан: “Хукмдорларнинг сифатлари қаторидан фалсафий тафаккурга эга бўлиш зарурлиги жой олиши лозим”. Бу ғоя Шарқда асардан асарга, рисоладан рисолага кўчиб келган. Бунда икки жиҳат бор: бири донишманд-ҳакимга тожу тахти бериш (Афлотун ва Арасту фикри), иккинчиси — подшоҳни донишманд-ҳаким қилиб тарбиялаш (Форобий фикри).

Алишер Навоий кейинги фикр тарафдори, чунки Искандар тахт вориси сифатида шоҳлик мансабини эгаллайди ва шу билан бирга, у донишманд ва ориф инсон сифатида вояга етади. Умуман олганда, Навоий дунёқарошига юнон файласуфларининг кучли таъсири бор (Бу ҳақиқат Фозила Сулаймонованинг “Шарку Фарб” деган тадқиқотида яхши очиб берилган). Шоир ислоний-ирфоний ғояларни фалсафий ҳикматлар билан омухта этиб, инсоният тафаккури мевалари ахлит бутунлик эканини исботлаган. Улуғ шоир тасвирлаган Искандар сиймосида бу ҳақиқат мужассам. Искандар асли юнонлик бўлса-да, лекин у ҳинд, чин, форс илмини ҳам эгаллаб боради, дунё донишмандлари ҳикматидан фойдаланиб, яъжуж балосини даф этган деворни қуради. Қанчадан-қанча ривожланмаган, маданиятдан орқада қолган қабила ва қавмлар орасига илму ҳикмат, дину диёнат зиёсини ёйиб, уларни инсоний ҳаёт кечиришга ўргатади.

Шундай қилиб, “Сади Искандарий”да мамлакат раҳбарининг асосий тўрт сифати ҳақидаги қадимий қарашлар акс этган: 1) раҳбар донишманд (файласуф) бўлсин; 2) раҳбар қонун тарафдори бўлсин; 3) раҳбар кўлида ҳокимият бўлсин ва 4) раҳбарда имомлик (раҳнамолик) хислатлари бўлсин. Бу, аслида, фозил шаҳар ҳокимининг сифатлари, чунки Абу Наср Форобий санаб ўтган ўн икки хислат шу тўрт сифат ичига қиради. Ҳазрат Навоийнинг ҳоким, ҳаким, вали ва наби деган сифатлар ҳақидаги фикрлари ҳам шунга уйғун.

Искандарнинг қонун ижодкорлиги адолат ва инсофни барқарор этишида кўринса, имомлиги халқ дилига йўл топиб, одамларни ўзига эргаштира олишида намоён бўлади. Хуллас, дониш ва ҳикмат, шахсий қобилият ва илоҳий қудрат уни дунё халқларига подшоҳ ва раҳнамо бўлишга олиб келади.

Навоийнинг бир хулосаси шу.

Аммо Искандар дунё молига ҳирс қўймайди, ҳаминша дарвештабиат бўлади, бойликларини сахийлик билан бошқаларга тарқатиб, ўзгалар шодлиги ва бахтини ўйлайди, унинг жаҳонгирлиги орифнинг сарфаридай — дунёни англаш учун сарфараг чиққандай гап эди.

Навоийнинг иккинчи хулосаси шу.

Бирок жаҳонни олган Искандардай улуғ шох, “ҳакиму валию наби” ҳам дунёдан “холи илик ила” кетди. Бундан барча ибрат олсин, одамлар бу дунёда бир-бирига зулм қилмасин, мол-дунё деб бир-бирини қирмасин, ҳасад ва ҳирс ўтини ёқиб, мамлакат бошига фалокат келтирмасин.

Навоийнинг учинчи ва асосий хулосаси шу.

Достонда бошидан-охиригача шоҳу гадо, ҳокимият ва маънавиятни қиёслаб боришдан мақсад ҳам шу эди. Навоий назарида, илму ҳикмат ҳокимиятнинг даст-

ёри эмас, балки — раҳнамоси, қудрати. Искандар — халқлар подшоҳи, аммо у халқ билан бирга ва халқ дардига шерик, мушкулларни осон қилувчи халоскор ҳукмдор. Шу асосда Навоий тасаввуф ғояларининг эзгуликка хизмат қилувчи жиҳатларини кўрсата олган.

“Садди Искандарий” достони охири фожиали тугаса ҳам (Навоийнинг бошқа асарлари сингари), аммо унда ҳаётни фалсафий таҳлил қилиш етакчилик қилади. Навоий: 1) ота ва бола; 2) шоҳ ва раият; 3) шоҳ ва лашкар; 4) шоҳ ва аъёнлар; 5) устоз ва шогирд; 6) шоҳ ва дарвеш; 7) ҳикмат ва ҳукумат; 8) донишмандлик ва амалиёт; 9) тақдир ва тадбир; 10) инсон ва Худо; 11) адолат ва жавонмардлик каби ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий масалалар устида мушоҳада юритади, инсон табиатини теран таҳлил қилади.

Аммо мутафаккир шоир асар марказига қўйган бош ғоя бу — **ибрат ва огоҳлик**. Шу маънода, асар сўнгидаги маҳзунлик кучли ҳаётсеварлик оҳангига эга. Илоҳийлик ва дунёвийлик, рационализм ва иррационализм, дидактика ва тасвирийлик, ҳикмат ва ҳикоят усуллари ҳамда йўналишлари асарда ўзаро қўшилиб кетган. Шоир тафаккури қатламларининг кўплиги ва теранлиги кишини хайратга солади. Искандар адолат ва ҳикматга таянган жаҳон салтанатини тузади. Бу ғоя италян шоири Алигьери Данте ижодида ҳам бор. Унинг “Монархия” асари шу мавзуга бағишланган. Бироқ Данте “Монархия”си жаҳоний эмас, балки бир мамлакатда ақлу заковат тантана қилган шоҳлик сифатида тасвирланган. Навоий Искандари эса бутун дунёда адолатли, орифона жамият — жавонмардлар салтанатини барпо қилади. Искандар ҳеч ерда ўз мамлакатини урф-одатини жорий этмайди, эгаллаган жойларидан молу мулкни зўрлик билан йиғиштириб олиб, Юнонистонга жўнатмайди. Ўз тилини зўрлаб ўргатмайди, маҳаллий халқларни камситмайди. Аксинча, улардан кўп нарса ўрганади ва айни вақтда уларга нимадир ўргатади, яъни башарий билим, тажрибаларни жамлаб, яхшиликка хизмат қилдиради. Демокримизки, Искандарда мустамлакачилик хусусиятлари кўринмайди. У таъкидлаганимиздай, халоскор подшоҳ.

Улуғ Навоийнинг улуғвор нигоҳи — мана шундай хайрли, умуминсоний ва теран. Шу боис ҳам “Садди Искандарий” дунё адабиётининг шоҳ асарларидан бири деб тан олинган.

## Илова

<sup>1</sup> Кулоҷ — ёғли ширин кулча

<sup>2</sup> Мувосо — тенглик

<sup>3</sup> Жунун аҳли — жиннилар

<sup>4</sup> Итлоф — нобудгарчилик

<sup>5</sup> Замон — қўриқчи, кафил, посбон

<sup>6</sup> Ўқсук — кам, оз

<sup>7</sup> Даров — ўриш

<sup>8</sup> Толон — ғоратгарлик, талаб кетиш

<sup>9</sup> Баъзи тадқиқотчилар яъжуж-маъжуж айни мўғул қавми бўлса ажаб эмас, зеро “Искандар девори” аслида Хитой ҳақидаги тасаввурларни эслатади, хитой девори эса мўғул тўдаси хавфининг олдини олиш учун қурилган, дейди.

<sup>10</sup> Набард — жанг, уруш

<sup>11</sup> Жало — қочиш, маҳрумлик

- <sup>12</sup> Бару бахр — қуруқлик ва денгиз  
<sup>13</sup> Табли раҳил — урмоқ; кўчиш, кетиш ногорасини чалмоқ  
<sup>14</sup> Ҳабли раҳил — судраб кетиш арқони  
<sup>15</sup> Шал илги — шол кишининг қўли  
<sup>16</sup> Тафсия — софланиш  
<sup>17</sup> Итмом — тамом, охир  
<sup>18</sup> Сулук — тариқат йўли  
<sup>19</sup> Тўғри, Навоий достонида Искандар “зардушт дафъига гулу” қилгани, “Мақка азми”да Каъбани кўргани (Каъба Иброҳимдан қолган) ҳақида йўл-йўлакай қайдлар бор. Бир ўринда мана бу байт келади:

Қилиб элга ирсол ўз динини,  
Тузуб мамлакат зебу ойинини.

Лекин Искандар келтирган дин қанақа, қайси шариатга асосланади? Бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Искандарнинг “Авесто” нусхаларини нобуд этгани, оташкадаларни бузгани тарихдан маълум. Аммо бунинг ўрнига бирор бир дин жорий этгани ҳақида маълумот йўқ. Воқеан, у замонда Искандар ватани Юнонистонда кўпхудолик ҳукмрон эди. Албатта, яна қайтарамиз, Навоий Искандари тарихий Искандардан тубдан фарқ қилади, бу — мусулмон шоири нигоҳи билан яратилган бир бадиий тимсол. Шунга кўра, дostonдаги Искандарни мусулмон деб аташ мумкин бўлмаса-да, бирок уни яккахудолик (тавҳид) ғоялари тарафдори деб билмоқ мумкин.

- <sup>20</sup> Болиға — комил, етук, ҳикмати болиға — етуклик илми (назарий илм)  
<sup>21</sup> Фозила — улуғлик, шараф. Қудрати фозила — улуғлик қудрати (амалий ахлоқ илми)  
<sup>22</sup> Шундан кейин муаллиф Шайх Абусаид Абулхайр билан Ибн Сино мулоқоти ҳақидаги ривоятни келтириб, Абусаиднинг: “Мен нимаики кўрсам, у билади”, Ибн Синонинг эса: “Мен нимани билсам, у кўради” деган гапларини ажратиб, таъкидлаган.  
<sup>23</sup> “Ҳикмат — донолик ва тўғри кирдор кўрсатиш бўлиб, ашё-нарсалар ҳақида баҳс этувчи илм, башарий билимлар мажмуи” (Ғиёс ул-луғот. Душанбе. 1-жилд, 81-бет).  
<sup>24</sup> Суфиёна таълимотда шариат, тариқат ва ҳикмат аҳли қарашлари жамланганини Азизиддин Насафий ҳам қайд этган. “Зубдат ул-хақоийқ” асарида у бундай ёзади: “Тасаввуф аҳлининг фикрлари — ҳақиқатан олганда, омухта. Яъни, бир қисм шариат аҳлидан, бир қисм ҳикмат аҳлидан, учинчи қисм эса ваҳдат аҳлидан (олинган). (“Комил инсон ҳақида тўрт рисола”. Т., “Маънавият”, 1997, 156-бет). Азизиддин Насафий “ваҳдат аҳли” деб ваҳдат ул-вужуд таълимоти тарафдорларини назарда тутган.


# ILM UMMONIDA SUZGAN ALLOMA

Ислом фалсафасининг таркибий қисмини ташкил этадиган калом илми даргаларидан бири бўлмиш ватандошимиз Абул Муъййн Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида биз ҳозиргача деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг таваллуд тўйи арафасида Сурияга сафар қилиб, у ерда мовароуннаҳрлик алломалар ижодининг билимдони доктор Солиҳ ал-Фарфур билан танишдик. У бизга Насафийнинг ўзи нашрга тайёрлаб чоп эттирган "Баҳрул-калом" ("Калом илмидаги денгиз") китобини тақдим этди.

Маълумки, калом илми бир қанча йўналишларга эга. Насафий ашъария мактабининг асосчиси, бағдодлик олим Абул Ҳасан Ашъарий (875 — 935) ва мотуридия мактабининг асосчиси, самарқандлик буюк аллома Абу Мансур Мотуридий (870 — 944) таълимотидан сабоқ олган. Ул зот асосан имом Ғаззолий маслағига амал қилган. Ўз навбатида Ал-Ийжий (1355 йилда вафот этган), Саъдулдин Тафтазоний (вафоти 1390 йил) ва бошқа кўплаб таниқли олимлар Насафий таълимотига таянган ҳолда фаолият кўрсатиб, калом илмида юксак даражага кўтарилганлар.

Абул Муъййн Насафий номи билан машҳур бўлган улуғ аждодимизнинг тўлиқ исми Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Махҳул бўлиб, ул зот 1027 йилда Насафда таваллуд топган. Узоқ йиллар

Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод қилган. У ҳақдаги айрим маълумотлар насафлик бошқа бир олим — Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг "Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб") асарига келтирилган. Ушбу китоб муаллифининг ёзишича, "Шарқу Фарбнинг олиму уламолари Абул Муъййн Насафий илмининг денгизидан баҳра топиб, ул та-



ратгон зиё нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртгонлар". Аллома 1114 йили — 87 ёшида вафот этган (*Улрих Рудольф*, "Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти", Тошкент, 2001, 47-бет). Унинг қabri Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган (*Иброҳим Холиёров*, *Шоҳ Мурад Шароф*, *Ҳазрат имом Муъийн зиёратгоҳи*, Тошкент, "Янги аср авлоди", 9-15-бетлар).

Манбаларда келтирилишича, Абул Муъийн Насафий ўнга яқин асар яратган бўлиб, ақсарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. Чунончи, "Ал-Уъмда фи усул ул-фикҳ", "Баҳр ул-калом фи иълм ул-калом", "Табсират ул-адиллати фи иълм ул-калом", "Ат-Тамҳийд ли-қавоийд ат-тавҳийд фи иълм ул-калом", "Ал-Оълим вал-мутаъллим", "Ийзоҳ ул-маҳажатий ли-ковн ул-ақл ҳужжатан", "Шарҳ ул-Жомий ул-кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ", "Маноҳиж ул-аиммати фил фуруъ", "Ал-Муътақидот" (Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Абул Муъийн ан-Насафийнинг бу асарига мансуб 40008/2 рақамли бир қўлёзма сақланади. У араб тилида ёзилган бўлиб, 52 варақдан иборат) каби асарлар шулар жумласидандир.

Айниқса, алломанинг "Баҳр ул-калом" асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ана шу асардаги айрим маълумотлар ҳақида фикр юритамиз.

Китобнинг олтинчи бобидаги биринчи фасл тўрт банддан иборат бўлиб, улардан биринчиси "Ал-Имомат" (Имомликка оид) деб аталган. Мана шу бандда келтирилган пайғамбар алайҳиссаломнинг икки ҳадиси диққатга сазовордир.

Биринчи ҳадис куйидагича: "Иқтаду бил-лазийна мин баъдий Абу Бакр ва Умар" "Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иқтидо қилинлар" (бу ҳадисларни Имом Термизий, Имом ибн Можа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа бир қанча муҳаддислар ҳам ўз асарларида ривоят қилганлар). Мана шундай ҳадис бўлишига қарамай, расулуллоҳ вафотидан сўнг халифалик устида икки кун баҳс бўлгани, албатта, ажаблანарлидир.

Иккинчи ҳадис: "Мендан кейин халифалик ўттиз йил давом этади, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва ҳоказолар


бўлади". Ўттиз йиллик муддат чориёрлар пайтида тугаган. Ҳозирги вақтда "халифалик" ғояси билан оддий одамларни чалғитмоқчи бўлиб юрган баъзи кимсалар учун ҳам пайғамбаримизнинг бу ҳадислари асосли жавобдир.

Бу китоб калом илмидаги мотуридия таълимотининг асосий манбаларидан бири саналади. Ислол динининг асл моҳиятини сохталаштирувчи турли зарарли оқимлар пайдо бўлаётган ҳозирги пайтда бу асарни ўрганиш бекиёс аҳамиятга эга.

Асар имкон қадар содда ва кўпчиликка тушунарли услубда ёзилган. Ақидавий масалалар, амалий аҳамияти назарда тутилган ҳолда, баҳс-мунозара шаклида баён қилинган. Муаллиф турли диний тоифалар илгари сурган фикрларни мисол келтириб, уларнинг қарашларини аҳли суннат валжамоат қарашлари билан солиштириб, хато ва ботил фикрларни Қуръони карим оятлари ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари билан асослаб, ўзининг қатъий фикрини билдиради. Асар етти бобдан иборат, ҳар қайси боб бир қанча фаслдан ташкил топган ва ҳар қайси фасл ҳам бир қанча мабҳас — баҳс-мунозарани ўз ичига олади.

Биринчи боб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл уч баҳсдан ташкил топган. Биринчи баҳс "Ҳукм-ул-мунозара" ("Мунозара ҳукми"), иккинчи фасл "Ҳадд ул-илм" ("Илмнинг чегараси"), учинчи фасл — "Сифат ал-иймон ва шароитиҳи" ("Иймоннинг сифати") деб номланган. Уларнинг барчасида динда мунозаранинг жоизлиги таъкидланади. Бу мабҳасда муаллиф иймоннинг сифати ва шартлари ҳақида аҳли суннат валжамоат ҳамда муътазиллийларнинг фикрларини келтиради.

Иккинчи фасл беш баҳсдан иборат. Улардан биринчиси — иймон ва куфрни ихтиёр қилиш (ихтиёр ул-иймон вал-куфр), иккинчи баҳс — қодирлик ва иститоат (қудрат), учинчи баҳс бахт-саодат ва бахтсизлик (ас-саодат ваш-шиқо), тўртинчи баҳс — даъват, унга етмаган кишининг ҳукми (ҳукму ман лам таблиғҳу ад-даъват), бу масала бўйича суннийлар, муътазиллийлар, ашъарийлар ва ҳанбалийлар-



нинг фикрлари, бешинчи баҳс — иймон шартларини билмаган кишининг ҳукми (хукму ман лам йааруф шароити ул-иймон) каби масалаларни қамраб олади.

Иккинчи боб икки фаслдан иборат. Уларнинг

биринчиси тўрт баҳсдан ташкил топган. Биринчи баҳсда — оламнинг пайдо бўлиши (худуд ул-олам); иккинчи баҳсда — Оллоҳ таолонинг сифатлари қадимий экани таъкидланади. Оллоҳ таолонинг сифатлари икки хил — зотий ва феълий сифатлардан иборат экани қайд этилади. Зотий сифатларга ҳаёт, қудрат, самъ (эшитмоқ), басар (кўрмоқ), илм, калом, машийъа (хоҳиш), ва ирода, феълий сифатларга эса яратиш, ризқ бериш, кўпайтириш (ал-ифдол), неъмат ато этиш, эҳсон қилиш, раҳм ва мағфират киритилади. Оллоҳ таолонинг бу сифатлари қадимий ва азалийдир. Лекин ашъарийлар уларнинг ҳаммаси кейин пайдо бўлган ҳодиса — муҳдас деган нотўғри фикрни ёқлайди. Учинчи баҳс қадим ва муҳдаслик (пайдо бўлганлик); тўртинчи баҳс ягоналик (ал-вахдоният) ҳақида. Бунда Оллоҳнинг ягоналиги тўғрисидаги фикрлар Қуръон оятлари (“Илоҳукум илоҳун ваҳидун”, “Бақара” сураси, 163-оят, “Қул хува аллоҳу аҳад”, “Ихлос” сураси, 1-оят) воситасида шарҳланган. Бу бобнинг иккинчи фасли етти баҳсдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси шай (нарса) лафзини Оллоҳга боғлаш (итлоқ лафз аш-шайъ аъла Оллоҳ таоло) ҳақида. Бу масалада ҳам муаллиф Қуръони каримнинг “Ал-Анъом” сурасидаги “Айт (эй ҳабибим), қайси нарса қаттароқдур гувоҳлик хусусида, айт, Оллоҳ гувоҳдир” деган 19-оят билан исботлайди. Иккинчи баҳс — нафс лафзини Оллоҳга боғлаш (итлоқ лафз аннафс аъло Оллоҳ таоло); учинчи баҳс —

нур лафзини Оллоҳга боғлаш (итлоқ лафз ан-нур аъло Оллоҳ таоло); тўртинчи баҳс — қўл ва қадам (оёқ) (ал-яд вал-қадам); бешинчи баҳс — келиш, кетиш ва тушиш (ал-мажиъ ваз-зиҳоқ ван-нузул); олтинчи баҳс — иставо маъноси (маъно ул-исти-во); еттинчи баҳс — макон ва биргалик (ал-макон вал-маъият) каби масалаларни қамраб олган.

Асарнинг учинчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл ҳам уч баҳсдан ташкил топган. Биринчи баҳс — Оллоҳ таолони кўриш (руъият Оллоҳ таоло), иккинчи баҳс Қуръони карим — Оллоҳ таолонинг каломии қадимий (Ал-Қуръон ал-карим калом Оллоҳ таоло ал-қадимий) деб номланган. Учинчи баҳси (мабҳас) исм ва исмланувчи (ал-исм вал мусаммо) деб аталган. Бу баҳсда исм билан исмланиш ўртасида фарқ борлиги ҳақида мунозара қилинган.

Иккинчи фасл ҳам уч баҳсни қамраган бўлиб, биринчи баҳс ар-ризқ (ризқ) деб аталган. Бу ўринда ризқ хусусида аҳли суннат валжамоат ва муътазиллийларнинг бир-бирига зид қарашлари келтирилган. Иккинчи баҳс мажбурийлик ва ихтиёрийлик (ал-жабр валихтиёр) ҳақида. Бунда жабарийлар, аҳли суннат валжамоат фикрлари келтирилган. Учинчи баҳс — бандаларнинг феъллари (афъол ул-ибод) деб номланган. Бунда муътазиллийларнинг “бандалар феълларининг ҳаммасини ўзлари яратади” деган фикрига қарата аҳли суннатнинг “бандаларнинг ҳамма феъллари — Оллоҳнинг махлуқидир (Оллоҳ яратади)” деган фикрлари Қуръон оятлари билан асосланган ҳолда келтирилган.

Бу бобнинг учинчи фасли бешта баҳсни ўз ичига олган бўлиб, улардан биринчиси иймон (ал-иймон) деб аталган. Бу баҳсда иймон тушунчасига аҳли суннат, Имом Шофий, қарромиёллар, Имом Мотуридий берган таърифлар келтирилган. Ундан кейинги иккинчи баҳсда иймоннинг зиёда бўлиши ва камайиши (зиёдат ул-иймон ва нуқсонихи) хусусида фикр юритилади. Имом Аъзам Абу Ханифа ҳазратлари ва унинг асҳоблари наздида иймон зиёда ҳам бўлмайди, камаймайди ҳам, лекин Имом Шофий фикрича, иймон зиё-

да ҳам бўлади, камайиши ҳам мумкин. Бу фикрини у "Ал-Фатҳ" сурасидаги "Уларнинг иймонларига иймон қўшилиб боради" деган тўртинчи оят ва пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг баъзи ҳадислари билан изоҳлайди. Учинчи баҳс — гуноҳи азим (муртакиб ул-кабийрати) қилиш ҳақида. Маълумки, гуноҳи азимни содир қилган шахсларга нисбатан турли исломий оқимларда азалдан муносабат ҳар хил бўлиб, бу масала кескин мунозаларалар келтириб чиқарган. Тўртинчи баҳс — гуноҳлардан тавба қилиш (ат-тавба мин аз-зунуби) хусусида. Унда қандай ҳолларда гуноҳи азимлар кечирилиши ҳақида фикр юритилади. Бешинчи баҳс — қалбида туғилган нарсанинг жазоси (жавобгарлиги) (ал-мувоҳозату аъло қасд ул-қалби) деб номланиб, бунинг ҳукмида аҳли суннат валжамоат инсон ҳаёлида кечган нарсани қилмаган бўлса, жавобгар бўлмаслиги таъкидланиб, Имом Бухорий зикр этган "Менинг умматларимдан ҳаёлига келган нарсани қилмаган ва гапирмаганларини Оллоҳ кечиради" деган ҳадисга биноан фикр юритилади. Олтинчи баҳс — маърифат ва иймон (ал-маърифа валиймон) хусусида жаҳмияр ва аҳли суннат валжамоат қарашларида иймон билан маърифат ўртасидаги фарқлар баён қилинган.

Асарнинг тўртинчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фаслда олти баҳс ўрин олган. Биринчи баҳс халқнинг ярალიши тўғрисидаги ҳикмат (ал-ҳикмат мин халқ ал-халқ) деб аталади. Унда асосан Қуръон оятларидан келтирилган далиллар воситасида фикр юритилади. Иккинчи баҳс дўзах аҳлининг азоби (азобу аҳл ан-нор) ҳақида бўлиб, муржияларнинг бу борадаги нотўғри фикрларига Қуръон оятлари асосида жавоб қилинади. Учинчи баҳс — кучи (тоқати) етмайдиган ишларни юклаш (таклиф мо ла йутоқ) масаласида Қуръони каримнинг "Бақара" сурасидаги "Эй раббимиз, бизга кучимиз етмайдиган ишни юклама" деган 256-оятига мувофиқ баҳс юритилган. Тўртинчи баҳс мушрикларнинг болалари (атфол ул-мушрикийн) ҳақида. Аҳли суннат валжамоат мушрикларнинг болалари жаннат аҳлининг хизматкоридир, деган бўлса, муъта-

зилийлар, уларнинг ҳукмлари ҳам оталарининг ҳукмига ўхшаб дўзада қолади, деб ёзган. Бешинчи баҳс иймонга таяниб хитоб қилувчилар (ал-мухотибуна бил-иймон) ҳақида бўлиб, улар тўрт хил — фаршталар, одам болалари, жинлар ва шайтонлар экани ва ҳар бирининг таърифи баён қилинган. Олтинчи баҳсда шайтонлар насли (Насл аш-шайотийн) ҳақида турли-туман фикрлар баён қилинган.

Иккинчи фасл тўққиз баҳсдан иборат бўлиб, улардан биринчиси бойлик ва фақирлик (ал-ғина вал-фақру) ҳақида. Бу қисмда бойликнинг камбағалликдан афзал жиҳатлари хусусида баён қилинади. Иккинчи баҳс касб орқали тирикчилик қилиш (ал-иктисоб) тўғрисида. Бунда аксар пайғамбарлар бирор касб ёки ҳунар билан шуғулланиб, ҳаёт кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Учинчи баҳс — қабрда сўроқ қилинмайдиган ва азоб берилмайдиган кишилар (ман ло йусъал фил қабри ва ло йуаззаб) ҳақида. Бу қисмда ушбу тоифага мансуб кишилар зикр этилган. Тўртинчи баҳс Оллоҳ таоло яратувчи (Оллоҳ таоло холиқ алона) экани айтилиб, бу фикрни исботловчи далиллар келтирилган. Бешинчи баҳс — авлиёлар каромати (каромат ул-авлиё) тўғрисида. Бу қисмда пайғамбарларнинг мўъжизалари билан авлиёларнинг каромати ўртасидаги фарқлар батафсил баён қилинган. Олтинчи баҳсда одам болалари устидан шайтонларнинг ҳукм юритиши (валоят аш-шайотийн аъло бани одам) ҳақида муътазилийлар ва аҳли суннатнинг фикри билдирилган. Еттинчи баҳсда элчилик — (пайғамбарлиқнинг собит қилиниши (исбот ар-рисолати) ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган. Саккизинчи баҳс "Пайғамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳозир ҳам Оллоҳнинг элчисими?" ("Хал набиййуно Мухаммад с.а.в. алон расул?") деб аталиб, мутаққашшифа ва карромийларнинг бу хусусдаги хато фикрларига жавобан Мухаммад алайҳиссалом ҳозирги замонда пайғамбар экани баён қилинган. Тўққизинчи баҳс исроъ (сайр қилиш кечаси) деб меърож (самога кўтарилиш кечаси) деб аталиб, бу воқеаларни баъзи тоифалар (масалан, муътазилийлар) содир бўлмаган деб даъ-

во қилсалар ҳам, асарда бу тарихий воқеаларнинг бўлгани ҳақида қатъий далиллар келтирилган. Бу бобнинг учинчи фасли олти баҳсни қамраган. Улардан биринчиси арш ва курсий (ал-арш вал курсий) деб аталиб, муътазиллийлар, шийъалар ва суннийларнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асосида шарҳланади. Иккинчи баҳсда амалларнинг сақланиши (ал-ҳифза) деб аталиб, бу хусусида оят ва ҳадислар ёрдамида шарҳланади. Учинчи баҳсда сур биринчи дафъа чалинганда йўқ бўлиб кетмайдиган нарсалар (фиймо ло йафна иънда ан-нафх фис-суур) ҳақида аҳли суннат ва муътазиллийларнинг фикрлари баён қилинган. Тўртинчи баҳс жаннат ва унинг неъматлари боқийлиги ҳақида. Дўзах ва унинг азоби боқийлиги (ибқо ал-жаннати ва наъиймиҳо ва ибқо ан-нори ва азобиҳо) масаласига оид фикрлар шарҳланган. Бешинчи баҳс розилик ва ғазаб (ар-ризо вас-сахт) деб аталган. Бу қисмда суннийлар ва муътазиллийларнинг розилик ва ғазаб хусусидаги қарашлари келтирилган. Олтинчи баҳс Оллоҳ таолонинг жаннат ва дўзах аҳллари-нинг нафслари ададини билиши (Оллоҳ таоло йаъламу адад анфос аҳл ул-жаннати ван-нори) тўғрисида. Бу мавзуга оид саволларга Куръон оятлари ва ҳадисларга асосланиб илмий жавоб берилган.

Асарнинг бешинчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фасл атиги бир баҳсдан ташкил топган. У муътазиллийларнинг беш усули (усул ул-муътазиллати ул-хамса) деб аталиб, бу қисмда гап муътазилия оқимининг қисқача тарихи ва унинг беш усули ҳақида боради. Иккинчи фасл уч баҳсни қамраб олган бўлиб, улардан биринчиси шафоат (аш-шафоат) деб аталади. Унда қандай ҳолатларда шафоат мумкинлиги кенг қўламда баён қилинган. Иккинчи баҳс мезон, сирот, ҳавз, ҳисоб (ал-мийзон вассирот валҳавз валҳисоб) деб аталиб, бу атамаларнинг ҳар бири Куръон оятлари ва ҳадислар воситасида батафсил шарҳланган. Учинчи баҳс жаннат билан дўзахнинг ҳозир ҳам махлуқ — борлиги ва яратилгани (ал-жаннат ваннор махлуқотани алон) тўғрисида. Бу ҳақидаги муътазиллий ва жаҳмияларнинг нотўғри қарашларига жавобан аҳли суннат

валжамоатнинг асосли фикрлари келтирилган. Учинчи фасл учта баҳсни қамраган ва улардан биринчиси қабрдаги сўроқ ва унинг азоби (сувал ул-қабр ва азобиҳо) ҳақида. Бу масалалар хусусида ҳам кўп оят ва ҳадисларга ишорат қилинган ҳолда жавоблар келтирилган. Иккинчи баҳс руҳларнинг барзаҳдаги ўринлари (макон ул-арвоҳ фил-барзахи) тўғрисида. Унда инсон руҳида содир бўладиган ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Учинчи баҳс — аҳли қибланинг қонини тўкмаслик (исмату димоъи аҳл ул-қибла) хусусида. Унда қандай ҳолатларда аҳли қибланинг қони тўкилиши жоиз экани ҳақида баҳс юритилган.

Асарнинг олтинчи боби икки фаслдан ташкил топган. Биринчиси тўрт баҳсдан иборат. Биринчи баҳс — имомлик, яъни халифалик (ал-имомат) деб аталиб, бунда Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейинги халифаларни сайлаш ҳақида ҳикоя қилинган. Иккинчи баҳс саҳобаларнинг афзаллари баёни (баён афзали ас-саҳобати разияллоху анҳум) деб аталиб, бу қисмда халифаларнинг ислом тарихида тутган ўрни ҳақида баён этилган. Учинчи баҳс саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган ваҳий (ал-ваҳий қона ли саййидино Муҳаммад с.а.в.) тўғрисида. Бу қисмда баъзи тоифаларнинг Муҳаммад пайғамбарга нисбатан ҳазрат Алига ортиқчароқ баҳо бергани асосли далиллар билан раҳ этилган. Тўртинчи баҳс пайғамбарликнинг хатми (охиргиси) (хатм ан-нубувват) деб аталган. Унда Муҳаммад пайғамбар пайғамбарларнинг охиргиси экани Куръон оятларига (масалан, "Ал-Аҳзоб" сураси, 40-оят) таянган ҳолда баён этилган. Иккинчи фасл тўрт баҳсдан иборат. Уларнинг биринчиси — пайғамбар алайҳиссалом вафотидан кейин Куръонни тўплаган имом ҳақида (ал-имом аллазий жамаъа ал-Куръон баъда вафот ан-набий с.а.в.) деб аталади. Бунда Куръони карим халифа Усмон даврида яхлит мус-ҳаф сифатида тўплангани ҳақида баён қилинган. Иккинчи баҳсда анбиёларга нозил қилинган самовий китоблар (ал-кутуб ас-самовий ул-муназала аъло ул-анбий с.а.в.) бирма-бир санаб кўрсатилган ва уларга ий-

мон келтириш лозимлиги таъкидланган. Учинчи баҳс пайгамбар ва расулларнинг адади (адад ул-анбийе вар-русул) деб аталиб, Ер юзида бир юзу йигирма тўрт мингта пайгамбар ўтгани, улардан уч юз ўн учтаси элчи экани кўрсатилган. Тўртинчи баҳс ўлган кишининг бу дунёга қайтмаслиги (ман мота ло яржаъу ило ад-дунё) тўғрисида.


Асарнинг охириги — еттинчи боби уч фаслдан иборат. Биринчиси икки баҳсни ўз ичига олади. Биринчи баҳс — ароқ ичиш ва фоҳишаликнинг ҳаром қилиниши (тахрийм ал-исм вал-фавоҳиш) деб аталади. Унда ушбу масала Қуръон оятлари ва ҳадисларга асосланган ҳолда шарҳланган. Иккинчи баҳс шариатни насхидан бўладиган ҳикмат (ал-ҳикмату мин насх аш-шароиъ) деб номланган. Бу қисмда шаръий масалаларда насх қандай шароитларда содир бўлгани баён қилинган. Иккинчи фасл ҳам икки баҳсни қамраб олган. Улардан биринчиси муваққат никоҳнинг ҳукми (ҳукму никоҳ ул-мутъа) деб аталган ва бу ҳусусда бир қанча оятларга таянган ҳолда фикр юритилган. Иккинчи баҳс ибохият фирқасини рад қилиш (ар-радд аълол — ибохияти) деб аталган. Бу баҳсда ботил гуруҳлардан бири ҳисобланган ал-ибоҳийя гуруҳи қарашларига раддиялар баён қилинган. Учинчи фасл икки баҳсни ўз ичига олган. Улардан биринчиси юлдузларнинг мусаххар қилингани, тадбир қилувчи эмаслиги (ан-нуҳум суаҳхират гайри мудаббират) ҳақида. Бу қисмда юлдузларнинг мусаххар — бўйсундирилгани, улар бирор ишни тадбир қилувчи эмаслиги Қуръон оятларига асосланган ҳолда баён этилган. Иккинчи баҳс етти қат осмондан иборат фалакларнинг ўрни (маҳал ул-афлок мин ас-самоват ас-сабъа) тўғрисида. Бу қисмда мунажжим аҳлининг, қуёш, ой ва юлдузлар тўртинчи осмондадир, деган нотўғри талқинига аҳли суннат валжамоат ҳамда муфассирларнинг қарши фикрлари келтирилган. Аллома бобомиз бу илмларнинг барчасини калом илмидаги денгиз деб атайди

ва ўзи ҳам улкан маконда ғаввосдек чуқур ва эркин сузади.

“Баҳр ул-калом”нинг бир қанча қўлёзма ва замонавий нашрлари мавжудлиги ҳам унинг муҳим манбалардан бири эканидан далолат беради. Асарнинг қимматли қўлёзмаларидан бири Дубайдаги “Жумъа ул-Можид” маданият ва мерос марказида (766-рақамдаги бу қўлёзма 1167 ҳижрий йилда кўчирилган), иккинчиси Дамашқдаги “Аз-Зоҳирия” кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида (4970-рақам остида), учинчиси Бағдоддаги “Мактабат ал-Авқофда”да (4365-рақамли), тўртинчиси Қоҳирадаги машҳур “Дор ул-кутуб”нинг (113-рақамли) қўлёзмалар бўлимида сақланади. Ушбу қўлёзманинг 950 ҳижрий йилда оддий хат билан кўчирилган бошқа бир нусхаси Искандариянинг (Миср) “Мактабат ал-баладийя” кутубхонасида (2109-рақамли) ҳам бор. Асар оқорида қисқача таҳлил этилган Дамашқ нашридан олдин ҳам муҳим манба сифатида икки марта, жумладан, 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Лекин мазкур нашрлар ҳеч қанақа илмий изоҳларсиз бўлиб, фақат матндан иборат.

“Баҳр ул-калом”га айрим шарҳлар ҳам битилган. Жумладан, олим Бадруддин Ҳасан ибн Абу Бақр Аҳмад ал-Мақсидий (1415 йили вафот этган) мазкур асарга бағишланган шарҳини “Фоят ул-маром фи шарҳи “Баҳр ул-калом” деб атаган. Бу шарҳнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги “Дор ул-кутуб” (123-рақамли), бошқаси (1118 ҳижрий йилда кўчирилган бу қўлёзма 2368-рақам остида) Мисрдаги “Ал-Мактабат ал-Хадйавийя”да сақланади. Таниқли олим Ҳожи Халифа машҳур “Кашф уз-зунун” асарида фақат “Баҳр ул-калом”га ёзилган шу шарҳ ҳақида фикр юритган, холос.

Юқоридаги маълумотлар буюк ватандошимиз Абул Муъийн Насафийнинг “Баҳр ул-калом” асарини арабчадан ўзбек тилига таржима қилиш ва чуқур ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга эканини кўрсатади.



# HARAM



## Муқаддима

1299 йилда Усмонбей асос солган империя тарих майдонида 624 йил умр кўрди ва жаҳондаги қудратли давлатлардан бирига айланди. Утган вақт мобайнида 36 султон алмашди, уларнинг айримлари иқтидорли, довюрак ҳукмдор бўлган эди, аксарияти эса салтанат тарихида ҳеч қандай из қолдирмади.

Усмонли империясининг султонлари фақат эркаклардан иборат бўлган, аммо давлат сиёсатига аёллар ҳам баъзан маълум даражада таъсир кўрсатган. Вазият тақозо этганда аёллар дарҳол бошқарув жиловини кўлга олар, давлат ишларига бевосита раҳбарлик қилар эди.

Камина археологман, Туркия ҳудудидаги кўпгина тарихий ёдгорликларни қазиб ва тиклаш ишларида қатнашганман; "Троя тарихи", "Онадўли тамаддуни", "Памуққальа" ва бошқа илмий-оммабоп асарларим чоп этилган.

Аёлларнинг фаолият майдони чекланган шароитда ҳарамни сиртдан кузатган кишилар ҳеч қачон сир-синоатнинг поёнига етолмаган. Негаки, ҳарам асрлар мобайнида сир сақлаш ҳавосини олган.

Бу китобни нашр этишдан кўзлаган мақсадимиз ҳарамнинг хуфия пучмоқларини ёритиш, унинг турли жиҳатларини баҳоли қудрат очиб беришдан иборат. Ҳарам ҳаётининг тасвири усмонлилар тарихидан олинган маълумотлар билан узвий боғлиқ ҳолда берилди. Султон саройида истиқомат қилган тарихий шахслар қосра оид айрим воқеаларни ўз китобларида ёзиб қолдирганлар, биз асосан Тўтхона ҳарамини кўриб чиқиш билан чекланамиз. Бизнинг тадқиқотимиз бу қоср ва ҳарамни томоша қиладиган сайёҳларга номасълум тарихни аниқлашларига ёрдам беради деб умид қиламиз.

Қуйидаги парча "Ҳарам" номли китобимдан олинган.

Муаллиф

2000 йил 15 апрель

## “Бахт уйи”

Оила бошлиғи аҳли аёли, канизаклари, фарзандлари билан истиқомат қиладиган уй харам деб аталарди. Агар саройда шунақа бир жамоа жам бўлиб қолса, уни “Дор ус-саодат” деб атар эдилар. Бу — бахт уйи деган маънони билдиради. Кейинроқ уни харам деб атай бошладилар. Равшанки, унинг хўжайини султоннинг ўзи бўларди. Гарчи усмонли султонларининг харамлари дунёга донг таратган бўлса-да, уларга қадар аббосийлар ва салжуқийлар ҳам ўз харамларига эга бўлган.

Аввал харамда фақат канизаклар яшаган, хотинликка эса фақат қўшни мамлакатлардан насроний ҳукмдорларининг кизларини олишган. Бу анъана Боязид Иккинчидан (1481—1512 йилларда ҳукмронлик қилган) кейин ўзгара бошлаган — энди султонлар ўз харамларидаги аёлларга ҳам уйлана бошлаган.

Султон Меҳмед Фотих Иккинчи (1451—1481) 1453 йилда Константинополни ишғол қилгандан кейин шаҳарни муҳташам иморатлар қўрқамлаштириб юборди. Ҳозирги Боязид майдонида у Бурса ва Эдирна каби эски пойтахтларда мавжуд бўлган қасрлардан андоза олиб, сарой қурдиради, бир неча мўддат бу саройдан фойдаланиб туришади, кейинчалик у торлик қилиб қолади. Ниҳоят, 1472—1478 йилларда Тўпхона деб аталган жуда катта сарой барпо этилади. Кейинчалик унинг ёнига ҳар хил иморатлар қурилиб, улкан бир мажмуага айлантирилади. Давлат ишлари шу ердан бошқарилган, султон масжидга жўнаш олдидан ҳам шу саройда халққа кўриниш бериб, кейин йўлга тушган. Эски саройдан эса харам сифатида фойдаланилган. Лекин султон Сулаймон (1520—1566) ўзининг янги қароргоҳида Саройи дуктаронни (Кизлар саройи) барпо этди.

1587 йилда Мурод Учинчи (1574—1595) ҳукмронлик қилган даврда харамни Тўпхона саройига қўчирдилар. Афсуски, харамнинг биноси 1665 йилдаги ёнғин вақтида бутунлай ёниб кетади, кейин яна қайта тикланади, бироқ 1776 йилдаги Истанбул zilzilasи метеморий хижатдан ғоятда ноёб бўлган бу иморатни қунпаяқун қилган. Харам яна қайтадан қурилган ва Маҳмуд Учинчи (1808—1839) давригача мавжуд бўлган. Ке-

йинчалик харамлар Босфордаги қасрлар (“Гўзал гўшалар” деб аталмиш иморатлар) билан рақобатта дош беролмай ўз латофатини йўқотиб қўйди.

Албатта, харамларда асосий қаҳрамонлар султонлар бўлган. Ундан кейинги даражада волида (султоннинг онаси) турган. Ўғли тахтга чиққанида волида кўпдан-кўп сарой аъёнлари қуршовида эски саройдан янгисига кўчиб ўтган ва хос хоналарга жойлашган. Волиданинг кетидан хоним афандилар, яъни султоннинг хотинлари юрган. Шубҳа йўқки, харамнинг энг салобатли сиймолари жориялар (канизаклар) бўлган. Айни чоқда харамда хизмат қиладиган махсус тоифа — харам овалари ҳам шаклланган. Улар харамнинг хавфсизлиги учун жавоб берган. Дор ус-саодат оғаси (харам хавфсизлигининг бошлиғи) садри аъзамдан (бош вазир) ва шайхулисломдан кейин даражасига кўра учинчи ўринда турган.

## Жориялар

Жориялик (чўрилик) қадим замонлардан мавжуд бўлган. Аббосийлар замонида (750—1258) Бағдод жориялар савдосининг йирик марказларидан бўлган. Отаманлар харамиде жориялар дастлаб султон Ҳрохон (1326—1362) даврида пайдо бўлади. Харамдаги жорияларга уйланиш анъанаси пайдо бўлгандан кейин черкес, грузин ва рус кизларига талаб кучайиб кетади. Шарқда кавказлик кизлар қадим даврлардан бери ўзларининг баркамол хусни билан шухрат қозонган, шунинг учун харам, айниқса, XVII асрда асосан кавказлик сохибжамоллар ҳисобига тўлиб борган.

XIX асрда империяда кул савдоси ман этилган бўлса-да, Кавказ князлари ўз кизларини усмонлилар харамига жўнатиб турган — улар кизларининг султонга манзур бўлишидан умидвор бўлган. Кавказлик энгаларнинг алласида хатто: “Сен султонга хотин бўлсанг, олмосларга кўмиларсан” деган мисра ҳам бўлган. Жорияларни 5-6 ёшларида сотиб олганлар, сўнг балоғатга етгунча парвариш қилганлар. Улғайиш жараёнида уларни мусиқага, одоб-ахлоқ қоидаларига, эркакларнинг кўнглини олиш санъатига ўргатганлар. Ўсмирлик чоғида кизни саройда намойиш қилганлар. Агар уларда

жисмоний қусур бўлса ёки гап-сўзлари, қилиқлари совуқроқ бўлса, шунингдек, бошқа бирон камчилиги маълум бўлиб қолса, баҳоси тушиб кетган, натижада қизнинг отаси ўзи истаганидан кўра анча кам хақ олган. Қизнинг ота-онаси махсус хужжатга имзо чекмоғи керак эди. Бу хужжат уларнинг ўз қизини сотганидан далолат берад ва ўз фарзандида ҳеч қандай хақи йўқ эканини кўрсатарди.

Харам улугвор бир саҳнага ўхшарди: бу саҳнада артистлар тўдалашиб юрар, турфа хил либосларда анвои драмаларни намойиш қилар эди.

Жорияларнинг либослари йил фаслларига қараб ўзгариб турарди. Ёзда энгил шохипак кийимлар кийишар; кўйлақлари баданларига ёпишиб турар, қадди-коматларининг тўқислигини намойиш этарди. Қишда эса мўйна либослар кийишарди. Уларнинг ёқалари очиқ бўларди, белларидаги белбоғлари эса олмослар билан безатиларди. Сочларини турмаклаш учун соатлаб кўзгу олдида қимирламай ўтиришарди. Баъзи жорияларнинг сочи тақимига тушарди. Кўзга яқинроқ бўлиш учун улар упа-эликдан ва атирлардан ҳам фойдаланишар, маржон, исирға, дуру жавохир тақишарди. Жория-


лар жуда жозибадор кўринишга эга бўларди. Ахир, хадиси шарифда: “Ўзинг нима еб, нима кийсанг, шуни қулингга ҳам раво кўр, ҳеч қачон уларга дағдага қилиб, қаттиқ жазолама” деб бежиз айтилмаган.

Харамдан ташқари султонлар хос хоналарида 10-15 қанизак сақлаш одатига ҳам эга эдилар. Уларнинг энг чиройлиси султоннинг ёки шахзоданинг хожатини чиқарарди, кўнглини овларди.

Харамга тушган ёш жориялар хулқ-атворига, хусни жамолига қараб Гулноз, Нашадил, Хушнаво каби форсча исмлар билан аталарди.

Султон ўзига танмахрамликка танлаши мумкин бўлган жориялар жуда хафсала билан таҳсил кўрмоқлари талаб қилинарди. Иломни қабул қилганлари Қуръонни тиловат қилишни, жамоа бўлиб ёки ёлғиз намоз ўқишни ўрганарди. Султоннинг хотини бўлганидан кейин эса, мусулмон анъаналарининг тақозосига биноан, улар масжид қуришар ёки хайру саховат ташкилотларини тузишарди. Султона хонимларнинг сақланиб қолган мактублари уларнинг билимлари бағоят теран бўлганидан далолат беради. Масалан, Хуррам хоним султон Сулаймонга шеърларини юбораяубора унинг мухаббатини қозонган. Хуррамнинг асл исми Анастасия Лисовская бўлиб, украиналик православ дини арбобининг қизи бўлган. Уни ўғирлаб кетиб, Истанбулда сотишган. Жуда иқтидорли, фав-қулодда қобилиятлар эгаси бўлган бу аёл донишмандларнинг мемуарларида, авлодлар хотирасида жуда чуқур из қолдирган. Султон Сулаймоннинг хотини бўлган бу аёлнинг тақдир тўғрисида украин ёзувчиси Павел Загребельнийнинг “Раксолана” романида ҳам хикоя қилинган. Хуррам шеърларидан бирида султонга мурожаат қилиб: “Ижозат бер, мўйловининг бир толасига қурбон бўлайин” деб ёзган экан.

Султон Меҳмед Фотих Иккинчи ҳукронлик қилган даврда харамдаги жорияларнинг сони кўпая бошлади. Аҳмад Биринчи замонда (1603–1617) ворислик тизимига ўзгартириш киритилади, энди шахзодаларни вилоятларнинг ҳокими этиб тайинламай қўйишади. Меҳмед Учинчи тахтга чиқиши олдида (1595–1603) харамда 300-500 жория бор эди, унинг ҳукронлик йилларида уларнинг сони 700 нафарга етди.



Турк ҳаммоми. Жан Леон Жером асари.

Жориялар кундалик маош олишарди, унинг микдорини тахтга янги чиққан султон ўз хошишига қараб ўзгартириб турарди. Хар хил байрамлар, тўйлар, таваллуд кунлари муносабати билан жорияларга пул улашилар, совға-саломлар бериларди. Жорияларни яхши парвариш қилишарди, лекин улардан бирортаси белгиланган қондалардан чекинадиган бўлса, султон уни қаттиқ жазолар эди.

Султоннинг хизматини бевосита 10-20 та аёл бажарарди (яъни, унга хотинлик қиларди), бошқа жориялар ҳам турли хил вази-фаларни адо этишарди. Масалан, 10-15 та жория кечалари харамнинг тичини кўриклаб, навбатчилик қилиб чиқарди. Харамда энг мухим ролни кун бўйи султоннинг хизматини қилган ёрдамчилари ўйнарди. Султоннинг махсус ва шахсий топшириқларини бажарадиган кишиларни хазинадор деб аташарди, улар биринчидан бешинчи даражага бўлган мартабаларга муносиб кўриларди. Султон саройда бўлса, хазинадорлар хос хоналарнинг ён-верида хозиру нозиру бўларди, аммо бош хазинадоргина султоннинг хузурида ўтирмоғи мумкин эди, бошқа хазинадорлар эса фақат чакирилгандагина ичкарига кирарди, холос. 3, 4 ва 5-мартабадаги хазинадорлар ўзларининг ёрдамчилари билан бирга султон ётоғининг эшиклари тагида куну тун навбатчилик қилмоқлари шарт эди. Бундан ташқари, бош хазинадорнинг кўлида хазинанинг қалити бўларди. Султоннинг мухрини тилла занжирда бўйинига осиб юрадиган хазинадор ҳам алоҳида ишончга сазовор бўлган шахс ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам султонлар хазинадорларни ҳаммаша ўзлари танлаб оларди. Улар бир қанча вақтдан кейин эски саройга қайтар ёки тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб, эркинликка қўйиб юбориларди.

Қадхудо хотин эса маросим ва расм-русумларнинг билимдони бўларди. Байрамлару тўйларни ўтказиш унинг зиммасида эди. Қўлидаги кумуш ҳасса унинг лавозими нақадар мухим эканини кўрсатиб турарди. Султоннинг хос хоналаридаги буюмларни ҳам қадхудо хотин махсус муҳр билан тамғалаб қўярди.

Чошнинг уста султонни захарлаб қўймасликлари учун харамда тайёрланган ҳамма овқатларни аввало ўзи татиб қўрарди.

Жомашир уста кирларнинг ювилиши учун жавобгар эди.

Ибриквар уста султонга таҳорат қилишда ёрдамлашарди.

Қаҳва учун қаҳвачи уста, шароблар сакланадиган ертўла учун килерчи уста жавоб берарди.

Гулханчи уста хаммомнинг иссиқлигини таъминламоғи лозим эди.

Котиб уста тартиб-интизом, хар хил йўриқлар ва расм-русумларнинг тўғри адо этилиши учун масъул эди.

Хастакор уста — бетоб бўлиб қолган жорияларни текшириб қўрар ва уларнинг рисоладагидек парвариш қилинишига кўзқулоқ бўлиб турарди.

Махмуд Биринчи (1730—1754) даврида тузилган харамдаги юмушлар рўйхатида шароблар сакланадиган ертўлаларда 17 та жория хизмат этиши, шахзодаларнинг хизматини қилувчи жориялар 72 та экани, султоннинг жазманлари 15 та экани, бошқа хизматкорлар 230 киши экани қайд қилинган. Бу рўйхатдан ҳам маълум бўладики, султон харамдаги ҳамма аёллар билан ишқий мулоқотга киришган эмас. Хар қайси жория унга султоннинг назари тушадиган кун келишини оруз қилган, ўша кунни интизорлик билан кутган. Аммо кўпчилик жорияларнинг орузи ҳеч қачон рўёбга чиқмаган.

Султоннинг назари тушмаса, жория тўққиз йилдан кейин харамни тарк этиш ҳуқуқига эга эди. Султон унга сеп берар, уй-жой билан таъминлар ва турмушга чиқишига қўмақлашарди. Жория султон имзо чеккан хужжатни олар, бу хужжат унинг эркин инсон эканини тасдиқлар эди. Энди у ҳеч қандай тўсиксиз нима истаса, шуни қилиш ҳуқуқига эга бўларди.

Маълумки, баъзи бир шахватпараст жориялар харамдаги бошқа жориялар билан ишратбозлик қилган ёки бичиб қўйилган баъзи бир “яримжон” харам оғалари билан “қаллик ўйини” уюштирган. Харам оғаларида бунақа саргузаштлар тез-тез бўлиб турган. Баъзи жориялар эркинликка чиқиб эрга текканларидан кейин бир қанча вақт ўтгандан сўнг эрларидан ажрар экан. Сабабки, улар “мен харамда қора танли хизматкорлардан кўпроқ жинсий лаззат олишга ўрганиб қолганман” деган важни рўқач қилар экан.

## Гузидалар

Сохибжамол жориялар султон жуда ҳам яхши кўрадиган хос жориялар бўлиб қоларди. Султон улардан тўрттасини хос қанизак қилиб, тўрттасини эса гузида этиб танлаган.

Султонларнинг қанизаклар билан жинсий муносабатлари ғарб мухлислари учун ҳаминча турли-туман мишмишларни тўкиб чиқаришга баҳона бўлган.

Венеция республикасининг элчиси Оттовиано Бон (1606 й.), Монтен хоним (1707 й.) ва бошқа сайёҳлар султонларнинг интим ҳаётини бутун тафсилотлари билан ёзиб қолдирган. О. Бон томонидан ёзилган гаплар кейинчалик бошқа оврупалик муаллифлар томонидан қўп маротаба қайтарилган. Боннинг ёзишича, султон бошқарувчи аёлнинг қулоғига қанизакларнинг исмини шивирлаб айтар экан, у эса ўша жорияларни султоннинг хузурига жўнатар экан. Султон уларни тик турғизиб қўйиб, олдидан уёқ-буёққа ўтар экан-да, биттасига дастрўмолини берар экан. Бу “тунни сен билан ўтказаман” дегани бўлар экан. Бошқа бир ривоятда айтилишича, султон кизга дастрўмолини берар экан-да, киз уни қўйнига яшириб қўяр экан. Бирок Монтен хонимнинг Мустафо Биринчи гузидасининг сўзларидан олиб ёзган маълумотларига қараганда, дастрўмол ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси фирт ёлгон. Аслида, султон қайси жория билан тунни бирга ўтказмоқчи бўлса, ўшанга совғасалом юборган. Шундан кейин султон танлаган жорияни ҳаммомга туширишган. Ҳаммомдан сўнг уни янги либосларга буркашган. Либослар кенг бўлган. Шу ҳолда уни султоннинг ётоғига олиб киришган. У ерда жория эшик олдида ўтириб, султоннинг ўринга ётишини кутган. Султон хонага киргач, жория ўрингача эмակлаб борган. Султон ўринга кириб ётганидан кейингина султоннинг кучоғига кирган.

Эртаси куни эрталаб султон ваннага тушган, кийимларини ўзгартирган ва агар тун унга маъқул бўлган бўлса, жорияга совғалар берган. Бу жория кейинчалик унинг гузидаси бўлиб қолиши мумкин эди.

Баъзи бир гузидаларнинг ҳаёти ғаройиб воқеалар ичида кечган. 1763 йилда Мавритания оролида турилган Эмми де Ривори На-

полеон Бонапартнинг суюкли хотини Жозефинага жиян бўлган. Улар кичкиналигида гўё бир фолбин хотин шундай деб башорат қилган эмиш: “Сен, Жозефина, Франциянинг қироличаси бўласан, сен эса, Эмми, Шарқ мамлакатига қиролича бўласан”. Улар бу башоратга ишонмайди, албатта, лекин амалда чиндан ҳам шундай бўлиб чиқади.

1784 йилда Эмми Франциядан Мартиникага қайтиб келади, кейин бу ерда уни Жазоир қароқчилари ўғирлаб кетиб, Жазоир дейига сотиб юборади. Унинг ҳусни таважжухини кўриб қойил қолган Жазоир дейи бу жорияни турк султонига тортиқ қилиб, унинг илтифотини қозонмоқчи бўлади ва султон Абдул Ҳамид Биринчига кизни совға қилади. Султон Абдул Ҳамид Биринчи (1774 — 1789) бу тортинчок, фаросатли, момикдек кизга Накшидил деб исм қўяди, уни исломга киритади, сўнг ўзининг гузидасига айлантиради. Махмуд деган ўғил туғиб берган Накшидил Абдул Ҳамиднинг тўртинчи хотини бўлган.

Абдул Ҳамиддан кейин унинг иккинчи хотини Мехришоддан турилган ўғли Салим Учинчи тахтга чиқади (1789 — 1807). Аммо Салим Накшидилдан харамни тарқ этмасликни илтимос қилади. У султонга француз тилини ўргатади, мамлакатда амалга оширилган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Салим Учинчи амалга оширмоқчи бўлган жиддий ислохотларнинг қўпчилиги жуда қалтис эди. Бу мутаассиб диндорларнинг ғазабини кўзғайди, улар 1807 йилда ғалаён кўтариб, султон ва унинг оила аъзоларининг деярли ҳаммасини ўлдириб юборади, фақат Накшидилнинг Махмуд Иккинчи номи билан тахтга чиққан ўғлигина омон қолади. Шундай қилиб, миллати француз бўлган Эмми де Ровери волида, яъни султоннинг онаси сифатида усмонли империяси тарихидан ўзига муносиб ўрин олади.

## Иқболлар

Агар гузидалардан бири ҳомиладор бўлиб қолса, иқбол тоифасига ўтказилар эди. Агар иккикат иқболлар бир неча бўлса, уларга бош иқбол, ёш иқбол деб ҳар хил унвонлар бериларди. Кўзёрган иқбол бир неча муддатдан кейин султоннинг хо-

тини мақомини оларди, лекин бундай анъанага қатъий амал қилинмасди.

Иқбол тоифаси Мустафо Иккинчи (1695 – 1705) ҳукмронлик қилган даврда пайдо бўлди. XVIII аср охирларига келиб иқболлар жуда катта маъкега эга бўлади, кейинги асрда эса иқбол ҳарамдаги энг нуфузли аёл бўлиб қолади. Улар ўз мақомини султоннинг вафотидан кейин ҳам сақлаб қолар эдилар. Баъзи бир иқболларни султонлар ҳатто хотинларидан ҳам ортиқроқ яхши кўрарди.

Саройнинг юқори қаватида ҳар қайси иқбол ўзининг алоҳида хонасига эга бўларди. Уларнинг егуликлари 15 хил таомдан иборат бўлиб, мол гўшти, товуқ гўшти, шарбат, ёғ, сузма, мева-чева ва бошқалар шулар жумласидандир. Ёз фасларида ичимликларни совутиш учун муз ҳам бериларди.

### Султоннинг хотинлари

Хоним афандиларнинг (султоннинг хотинлари) сони тўрттадан саккизтагача бўларди. Тўнғич хотин — катта хотин деб аталар, қолганлари иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ҳокимзо хоним афанди дейиларди. Хотинлардан бири вафот этса, навбатдаги иқболга марҳуманинг даражаси бериларди. Бундай қарорни султоннинг ўзи шахсан қабул қиларди. Янги хоним афандига ёзма гувоҳнома тақдим этилар, унга янги либослар буюрилар, кейин эса алоҳида хона ажратилар эди. Бош хазинадор ва унинг ёрдамчилари янги хоним афандига шохона анъаналарни тўшунтирарди. XVI—XVIII асрларда фарзанд кўрган хоним афанди ҳосаки деб аталарди. Илк дафъа султон Сулаймон бу унвонга хотини Хуррамни лойиқ кўради.

Султонлар тунни истаган аёл билан ўтказишга ҳақли эди, аммо жумадан шанбага ўтар кечаси фақат ўз хотинларидан бири билангина бўлмоқлари шарт ҳисобланарди. Исломи анъаналари билан белгилаб қўйилган муқаддас анъана шундай эди. Агар султоннинг хотини уч жума муттасил эри билан бирга ётмаса, у қозига шикоят қилиши мумкин эди. Хотинларнинг султон билан навбатма-навбат учрашувини хазинадор бошқариб турарди.

Султоннинг ўз хотинларига навбатма-навбат эътибор беришида тартибга қатъий амал



Хуррам (Анастасия Лисовская)—султон Сулаймоннинг севики хотини

қилинса-да, хоним афандилардан биронтаси ҳам “султон бизнинг ҳаммамизни бирдай яхши кўради” деган фикрни зинҳор-базинҳор ҳаёлига келтирмасди. Ҳарамдагилар султон баъзи бир хотинларини ҳаддан зиёд яхши кўришини, бошқаларига талпиниши сустроқ эканини биларди. Масалан, султон Сулаймон аввал Моҳимдавронга уйланган, бироқ кейинчалик Хуррамни севиб қолган. Бу икки аёл узоқ муддат мобайнида ўзаро рақобатлашган. Бир куни Моҳимдаврон Хуррамга бир тарсаки уради. Бундан хабардор бўлиб қолган султон Моҳимдавронни ўғли билан бирга дарҳол Манисга бадарға қилиб юборади.

Маълумки, баъзан султон хотинининг таъсири остида бўлган, бундай ҳолларда хотин киши давлат ишларига ҳам аралашган. Уларнинг баъзилари ҳатто империяни бошқарган деган маълумотлар ҳам бор. Бундай вазият вужудга келса, зийрак одамлар “Хотинлар султонати” деб пичинг қиларди.

Хоним афандилар ўз фарзандларини “Ҳазрати олийлари” деб атамоқлари жоиз эди. Улар оналарини кўргани қирганларида

оналари ўринларидан туриб, “Келинг, менинг жасур ўғлоним” демоқлари керак эди. Ёшларидан катъий назар, шахзодалар ҳурмат белгиси сифатида хоним афандининг қўлини ўпмоқлари даркор эди. Харамдаги аёллар ҳурмат бажо келтирмоқ учун султон хотинининг этагини ўпарди. Ўзаро муносабатларда хоним афандилар махсус урф-одатларга риоя қиларди. Хотинлардан бири бошқаси билан гаплашишни истаб қолса, унинг ҳузурига оксочини юбориб, ижозат сўраб эди. Султоннинг хотини тахтиравонда бирор ёққа борадиган бўлса, ёнида уни харам оғалари пиёда кузатиб борарди. Агар хотинларнинг ҳаммаси йўлга отланса, уларнинг тахтиравонларини мақомларига мос равишда каторлаштириб, кузатиб борар эдилар.

### Маликалар

Иқболлардан бири хомиладор бўлгани маълум бўлиши биланок харамда ҳаракат бошланиб кетарди. Кўзёрадиган хоналардан бирининг деворларига қимматбаҳо ва қиройли мато қопланади. Бу мато дуру жавохирлар, бриллиантлар билан безатилган бўлади. Энг яхши ички либослар, кўрпа-тўшаклар келтирилади, қароват устига қизиқ атласдан тикилган чодирларда ўрнатилади, у ҳам қимматбаҳо тошлар билан безатилади.

Чақалокнинг туғилиши ҳақида биринчи бўлиб харам оғаси харам топади. У шодиёна хабарини бутун саройга маълум қилишни ёрдамчисига топширади. Чақалокнинг туғилиши муносабати билан байрам бўлиб кетади, қўй сўйилади, ўғил бўлса, тўпалардан етти марта, киз бўлса, уч марта ўк узиб муборакбод қилинади. Жарчилар кўчама-кўча юриб жар солади: “Одамлар одамлар, боғда битган бодамлар, эшитмадиган деманглар, султонимиз фарзанд кўрдилар”. Султоннинг фармони га кўра, бош вазир бу тўғридаги хабарни бутун империя буйлаб таркатади.

Чақалок беланган бешик, ҳамма расм-русмларга риоя қилинган ҳолда, Тўпхона саройига олиб борилади. Бу расм волида-султон маросими деб аталади. Бундан ташқари, яна бир маросим ўтказилади, уни бош вазир ташкил қилади ва бу маросим дабда-

баси жихатидан волида-султон маросимидан ҳам ўтиб тушади. Чақалок туғилганидан сўнг олтинчи куни катта маросим ўтказилади. Шу куни империянинг расмий шахслари янги фарзанд кўрган хоним афандининг ҳузурига кириб, хол сўраб чиқишлари мумкин бўлади. Таваллуд тўйлари — акика бир неча кун мобайнида давом этади.

Янги туғилган чақалокка махсус хона ажратилади, унга мулозимлар, жориялар ва энага тайинланади.

Болалар ўқийдиган вақт келганда уларга бир неча мураббий ва устоз танланади. Султон “Бисмилло”ни айтиб, болага Куръони каримни ва “Алифбо”ни туткизади, шунингдек, китоб солиб юрадиган ғилоф ҳам беради. Барқутдан тикилган бу ғилоф ҳам дуру жавохирлар, кумуш кашгалар ва давлат рамзлари билан безатилган бўлади. Султоннинг болалари Куръони каримни тўғри тиловат қилишни, ёзишни, математикани, тарих ва жуғрофияни ўрганади. XIX асрда бу фанлар каторига француз тили ва фортепиано қилишни ўрганиш ҳам қўшилади.

Маликалар, яъни султоннинг кизлари тахсилни тугатганидан кейин узун либослар кийиб, бошларида салла билан юрмоқлари лозим эди. Маликалар никоҳ ёшига етганда уларни қўшни мамлакатлардаги шахзодаларга эрга берад, агар шахзодалар топилмаса, вазирлар, подшоҳлар ва салтанатнинг бошқа йирик амалдорларига турмушга чиқарар эдилар. Шундай вазият туғилиб қолса, султон бош вазирга қувёликка муносиб номзод топиш тўғрисида буйруқ беради. Агар бош вазир топган номзод уйланган бўлса, уни хотинининг таловини беришга мажбур қилишар эди. Қувёликка номзодлар, табиийки, салтанатда йирик мансабларни эгаллаб турган одамлар бўларди. Ва шу ваздан улар келинга нисбатан анча ёши улуг одамлар бўларди. Кўпинча улар тўйдан кейин қўп ўтмай дунёдан кўз юмиб кетарди. Лекин тирик қолганларининг турмуши ҳам унчалик қувончли бўлмасди. Улар султоннинг кизидан ажралиб кетиш ҳуқуқига эга эмасди, холбуки, султоннинг қизи отасининг розилиги билан истаган вақтида эрини ташлаб кетиши мумкин эди. Бундан ташқари, маликаларнинг эрлари “дамад” (султоннинг қуё-

ви) деган унвонга эга бўларди, шунинг учун уларнинг жорияларга якин йўлаши ҳам мумкин эмас эди.

Маликаларнинг тўйлари жуда хашамагли бўларди. Кўчаларга ранг-баранг байроқлар осилар, сон-саноксиз мушаклар тунги осмонни турфа хил чироқлар билан безарди, харамда ҳам келин учун махсус базмлар уюштириларди. Одамларнинг бемалол томоша қилмоғи учун келиннинг сепи саройда махсус дорларга ёйиб қўйиларди. Эҳтимолки, тўй хашамларининг энг ёрқин қисми хино кечасига тўғри келар — унда келин ва унинг дугоналари тирноқларию бармоқларини хинога бўярди. Онадўлининг баъзи бир кишлоқларида бундай анъана ҳозиргача сақланиб қолган. Хино окшоми тамом бўлгандан кейин меҳмонлар саройга кузатиб қўйиларди. У ерда дугоналар келинни куёвниқига кузатиб борадиган маросимда иштирок этиши керак бўларди. Куёвниқига келинни бўлғуси эрнинг ўзи кутиб оларди. Сўнг уларга дастурхон ёзилар, хуфтон намози ўқилгандан кейин улар совға-саломларни олиб, куёвниқини тарк этарди.

## Шахзодалар

Султоннинг Хасекидан (имтиёзли хотин), иқболдан ва гузидадан тувилган ўғиллари шахзода деб юритилган. Шахзодалар 5-6 ёшга кириши биланок XV асрда ташкил топган “Шахзодалар мактаби”да тахсил ола бошлаган. 8 ёшдан то балоғат ёшига етгунга қадар улар фақат ўз мулозимлари ва устозлари билан мулоқотда бўлган, ота-оналари билан эса фавқулудда ҳолатлардагина учрашишган.

Шахзодани суинат қилиш маросими жуда катта тўйга айланиб кетарди. Бу маросимга уч ой қолгандаёқ бутун салтанатдаги давлат ноиблари маросимга таклиф қилинарди. Суинат тўйи одатда 10-15 кун, баъзан эса ундан ҳам ортиқ давом этиши мумкин эди. Одатда ҳар бир шахзоданинг харамда ўз хонаси бўлар, бу ерда у 14 ё 15 ёшларигача истикомат қилар эди. Шахзоданинг хонасини деярли ҳамма вақт қулфлаб қўйишар, шу вайдан уни қафас деб атардилар.

Султоннинг ҳукмронлиги фақат у вафот этгандан кейингина интиҳосига етмасди. Масалан, султон Мурод Иккинчи (1421—1451)



«Харам». Жан Батист Изер асари.

тахтини ўз ўгли — бўлғуси султон Мехмед Фотиҳга ихтиёрий равишда бўшатиб берган. Баязид Иккинчини эса кенжа ўғли Салимнинг фойдасига тахтдан воз кечишига мажбур қилганлар. Усмон Иккинчи, Иброҳим Биринчи ва Мустафо Тўртинчилар тахтдан ағдариб ташланган.

Бош ҳарам оғаси шахзодага отасининг вафоти ҳақидаги ёхуд унинг тахтдан воз кечгани тўғрисидаги маълумотни етказиши лозим эди. У шахзодани қўлидан етаклаб, отасининг жасади олдига олиб борарди. Бош вазир билан шайхулислом янги подшони биринчи бўлиб тан оларди. Бу ҳақда дарҳол халқ хабардор қилинар ва янги султоннинг тахтга чиқиш маросимига тайёргарлик қўрила бошларди.

Султоннинг тахти “Дор ус-саодат” ёнида ўрнатиларди. Мехмонлар ўз мавқеларига қараб саф тортиб турарди. Султон ичкаридан чиқиб, тахтга ўтирар, маросим катнашчилари бирин-кетин унинг олдида келиб, тиз чўкишар ва тахтнинг пойини ўпишар, шу тарика янги ҳукмдорни тан олганларини изҳор этар эди. Маросимни шайхулислом, бош вазир ва бошқа вазирлар ниҳоясига етказарди. Анъанага бинсан шайхулислом ёки тасаввуф шайхларидан бири султоннинг белига қилич боғларди.

### Ҳарам оғалари

Маълумки, ҳарам хизматкорлари бичилган ҳарам оғаларидан иборат бўлган. Бичишни биринчи марта қадимги Оссурияда амалга оширганлар, кейин у Эронда ҳам расм бўлган, сўнгра Сурия ва Онадўли оркали бу одат Уюнистон ва Римга кўчиб ўтган. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Эфесдаги Артемида эҳроми ҳам бичилган кохинлар — сибеллар томонидан қўриқлангани маълум.

Усмонлилар саройида ҳарам оғалари султон Мехмед Фотиҳ замонида пайдо бўлган. Аввал ҳарамни оқ танли оғалар қўриқлаган. Мурад Учинчи 1582 йилда ҳабаш Мехмедни ҳарам оғаси қилиб тайинлайди, ўшандан сўнг ҳарам оғалари ҳабашлардан танлаб олинадиган бўлган.

Маълум бўладики, оқ танли болалар ахта қилиш операциясини жуда оғир ҳолатда бошидан ўтказар экан. Улар операциядан ке-

йин кўп ўтмай вафот этади, қора танли болаларнинг кўнчилиги эса омон қолади. Шунинг учун қулжаллоблари қора танли болаларни кўпроқ ўғирлай бошлайди. Ёш болалар асосан Африкадан ўғирланиб, бичиш учун ўзларига маълум бўлган жойларга олиб борилган.

Бичишнинг уч хил усули бўлган — ўғил болаларнинг нозик аъзолари батамом кесиб ташланган; баъзан тухумдоннинг ўзи олиб ташланган. Бичилган болаларнинг аксарияти кўп қон йўқотиш оқибатида вафот этган. Омон қолганларининг жароҳатларига ҳар хил хушбўй ёғлар суртилган.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам қайд қилинганки, кесиб ташланган олотча яна ўсиб чиққан. Шунинг учун барча ҳарам оғалари вақти-вақти билан табиб қўригидан ўтиб турган, агар қутилмаган ҳодиса рўй берса, улар дарҳол ҳарамдан четлаштирилган.

Қора танли оғалар ҳарамда қўпая боргани сари улар ўзаро бирлашиб, ўзига ҳос уюшмани ташкил қилган. Уюшмага қабул қилинган болаларни катта ёшли ҳарам оғалари ўз тарбиясига олган. Уларга қўпичча гулларнинг исмини қўйиш расм бўлган. Яхши ўргатилган ҳарам оғалари қўпичча волидаларнинг, султонларнинг, малика ва шахзодаларнинг юмушини қилган.

Ҳарам оғалари одатда ҳарам эшиги олдида соқчилик қилган.

1852 йилдан кейин ҳарамни бошқариш тўлалигича ҳарам оғаларининг қўлига ўтган. Бош ҳарам оғаси ҳарам учун жориялар харид қилар, хотинлару жорияларнинг хулқ-атворидан хабардор бўлиб, кирдикорлари тўғрисида султонга ахборотлар бериб турарди. Айбдорларни қандай жазолаш, ҳарам хизматкорларини юқори поғонага қўтариш масаласида маслаҳатлар беради. Бош ҳарам оғасининг зиммасидаги вазифалар доираси анча кенг эди — у хатто тўй маросимларида султоннинг ўрнига унинг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга эди. Бош ҳарам оғаси истеъфого чиққанида унга нафақа тайинланарди. Янги султон одатда бош ҳарам оғасини ўзгартириб, ўригига янгисини тайинларди, лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермасди. Баъзи бир бош ҳарам оғалари саводсиз бўлишига қарамай, давлат ишларига ҳам аралашиб кетаверарди. Негаки, улар ҳаммиси султон ва унинг хотинлари мададини ҳис қилиб турарди.

## Султонларнинг оналари

Биринчи марта “волида” уивони султон Мурод Учинчининг онасига нисбатан қўлланган, кейин анъанавий тус олган. У Тўпхона саройига кўчиб ўтганда унинг онаси ҳам ўғлининг кетидан кўчиб боради ва харамга жойлашиб, у ерда “биринчи хоним” бўлиб олади. Янги султон тахтга ўтириши ҳамона онасини ҳам янги қасрга кўчириб ўтказиш тўғрисида фармон берарди. Султон қаср олдида тахтиравонни ўзи кутиб олар, унинг эшигини очиб, онасига тушишга ёрдамлашар, қўлини ўпиб, харамга кузатиб қўярди. Харамда султоннинг хос хоналаридан кейин онасининг хос хоналари катталиги, мухтажамлиги жихатидан иккинчи ўринда турарди. Пастки каватларда хизматкор жорияларнинг хоналари жойлашган эди.

Тўпхона саройи мажмуасида волиданинг хос хоналари XVI асрда қурилган. Аммо жуда кўп бора қайта таъмирланавериб, охироси катта залнинг безаклари ўзига хослигини йўқотиб қўйган. Унинг тоқидаги нақшлар XVIII асрдаги декоратив санъатининг нодир намуналари эди. Ётоқнинг деворлари нақшлар билан қопланган, намоз ўқиладиган хонани безашда ҳам чинни бўлакларидан фойдаланилган.

Салим Иккинчининг хотини ва Мурод Учинчининг хотини Нурбону янги қасрда истикомат қилган биринчи волида бўлган эди, хос хоналарнинг сўнгги бекаси эса султон Абдул Мажиднинг (1839—1861) онаси Партавнияз бўлди. Бундан кейин султонларнинг оналари Дўлмабоғча саройида яшаган.

1856 йилда султон Абдул Мажид харами билан бирга яқинда қуриб битирилган Дўлмабоғча саройига кўчиб ўтади. Унинг укаси Абдул Азиз (1861—1876) аёллар масаласида акасидек муқкасидан кетган эмасди. У қасрлар қуриш ва хайр-садақалар қилиш билан кўпроқ кизикарди.

Султон Абдул Хамид (1861—1909) ўзининг қароргоҳи сифатида бошқа қасрни — Юлдуз саройини кўпроқ маъқул кўради. Унинг онаси султон тахтга чиқмасдан анча аввал оламдан ўтган эди, шунинг учун волида мақоми унинг ўғай онасига берилади. Бу аёл расман харам бошлиғи бўлиб қолган бўлса-да, давлат ишларига аралашидан ўзи-

Дулиши — султон Махмуд Туркиининг сувоқли хотини



ни тийган, бўш вақтини хайр-саховат ишларига бағишлашни афзал билган.

Абдул Хамиднинг ўрнига қелган Меҳмед Рашид Бешинчи (1909 — 1918) яна қайтадан Дўлмабоғчани эгаллайди. Унинг даврида волиданинг ўрни бўш қолади, чунки унинг онаси аллақачон вафот этиб кетган эди.

Меҳмед Воҳидиддин Олтинчи (1918 — 1924) усмонлилар империясида сўнгги султон бўлиш насиб этган. Биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси сифатида мағлубиятга учраган Туркияни душман қўшини ишғол қилади. Шундан сўнг турклар Мустафо Камол Отатурк рахбарлигида мустакиллик учун кураш бошлайди ва Онадўлида босқинчилар армиясини мағлубиятга учратади. Инглизпараст султон Дўлмабоғча саройини тарк этади ва Британия кemasида мамлакатдан қочади. Орадан кўп ўтмай, султон саройида Туркия Республикаси эълон қилинади. Бу воқеа 1924 йилнинг 3 март куни содир бўлади. Шу билан усмонлилар империясининг тарихи ниҳоясига етади ва у билан бирга харам ҳам батамом ўтмиш бағрига сингиб, йўқ бўлади.

*“Восточная коллекция”  
журналининг 2001 йил  
ёзги сонидан олинди.*

## *Jitimoiy guruh mafkurasi*

Хар қандай жамиятда турли ижтимоий гуруҳ, табақа ва қатламлар бўлади. Шўро замонида ижтимоий ҳаёт ниҳоятда жунлаштирилиб, у фақат ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар ва зиёлилар синфидан ташкил топган деб талқин этиларди. Ваҳоланки, ўша пайтларда ҳам расман тан олинмаган қатламлар, гуруҳ ва табақалар мавжуд эди. Масалан, аҳолининг камбағал қатлами асосан қишлоқ жойларда, нисбатан бой-бадавлат кишилар эса шаҳарларда истиқомат қилар эди. Шўро ҳокимиятининг ташвиқотчилари етмиш йил мобайнида "биз синфсиз жамиятда яшяпмиз, ижтимоий муаммолар аллақачон бартараф этилган, ҳадемай коммунизм кураимиз" деб ҳар қанча аюҳаннос солмасин, бу гапларнинг ҳаммаси ёлгон эканини одамлар яхши биларди. Синфий кутблашув кучайган, синфий курашлар авж олган тузумларда мафкура ҳам сиёсий тус олади ва аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб кўяди. Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаган мамлакатларда эса мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштиради, умумий ва ягона мақсад йўлида бирдамликка даъват этади. Лекин инсон муайян мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида, жамият қабул қилган мафкурани инкор этмаган ҳолда, барибир ўзининг манфаатларига, мақсадига мос келадиган шахсий нуқтаи назарга, дунёқарашга — мафкурага эга бўлади. Масалан, рўзгор тебратиш илинжида қишлоқлардан катта шаҳарларга келадиган, ҳатто хорижий мамлакатларга бориб ишлайдиган фуқаролар асосан пул топишни ўйлайди, сунг ҳалол меҳнат билан топган пулини омон-эсон оиласига олиб келиш ҳақида қайғуради. Айрим ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари эса уларнинг минг азоб эвазига топган пуллари-ни ҳар хил йўллар, усуллар воситасида (кўпин-

ча Жиноят кодексининг айрим моддаларини рўқач қилган ҳолда) талон-тароҷ этиш пайида бўлади. Бундай вазиятда улар гўё давлат мафкурасини ҳимоя қилаётгандек бўлса, ҳалол меҳнат билан пул топган одам ўзини мафкураси бузилган кимса деб ҳис этади. Ҳалол меҳнати билан мамлакат иқтисодининг юксалишига ҳисса қўшади, ҳатто чет эллардан мамлакат ичкарисига валюта ёки тайёр маҳсулот олиб қиради. Демак, тарихнинг маълум бир даврларида нафақат аҳоли орасидаги табақалашувни, балки мафкуравий кутблашувни ҳам кузатиш мумкин экан.

Биз, аввало, ҳуқуқий демократик тамоийилларга асосланган жамият кураш эканмиз, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг иллати ҳисобланган уюшган жамиятчилик, коррупцияга қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қиладиган идоралар ходимларининг фаолиятини назорат этиб туриш имконияти яратилиши керак. Бизда кўпроқ уларнинг мафкуравий ҳолатига эътибор берилади. Масалан, ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари маънавий дарслари ўтказилади; унда Президент асарлари бўйича савол-жавоблар, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлар уюштирилади.

Албатта, бу тадбирлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Аммо, юртбошимиз таъкидлаётганидек, эндиликда давлат ташкилотлари устидан жамоат назорати кучайса, ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлиги мустаҳкам қарор топади. Бу эса барча гуруҳларнинг ягона миллий мафкура атрофида янада кўпроқ жипслаштиради.

**Қаҳрамон РАСУЛОВ,**

*Фаргона Давлат университетининг аспиранти*

## *Маъно тилатмо*

Ҳазрат Навоий "Хар ишки қилмиш одами-зод, тафаккур бирла билмиш одамизод" деб лутф қилади. Агар моддиюнчилар замони

бўлганида, мафкура яловбардори бу ҳикмати-ли гапни "ана, кўрдингизми, Гиёсиддин Кичкинанинг ўғли ҳам материалист бўлган, чун-

ки аввал иш-ҳаракат, сўнг тафаккур пайдо бўлади деяпти" қабилида талқин этиши мумкин эди. Сиртдан қаралса, яловбардорнинг гапларида жон борга ўхшайди: дарҳақиқат, одамзод ўз қилмишларининг оқибатини кўпинча кечикиб ўйлайди. Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда, оқибатни ёд этиб, хайрон бўлиб ўтираверади... Мутафаккирлар эса инсониятни ўйлашга ўргатади. Бирок, "бирорта даҳо ҳам, китоб ҳам якуний хулоса чиқармайди, негаки, инсоният доимо олға интилади, муқим бир тўхташга келмайди. Гомеру Шекспир ҳам, Гёте ва ҳатто Инжил ҳам узил-кесил ҳукм чиқармайди. Зеро, ҳаёт — мангу муаммо..." (Г. Флобер. *Соб. соч. в пяти томах, 5-том, "Правда" нашриёти, М. 1956, 172-бет.*)

Баъзан талабалар "Тафаккур одамда тугма бўладими ёки кейинчалик шаклланадими?" деган мавзуда соатлаб баҳслашади. Дафъатан бу мавзу ниҳоятда жўндек туюлади. "Инсонни табиат яратади, жамият тарбиялайди" дейилса бас, ортиқча мунозарага ўрин қолмайди. Лекин талаба ёшларнинг галати одати бўлади — улар "велосипедни ўзлари кашф" қилишни истаиди, ҳаёт синовидан ўтган, тап-тайёр андозага солиб қўйилган фикр-мулоҳазаларни осонликча қабул қилмайди. Бизнингча, тўғри қилади — "ҳамма нарсага шубҳа билан қараш керак". Зеро, агар талабалар бирорта андозавий фикрни ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилса, демек, у фаол ўйлашни истамаган ёки муайян фикр уни қизиқтирмаган бўлади. Талаба имтиҳон пай-

тида китобда ёзилган гапларни тўтиқушдек такрорлаб (тест варақасидаги тўғри жавобни адашмай топиб) "аъло" баҳо олиши мумкин. Аммо бундай "аълочи"ни мустақил фикр юрияпти деб бўлмайди. Президент Исмоил Каримов таъкидлаганидек, "фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан даҳшатлидир" ("*Тафаккур*", 1998 й. 2-сон).

Шу нуқтаи назардан қаралса, кейинги вақтда таълим-тарбия соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Хусусан, "Таълим тўғрисидаги қонун" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да талаба-ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласига жиддий эътибор берилган. Ўйлаймизки, ўрта ва олий таълим соҳасидаги ислохотлар тўла-тўқис амалга оширилса, Ўзбекистоннинг том маънодаги келажаги бўлган собит эътиқодли, билимдон ёшлар вояга етати ва улар ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллигимизни кўз қорачигидек авайлаб-асрайди.

**Раъно САПИЕВА,**

*Жаҳон тиллари университетининг ўқитувчиси,*

**Саттор ОБЛОКУЛОВ,**

*Жаҳон тиллари университетининг доценти*

## *Dunyoni titratgan qudrat*

2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларига уюштирилган террористик ҳужумлар Америка Қўшма Штатларини ларзага солиб юборди. Бутун дунёни эса ўша мудҳиш фожиа тўғрисидаги ахборот худди қудратли тўлқин мисоли титратиб юборди. Ўша кундан эътиборан дунё янги даврга қадам қўйганини барча тараққийпарвар инсонлар бир овоздан эътироф этди. Энди инсоният ёвуз куч бўлмиш терроризмга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашмаса, бошқа нажот йўли йўқ экани равшан бўлиб қолди. Шундай масъулиятли даврда ахборот омилнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ниҳоятда ор-

тиб кетди. Ахборот миллий манфаатларни таъминлаш жараёнига ҳам, геосиёсий тизимларга ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказётганини бугун ҳеч ким инкор этмас керак. Ҳозир ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, салоҳияти, нималарга қодирлиги унинг қай даражада ахборотлашгани билан белгиланади. Зарурий ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун лозим бўлган технология воситаларига эҳтиёж ҳам шу боис тобора ортиб бораётир. Ахборот маконини асраш, керак бўлса, шу маконнинг яхлитлигини таъминлаш миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан бирига айланиб қолди. Чунки ах-

борот-алоқа тизимлари самарали давлат бошқарувини таъминлаш билан бир қаторда муайян мамлакатнинг истиқболлини ҳам белгилаб бериши мумкин. Геосиёсий устуликни қўлга киритиш учун ядровий қуроллардан кўра, ахборот воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ахборотлашув ўзига хос хусусиятларга эга. Шундан келиб чиқиб, ахборот ижтимоий ҳаётга ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Лекин сиёсий ҳудуд бор экан, сиёсий жараён ҳам давом этаверади. Бу жараён гоҳ шиддатли тус оلسа, гоҳида заифлашиб қолади. Унинг ўзгаришига ички ва ташқи кучлар, халқаро босим — ахборот (информация жанги) таъсир этади. Сиёсий жараёнга ахборотнинг қай даражада таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан муайян халқнинг ижтимоий тафаккури, маданияти ҳамда сиёсий кучларнинг салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Агар ички ва ташқи таъсирларга, халқаро босимга миллатнинг қатъий муносабати шаклланган бўлса, мамлакат ўзи танлаган йўлдан асло чекинмайди. Мабодо ахборот танқислиги ёки ҳолисона ахборотнинг етишмаслиги туфайли миллат мустақил фикр юритишдан, мустақил муносабат билдиришдан маҳрум этилган бўлса, ҳар хил мафкураларга тез берилиб кетади ва халқаро босим остида муайян йўлдан осонликча чекинади.

Ташқи ва ички таъсирлар моддий, ташкилий, мафкуравий кўринишларда бўлиши мумкин. Лекин булар орасида ахборот захирасининг таъсири алоҳида ажралиб туради. Масалан, "мақсадли таъсир" деган тушунча тўғрисида мулоҳаза юритиб кўрайлик. Бундай таъсир миллат ва мамлакат, сиёсий тизим салоҳияти, маданий-психологик омилларга мос равишда турли-туман кўринишларда на-

моён бўлади. Мақсадли таъсирнинг кўпчилик тушунадиган намунаси сифатида битта маддасала бўйича россиялик икки мутахассиснинг бир-бирига зид бўлган фикрларини келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, И.Звячельская "Исломий ҳаракат Марказий Осиёда қудратли кучга айланиши мумкин" ("Россия и мусульманский мир", 2001, 3-сон, 107-бет), деб "каромат" қилади. Профессор А. Малашенко эса: "Ислом хавфи ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатилмапти. Агар у турли маконларда ҳаракат қиладиган уюшган куч сифатида намоеён бўлиши инобатга олинса, демек бу ҳаракат қандайдир марказ томонидан бош-қарилиши керак. Ҳозирча эса ҳеч қандай марказ йўқ" (*ўша манба, 106-бет*), деб ўқувчини ишонтирмоқчи бўлади. Биз ҳозир юқоридаги муаллифларнинг қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ деб мунозарага киришмоқчи эмасмиз. Фақат "мақсадли таъсир"ни кўзлаб ёзилган ва муҳим ахборот сифатида эълон қилинган бундай мақолалар оддий халқ онгига, руҳиятига нечоғлиқ таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидламоқчимиз, ҳолос. Маълумки, ўтиш даври мушкулотини бошидан кечирётган одамлар ахборотга танқидий ёндашувдан кўра, унга кўр-кўрона ишонишга мойил бўлади. Кишилар онгига сингдирилган ҳар қандай ахборот кўринишидаги фикр эса моддий кучга айланади.

Хуллас, сиёсий маконга тарқатилган ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга сафарбар этилган ахборот қудратли куч эканини асло унутмаслигимиз лозим.

**Миррахим МИРНОСИРОВ,**

*Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри*

## "Qovun va shaftoli"

Буюк фотиҳ бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур милодий 1493 йил воқеалари тўғрисида ҳикоя қилаётиб, Фарғона вилоятининг ўша пайтдаги пойтахти бўлмиш Андижон қасабасини таърифлаб: «Ошлиғи вофур, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас» (*Тошкент, «Юлдузча», 1989 йил, 5-6 бетлар*), дейди. Дарҳақиқат, нафақат Анди-

жонда, балки ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида пишиқчилик пайтида пайкал бошида савдо-сотик қилиш одат бўлмаган. Ҳатто ўша мавсумда боғларнинг деворлари одамлар бемалол ўтадиган ҳажмда атайлаб бузиб қўйилган. Агар йўловчи боғда фарқ пишиб ётган мева-чевадан териб емоқчи бўлса, боғбон бажонидил рози бўлган ва бунинг эвазига фақат дуо қилиб қўйишни тилаган, ҳолос.

Яъни, савоб нихоятда кадрланган, инсон эъзозланган.

Беш юз йил муқаддам миллат менталитети, ақл-идроки шундай шақлланган эди: «хамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун» деган алвон шior дуч келган деворга осиб қўйилмаса-да, лекин барча кишилар ана шундай «темир қонун»га қатъий амал қиларди. Бундай ёзилмаган қонун халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Афсуски, Шўро даврида халқимизнинг асрий урф-одатлари, менталитети бутунлай ўзгариб кетади. Тубандиға воқеа фикримизга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

«Кунлардан бир кун Норбиби Отаева олти яшар боласи билан даладан қайтаётиб Аймоқ Тошпўлатовнинг ҳовлисидаға шафтолидан икки донасини кизчасига узиб беради. Буни кўрган Тошпўлатов шу ерда темир бел (курак) билан уриб Норбибини ўлдирди... Норбиби Отаевани ўлдирган айбдор Тошпўлатов 10 йил қамоққа ва қамоқ муддати тамом бўлгандан сўнг 5 йил граждaнлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳукм қилинди. Суд ҳукмини йиғилган омма хурсандлик билан қарши олди» («Илғор Сурхон учун», 1939 йил, 29 сентябр, 292-сон).

Бу воқеа 1939 йилнинг айна пишиқчилик мавсумида Бойсун туманидаги Сайроб қишлоқ советининг Чинор қишлоғида содир бўлади.

Икки донагина шафтоли учун битта ин-

сон ваҳшиёна тарзда уриб ўлдирилади. Тўғри, Шўро матбуоти А.Тошпўлатовни «озодлик душмани» деб ёмонотлик қилади, Н. Отаевани эса «аёл-қизларнинг озодлиги учун душманлар билан курашиб келган ўртоқ» деб олақшлайди. Лекин сиёсий тузумнинг маддоҳи бўлган рўзноманинг ёрлиқларини бир четга қўйиб, масаланинг моҳиятига диққат-эътиборимизни қаратадиган бўлсак, Шўро ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг орадан йигирма йил ўтар-ўтмас миллат менталитети салбий томонга ўзгариб кетганини кўрамай ва наҳотки, икки дона шафтолини олти яшар қизалоқдан ҳам қизганиш мумкин бўлса деб ёқамизни ушлаймиз!..

Аслида, менталитетнинг муҳим педагогик хусусиятларидан бири — аждодларимиз хотирасини ва тарихимизни унутмасликни тақозо этади. Тўғри, шу пайтгача миллий менталитет масаласи билан асосан файласуфлар ва социологлар шугулланди. Ваҳоланки, менталитет педагогика фанининг ҳам диққат марказида бўлиши керак. Чунки миллий менталитет ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек долзарб жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

**Ирода САФАРБУВАЕВА,**

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг аспиранти

## *Barmoq izlarida ruhiyat aksi*

Инсоннинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва руҳиятининг ўзига хос жиҳатларини унинг ташқи киёфаси — кўзи, оғзи, бурни, боши, юриши, сочининг ранги, имо-ишоралари каби белгиларга қараб аниқлаш азалдан маълум. Масалан, юнон алломалари Афлотун ва Арасту ингичка тола, майин соч — кўрқоқ ва журъатсиз, қалин паҳмоқ соч эса — шерюрак ва жасур одамларга хос деб ҳисоблаган.

Инсоннинг феъл-атворини аниқлашда кўзга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, Л. Толстой кўз — инсон ботиний дунёси акси дея баҳолаб, уни бир қанча турларга (маккорона, порлаб турувчи, хомуш, совуқ, сўник) ажратган.

Америкалик руҳшунос олимлар Ж.Глайв ва

Э.Клери 10 мингдан зиёд боланинг феъл-атворидиға хусусиятларни беш йил мобайнида тадқиқ этиб, қора кўзли болалар бошқаларга нисбатан жонсарақлиги, ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги билан ажралиб туришини асослаб берган.

Кейинги вақтда руҳиятшунос олимлар инсоннинг яна бир муҳим тана аъзоси — қўллари, аниқроғи, қафт ва бармоқ изларининг феъл-атвор хусусиятлари билан алоқадорлиги масаласига кўпроқ эътибор қаратаётганини кузатиш мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бармоқ изларининг шаклига қараб, инсоннинг феъл-атвори, ҳатто унинг тақдирини башорат қилиш амалиёти кўп асрлик тарихга эга. Мазкур амалиёт хирология (қўлга қараб

аниқлаш) ва астрология каби соҳалар билан боғлиқ бўлгани боис аксарият олимлар ғайриилмий йўналиш сифатида уларни инкор этиб келган. XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошида кафт ва бармоқдаги нақшларнинг биологик ва психологик хусусиятлар билан боғлиқлигини ўрганувчи соҳа — дерматоглифика (дегма — тери, глупе — нақш) фани пайдо бўлади.

Бундан илгарироқ — 1880 йилда англис олимлари Г.Фулде ва В.Гершелнинг "Nature" илмий журналида инсон бармоқ изларига қараб, унинг шахсини аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги тадқиқот натижалари эълон қилинади. Ана шу кашфиёт туфайли бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот соҳасида, айниқса криминалистикада кенг қўлланаётган дактилоскопия усули вужудга келган эди.

Илмий адабиётда таъқидланишича, тери ва ундаги излар олий нерв фаолияти билан бир вақтда шаклланган ҳамда бевосита боғланган экан (бармоқ излари ҳомиланинг уч-тўрт ойлик давридаёқ пайдо бўлиши аниқланган). Шу боис дерматоглифика тадқиқотлар натижаси тиббиётнинг кўпгина соҳаларида, хусусан руҳий хасталиклар, миянинг бир қанча туғма касалликларига ташхис қўйиш ва даволашда қўлланиб келмоқда. Кейинги вақтда дерматоглифик хусусиятларнинг айрим соматик касалликлар — ошқозон бези яллиғланиши, диабет, сил хасталиклари билан боғлиқлиги аниқланган.

Ҳўш, дерматоглифика наслий ва соматик касалликларни даволашда қўлланар экан, инсоннинг биопсихологик хусусиятларини тадқиқ этишда ёрдам бера оладими?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида 1999 — 2002 йиллар мобайнида Тошкент шаҳри ўрта мактабларида 1000 дан зиёд юқори

синф ўқувчиси ўртасида олиб борилган тадқиқот натижаларига тўхталамиз.

Маълумки, дерматоглифика илмида кафт ва бармоқ нақшлари асосан 4 гуруҳга бўлинади: тугунсимон, айланасимон, ёйсимон ва мураккаб нақшлар.

Тадқиқотда бармоқларида ушбу нақшлардан бири яққол намоён бўлган ўқувчилар гуруҳининг хусусиятлари қолган барча ўқувчилар психологик хусусиятлари билан қиёсий таҳлил этилди.

Олинган маълумотларга кўра, кафти ва бармоқларида тугунсимон нақшлар бўлган ўғил болалар орасида беозорлик, сабр-тоқат, бахшлашишга мойиллик, асабийлик каби хусусиятлар турли хил даражада намоён бўлган. Агарда психологик хусусиятларнинг ўртача кўрсаткичи  $V < 0,270$ ни ташкил этган бўлса, интровертлик ( $V = 0,758$ ), невротизм ( $V = 0,723$ ), уддабуронлик ( $V = 0,551$ ), мардлик ( $V = 0,346$ ) каби хусусиятлар дерматоглифик белгилар билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади.

Ушбу маълумотлар қўл изларида биофизиологик хусусиятлар, инсон ирсиятининг муайян жиҳатлари акс этишидан далолат беради. Бу ҳол бармоқ изларининг психологик хусусиятлар билан алоқадорлигини таъмин этувчи геномни кашф этиш имконини яратади. Ушбу кашфиёт психодиагностика фанини янги босқичга кўтарибгина қолмай, инсон руҳий оламини такомиллаштириш, қатор ирсий касалликларнинг олдини олиш, айниқса ёшларнинг руҳий ва жисмоний тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

**Санобар ЁҚУБОВА,**

Тошкент Педагогика  
университетининг аспиранти

## Gazeta estetikasi

Замонавий матбуот ранг-баранг ахборот ва хабарлар мажмуидир. Ҳаётимизда юз бераётган воқеалар, янгиликлар матбуотда ўз аксини топади. Бугун давлатимиз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари билан иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамкорлик, табиийки, матбуотда ижтимоий ахборот ва хабарлар оқимининг кенгайишига олиб келди. Янгиликни газетхонга тез ва сифатли

еткизишда эса коммуникацион техниканинг ўрни жуда муҳим. Олмониялик Иоҳанн Гуттенберг ихтиро қилган ilk босма дастгоҳдан ҳозирги "Pentium III", "Pentium IV" электрон машиналарга етиб келгунга қадар журналистика соҳаси бир неча асрларни ортда қолдирди, давр силсиласида тобланди.

Ҳозир мамлакатимизда 700 га яқин вақтли нашр мавжуд бўлиб, уларнинг 500 дан зиёдини газеталар ташкил этади. Ихтисосий,

тармоқ (хуқуқ, солиқ, тиббиёт каби соҳа) газеталарининг сони ортди. Аммо улар газетхон маънавий аҳтиёжини қондириятими? Матбуотчилар ишининг таркибий қисми бўлган газета дизайни, эстетик қиёфаси қай аҳволда? Газета чикариш муассислар учун "хобби"-га айланиб қолмаётими?

Тан олиш керакки, бугун матбуот эстетикаси журналистикамининг орғиқ нуқталаридан бирига айланди. Балки шўролар замонидаги қолиплардан тўлиқ қутула олмаётганимиз ёки бўлажак журналистларга газета дизайни, эстетик қонуниятлари тўғрисида етарли сабоқ берилмаётгани бунга сабаб бўлаётгандир.

Газета эстетикаси сифатли қоғоз, матбаавий дид, яхлит макет, мазмунга мувофиқ дизайндан иборат. Шу боис, матбуот нашрлари фақат ахборот манбаи бўлиб қолмай, эстетик тарбиянинг оммавий ва таъсирчан воситаси ҳам саналади. Нафақат мазмун, балки эстетик қиёфа орқали ҳам ўқувчи дидини ўстириш мумкинлигини, афсуски, баъзида унутиб қўямиз. Газетхон, аввало, нашрнинг ташқи қиёфаси билан танишади. Дизайни бошқаларникига ўхшамайдиган, рангли газета дарҳол кўзга ташланади. Чунки инсон руҳияти янгиликка ўч, унинг нигоҳи дастлаб турфа рангларни қабул қилади. Нашрнинг гоёвий-эстетик мазмунидан ташқари шакл-шамойили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир мақолага матбаавий-бадий "пардоз" берилди, улар мазмунан бойитилади. Тахририятга ҳар кунни келаётган, жумлалари боғланмаган ижтимоий хабар ва янгиликларни "қовуштириб" бир бутун газета яратиш учун журналист мутахассислик малакасидан ташқари дизайн, фалсафа, эстетикага оид билимлардан ҳам хабардор бўлиши керак.

Ижтимоий-сиёсий нашрлар қиёфасида қатъий тартиб, режа, жиддий талаб устувор бўлса, ихтисослик ёки тармоқ нашрлари рам-

зий-мажозий безакларга бойлиги, бичими билан фарқ қилади. Ёшларга мўлжалланган нашрлар дизайни, матбаавий-бадий безаги, ёшлар учун махсус саҳифалари билан ажралиб туради. Нашрнинг бичимидан тортиб, макет, матбаавий-бадий чизгилиригача муайян математик ўлчовлар мутаносибига эга. Газетадаги математик ўлчамлар қанчалик аниқ ва тўғри бўлса, нашрнинг эстетик қиёфаси ҳам шунчалик мукамал бўлади.

Газета эстетикасида муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир унсур шрифтографиядир (алифбо ёзувининг график шакли). Чунки газетанинг саксон фоизини матн ташкил этади. Шрифтлар ўқишни енгиллаштириб, матнларни безаш ва ажратиб кўрсатишда ёрдам беради. Газетанинг руҳи, тахририятнинг қиёфаси ёзувда ҳам акс этади. Чунки газета — жамоанинг юзи, меҳнати маҳсули ҳисобланади. Унда мақолалар мазмунига қараб алифбо — график шаклининг техник, монументал, курсив, боргес каби ўзига хос хусусиятларига эга бўлган турлари қўлланади. Масалан, ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар ёзувининг график шакли (петит, боргес), ҳажвий мақолаларникидан (курсив, гротеск, антиквар) фарқ қилади. Меъёрнинг бузилиши газетани матнлар йиғиндисига айлантириб, газетхон соғлиғига ҳам зарар етказди (айрим газеталар кўп матн сиғдириш мақсадида кичик шрифтларни қўллади). Бу эса ўқувчини бездириб, газетанинг эстетик қиёфасига ҳам путур етказди. Ҳар бир матн мазмунига мос, газетхон ўқиши учун қулай, бежирим ёзувларнинг график шакли газетани ўқимишли қилади, нуфузини мустаҳкамлайди.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**

ЎЗМУ фалсафа факультетининг  
катта ўқитувчиси

## *Tilimizning tarixiy ildizlari*

(Ўлжас Сулаймонов тадқиқотлари асосида)

Таниқли қозоқ шоири, давлат ва жамоат арбоби Ўлжас Сулаймонов "Ёзув тили" асарида этимология илмида янги услуб яратиб, турли тилларга мансуб бир неча минг сўзларнинг узвий боғлиқлигини ўзига хос ва қутил-

маган тарзда талқин этади (Қаранг: *Язык письма. Рим, San Paola, 1998, 502-бет*). Ў. Сулаймонов ана шу услуб воситасида инсониятнинг ҳозирги ёзувиге асос бўлган кўплаб символик ва чизма иероглифлар

(қадимги Миср, Шумер, қадимги Хитой) юзага келган дастлабки босқичга мурожаат этади.

Маълумки, янги диний таълимотлар ва улар билан боғлиқ алифбо ёзувлари (иудаизм ва қадимги яхудий ёзуви, буддизм — қадимги ҳинд ёзуви, зардуштийлик — “Авесто” ёзуви, ислом — араб ёзуви ва б.) кейинчалик (мелоддан олдинги биринчи минг йилликдан сўнг) пайдо бўлган.

Уша узок тарихий ўтмишдаёқ инсониятнинг дастлабки тиллари луғат таркибида умумтурк, жумладан, ўзбекча сўзларнинг кенг қўллангани кузатилади. Бу ҳол, бир томондан, мавзу таҳлилини янада қурулаштириш лозимлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Ў.Сулаймонов қўллаган этимологик услуб гоёт самарали эканини, шу йўсиндаги изланишлар кўплаб тиллар, шунингдек, она тилимиз ҳақидаги тарихан шаклланган тасаввурларимизни кенгайтиради.

Ушбу мақолада биз ўзбек тили лексикасининг қадимий тилларда қўлланган айрим намуналари хусусида тўхталамиз. Энг аввало, таъкидлаш жоизки, ўзбек тили ҳам Куёшнинг қадимги ифодалари кўринишидаги рамзларини яратиш учун асос бўлган. Масалан, “ўтли белгилар”нинг қадимги Мисрдан Марказий Осиё ва Хитой орқали Тинч океани соҳиллари ва Америкага тарқалишининг ёрқин далили сифатида мелоддан олдинги II-I минг йилликларга оид “Куёш” маъносини ифодаловчи куйидаги лексик атамаларни келтириш мумкин: *kin, king* (майя тилида), *kon* (инклар тилида) — *кун* (ўзбек тилида).

Майя — инк — ўзбек тилини (ва умуман, туркий тилларни) қиёслаш тадқиқотчига улардаги муайян хусусиятларни қайд этиш имконини беради. Маълумки, бу тилларда сўзлашувчи элатлар “ёш Куёшга” топинган. Бирок, туркларда бундай топиниш бирмунча аввал кечган. Ушбу тилларда бу куйидагича акс этган: туркийча *яш* — “ёш”, *яшил, кун* — “куёш”; майя тилида: *яш* 1) “ёш”, 2) “янги”, 3) “кўк”; *кинъ* — “куёш”. Агар туркларда “Яш кунъ” ибораси аллақачон унутилган бўлса, майяликларда бу атама *яш кинъ* — бош худо (“ёш Куёш”) маъносида узоқ вақт сақланиб келган.

Бу мисоллар туркий ва америнд (яъни Америка хиндулари тарқалган ўлкалар) дунёси ўртасидаги алоқаларнинг қадимдан мавжудлигини кўрсатувчи ягона далил эмас. Масалан, турк-ўғизларда “ольмек” сўзи (ҳозирги ўзбек тилидаги “ўлмоқ”): 1) “ўлмоқ” ва 2) қадимги Хитой белгиси — иероглиф *юмалок* *кўз* — *қисик* *кўз* — *юмуқ* *кўз* (яъни ўлим ҳолати) маъносини аңлатган. Бундан ташқари,

“ольмек” атамаси Жанубий Америка халқларидан бирининг номи, аждодлари рамзи маъносида ҳам қўлланган. Бундай муштараклик асосини мазкур қабила қисик кўзи бутларга сиғинган мелоддан олдинги биринчи минг йиллик бошларида (яъни Шан империяси даврида) амалда бўлган қадимги хитойча иероглифларга ўхшаш иероглиф ташкил қилди (қаранг: 54-55-бетлар).

Куйида этимологияга доир яна бир неча кузатишларни келтираемиз:

1. Ўзбекча *igna* сўзи қадимги туркий тилда: “ўтқи учли қурол” маъносини ифодалаган: *igt-a - igl-a*. Бунгача хиндулар ва славянарда шунга мос *agni* — “ўт” ва лотин тилида сўзлашувчи халқларда *ignus* сўзи истеъмолда бўлган. Қўйнинг — Куёшнинг — Ўт худоси белгисининг умумий номи шундай бўлган. Фақат турк ва славянарда мазкур худо белгисида мавжуд бўлган “ўтқири учли қурол” маъноси сақланган.

2. Ўзбекча *ohu, oku* — 1) “ўрган”, 2) “ўқит”, 3) “ўқи” феъли турк-қиғочқ *ўзакли ohma* (1) “ўғит”, 2) “сабоқ” маъносида қўлланган. У қадимги яхудий тилидаги “донишмандлик” маъносини ифодаловчи *hohma* сўзига бориб тақалади.

3. Ўзбек тилидаги *етти* финикияликлар ҳамда юнон алифбосидаги *еттинчи* — *dzeta* (*zeta*) ҳарфи номидир. Кейинчалик у *етти* рақамини ифодаловчи сўз сифатида қўллана бошлаган: *eti — geti — dzeti* (ўзб. шевасидаги *жетти, zeti* (сарик уйғурча), *d’eti* (хакасча) ва ш.к. Шунга асосланиб, Ўлжас Сулаймонов “етти” рақами ҳинд-европа тилларида пайдо бўлгунга қадар Қадимги Олдосиёда ёзувлар тизими шаклланишидан икки минг йил илгари маълум бўлганини таъкидлайди.

4. “Amir” (“амир, шох”) сўзининг пайдо бўлиши ҳақидаги фикр ҳам диққатга сазовор. Дастлабки даврларда шумерча *a-mur* — *a-mar* “бузоқ”, “хайвонларнинг янги туғилган боласи” маъносини ифодалаган. Бу славянча *omar*, бенгалча *kumir* (тимсох) каби ибораларнинг фонетик вариантларидир. Кейинроқ бу ибора “хаёт” маъносида қўллана бошлаган. Бунга далил сифатида “қурол-хаёт” архаик маъносининг қозоқ ва тотор тилларидаги ифодаси бўлган *ctir, ьter* сўзларини келтириш мумкин. Яна бир мисол: шумерча *tir* 1) “камон ўқи” 2) “хаёт” маъносини ифодалаган. Кейинчалик форслар *amir* сўзига ҳокимият ва қудрат рамзини берганлар.

Ўзбекча сўзларнинг дунё тилларидаги ягона негизининг қадимги қатламига кириб боришига доир этимологик мисолларни иста-

ганча келтириш мумкин: *yssyk* (иссиқ"), *uш* ("ис" — "хид"), *икки*, *uп*, *ы* ("уй") ва ҳоказо.

"Сайёравий контекст"га таяниш турли тилларда муайян бир сўз ва унинг вариантлари пайдо бўлишининг дастлабки ягона негизи асосида кенг кўламда қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Масалан, бобилликлар, этруск ва туркийлар қадимдан инсон тана аъзоси — жигарни ҳаётнинг ўчоғи деб ҳисоблаган (ҳинд-европаликлар бу аъзони "юрак" маъносиде ифодалаган). Тиллараро ўхшашликнинг собитлиги шундан: ўзбек, турк, туркман, озарбайжон тилларида *bagur*, *bogur*, киргиз тилида *boog* ва ҳоказо.

Хуллас, кўплаб тарихий далилларни ўрганиш ўзбек ва бошқа тиллар тараққиётидаги ўта муҳим жиҳатларни очиб бериш ёки уларга аниқлик киритиш учун кенг имкониятлар яратади. Масалан, шумер ва этруск тилларига доир материаллар ўша даврлардаёқ

ўзбек тили ибтидоий ҳолатдан чиққанини асослайди.

Бу мулоҳазалар ўзбек тилининг тарихий тақдирига оид икки ҳақиқатни исботлайди: биринчидан, модомики, этнос мавжуд экан, тил тараққиёти чизиғи унинг бутун тарихи давомида узилмайди; иккинчидан, турли халқларнинг ўзаро маданий алоқалари бир-бирини бойитибгина қолмай, инсон тамаддуни тараққиётининг мураккаб йўлидаги ҳамкорликнинг қудратли манбаи ҳамдир.

Дунё универсал тиллари микротизими шаклланишининг негизиде ўзбек тилининг ҳам муҳим унсурлари турганини қайд этиш кишига гурур ва ифтихор туйғуларини бағишлайди.

**Анатолий БУШУЙ,**  
СамДЧТИ профессори,

**Ибодулла МИРЗАЕВ,**  
СамДУ ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси мудири, профессор

## Qodiriy militsioner bo'lganmi?

Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида бундай деб ёзади:

"Николай тахтдан йиқилгонидан кейин оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилдим... Николайнинг тахтдан йиқилиб, хуррият бўлғонига хурсандлигим дунёга сифмас эди..." (Абдулла Қодирий, "Фирвонлик Маллавой", Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 4-бет).

Юқориде келтирилган иқтибосдан кейин гўё Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчи ҳаётда қатъий бир принципга эга бўлмаган, замона зайлига қараб эгилган, охир-оқибат тақдирга тан берган экан-де, деган хулосага келиш мумкин.

Аслида эса ҳаёт биз ўйлагандан кўра мураккаброқ бўлган. Хусусан, А. Қодирий "оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилган"дан кейин большевиклар ҳокимиятни қўлга олади ва "йўқсиллар диктатураси" ўрна-тилади. Диктатура, "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да таърифланганидек, "ҳукмрон синфнинг кучига таянувчи чекланмаган ҳокимият" демакдир. Чекланмаган ҳокимият эса билган

номақулчилигини қилади (бунга мисол келтириш шарт бўлмаса керак).

Бизнингча, Абдулла Қодирийнинг таржимаи ҳолида қайд этилган "оддий халқ милицияси" жумласига алоҳида эътибор берилиши лозим. Чунки Николай Иккинчи тахтдан йиқитилганидан кейин (1917 й. февраль ойида) то 1917 йилнинг 7 ноябр кунигача собиқ Русия империяси ҳудудларида Муваққат ҳукумат давлатни бошқаради. Яъни, ўша муддатда маълум маънода демократия тамойилларга амал қилинади. Абдулла Қодирий айнан демократия эпкини эсган дамларда кўнгилли милиция ходими сифатида Ватанга измат қилади. Бу пайтда большевик-коммунистларнинг жазоловчи курали бўлган ГПУ — НКВД каби идоралар ҳали барпо этилмаган эди. У пайтларда кўнгилли милиция ходимлари аҳолининг тинчлигини таъминларди. Демак, Қодирий бобомиз том маънодаги халқ милициясида хизмат қилганлар.

**Авазбек ЕРМЕТОВ,**

ЎзМУ Тарих факультетининг магистри

# "Mabdai nur"

## muallifi Mashrabmi?

"Мабдаи нур" — XVIII аср ўзбек адабиётида муҳим воқеа бўлган асар ҳисобланади. Асарнинг генезиси борасида маълум бир тўхтамга келинган бўлса-да, бироқ унинг муаллифи масаласида ҳанузгача баҳс-мунозаралар давом этаётир. Абдурауф Фитрат, Исмаилов Абдуллаев, М.Зокиров каби тадқиқотчилар бу асарнинг муаллифи Бобораҳим Машраб деб ҳисоблайди. Тўғри, асар матнида Машрабнинг номи кўп ўринларда эслатилади — бу ҳол асарнинг Машрабга тегишли эканини исботлагандек бўлади. Аммо Машраб манзумаларидаги поэтик мукамалликнинг "Мабдаи нур" матнларида учрамаслиги бу асар унинг қаламига мансуб эканига шубҳа уйғотади.

"Мабдаи нур" мумтоз адабиётимизда "Саботул-оҳизин", "Роҳати дил" каби манзумалар қаторида бўлса ҳам, ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаган.

Асарда 132 та ҳикоя бор. Биринчи дафтарда 46 та, иккинчи дафтарда 59 та, 3 дафтарда 27 та. "Мабдаи нур" мавлоно Жалолиддин Румий қаламига мансуб "Маънавий маснавий" асарининг таржима-шарҳи сифатида эътироф этилса-да, лекин ҳикояларнинг сюжети, ғояси, услуби, мафкуравий йўналиши тубдан фарқ қилади.

Маълумки, ҳазрат Румийнинг "Маснавий" асарида келтирилган ҳикоялар асосан сўфиёна ғояларни тараннум этишга бағишланган бўлса-да, аммо унда дунёвий мазмунга эга бўлган ҳикоялар ҳам учрайди; дунёвий ҳикояларда рамзлар воситасида тасаввуф таълимотига ишора қилинади. "Мабдаи нур"да эса барча ҳикоялар тасаввуф ғояларига бағишланган. Кўпинча тасаввуф пираларининг ҳаётдан олинган ибратли воқеалар баён этилиб, сўнг ундан дидактик хулоса чиқарилади. Масалан, машхур сўфий Зуннун Мисрий (XI аср) бир куни ҳол тили орқали устига оғир юк ортилган эшак билан "гаплашиб", унинг шикоятини "эшитади":

*"Бораман ҳар тарафга айлануб,  
Ҳар қадамда по кетар қайтиб, оқиб.*

*Ҳеч билмайман, нечукдур бу румуз,  
Хонадин берунга чиқмайман ҳануз".*

(*"Мабдаи нур"*, Тошкент, "Фан", 1994, 41-бет)

Зуннун Мисрий эшакка, яъни харросга бундай деб жавоб қайтаради:

*"Дарҳақиқат, бу суҳан ихлосдур,  
Хона — дунёдуру халқ харросдур".*

(*Уша жойда*, 41-бет)

Ўқорида келтирилган ҳикояда илгари сурिलाётган ғоялар тасаввуф таълимотининг унсурлари ҳисобланади.

"Мабдаи нур"даги ҳикоялар услуб жиҳатидан ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг аънавий йўналишларидан фарқ қилади. Уларнинг барчаси тасаввуф аънавларига ҳамоҳанг бўлиб, асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ҳикоялар бадий жиҳатдан тугал ва мукамал эмас, асосан ғоя тарғиботига урғу берилади. Эки бўлмаса, муаллиф ғоя тарғиботини ўзи олдига мақсад қилиб қўяди дейиш мумкин.

Ҳикояларнинг мавзуси хилма-хил — фақирлик, сабр-қаноат, ишқ, пир, мурид, тавҳид, диёнат, нафс, фано каби тасаввуф тушунчалари ўқувчи онгига сингдирилади.

Бундан ташқари, айрим ҳикояларнинг мазмунидан келиб чиқиб, "Мабдаи нур" муаллифи тасаввуфнинг Хожагон-нақшбандия тариқатига мансуб бўлган деб хулоса чиқариши мумкин. Шу ўринда, адолат нуқтаи назаридан, Бобораҳим Машраб ҳам Хожагон-нақшбандия тариқатига мансуб бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бироқ, бу ҳол асарнинг муаллифини аниқлаш масаласида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаслиги керак. Чунки Машрабга хос бўлган услубий унсурлар "Мабдаи нур"да учрамайди. Демак, "Мабдаи нур" асарининг муаллифи масаласи ҳамон очиқ қолади.

**Мўминжон СИДДИҚОВ,**  
филология фанлари номзоди

## Mansur Halloj kim?

Бу саволга ҳазрат Навоий "Насойимул-муҳаббат" асарида дастлаб "Кунияти Абулғайс. Форсинг Байзосидиндур. Аввал ҳаллож эмас эрди. Бир ҳаллож дўконида эрдиким, анинг дўсти эрди. Ани бир ишга йборди. Кўнглига ўттики, анинг рўзгорин зоеъ қилдим. Бармоғи била ишорат қилди: момуғ чигитдан айрилди. Анга бу жиҳатдин Ҳаллож от кўйдилар" деб жавоб беради. Кўриниб турбдики, Алишер Навоий Мансур Ҳалложнинг "Анал-Ҳақ" ғоясини на изоҳлайди, на шарҳлайди — гўё бетараф позицияни танлайди. Лекин ўша асарининг бошқа бир жойида "Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларидан мазкурдики, Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдир" деб эътироф этади.

Маълумки, Фаридиддин Атторнинг "Мантик ут-тайр" асари навқирон Алишербекнинг қайта-қайта мутолаа қиладиган суюкли китоби эди. Тасаввуф фалсафасининг буюк ёдгорлиги бўлган бу асарни у ўсмирлик пайтидаёқ ёд оладди ва кейинчалик "Лисон ут-тайр" асарини айнан Атторга эргашиб, самимий эҳтиром намунаси сифатида яратади. Демак, шу асари билан бевосита бўлмаса ҳам, билвосита Мансур Ҳаллож "нури"дан баҳраманд бўлганини тасдиқлайди.

Хўш, Навоий тўғридан-тўғри "Анал-Ҳақ" тушунчасига ёки Мансур Ҳаллож шахсиятига муносабат билдириши мумкин эдимиз? Таникли тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг фикрича, "Мансур Ҳаллож шахси ва унинг "анал-ҳақ"чилик тушунчасига ёндашишда Навоий ўзи мансуб хожогон-нақшбандия тариқати арбобларининг фикр-қарашларидан четлашуви ҳам кийин эди... Аслида, хожогон шайхларининг Ҳалложга нисбатан ўрта бир йўл тутгани, яъни уни на қўллаб, на қоралашга уринганлари Юсуф Ҳамадонийдан бошланган. Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида ҳам бунга ишорат бор"

Инсоният тарихи "синфий курашлар тарихидан иборат" эмас, балки фалсафий кураш, ғоялар тўқнашуви ва такомиллашуви тарихидир. Афсуски, кўпинча фалсафий ғоялар канчалик олижаноб бўлмасин, баъзан жамият томонидан рад этилади. Чунки жамият ҳали муайян ғояни қабул қилишга тайёр бўлмайди. Хусусан, Мансур Ҳаллож томонидан илгари сурилган "Анал-Ҳақ" ғояси ҳам нотўғри тал-

қин этилади. Маҳмуд Шабустарийнинг машҳур "Гулшани роз" асарида "Анал-Ҳақ" атамаси мана бундай изоҳланади: "Ҳақдан ўзга нима ҳам "Анал-Ҳақ" дея олади? Оламнинг ҳамма зарроти Мансур янглигидир. Хоҳлаган уларни маст десин, хоҳлаган махмур. Улар Оллоҳни улуғлаб, мадҳ айлашда собит ва содиқдирлар. Модомики, холис ва беҳабар саҳрода иттифоқо бир дарахтдан "Анал-Ҳақ"ни эшитиш бўлганда, Мансур нега "Анал-Ҳақ" демаслиги керак? Зеро, Ҳақдан ўзга биру бор мавжуд эмас" (И. Ҳаққул, Ирфон ва идрок. "Маънавий", Тошкент, 1998 йил, 11-бет).

"Анал-Ҳақ" атамасида ўз ифодасини топган Мансур Ҳаллож фалсафаси моҳиятан "инсон Худога муҳтож бўлгани каби, Худо ҳам инсонга муҳтождир" (Эрих Фром) деган ғоядан озикланади. Боз устига, Ҳалложнинг борлиқ ҳақидаги қиёсий таълимоти — унинг юнон фалсафаси билан яқиндан таниш бўлганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Афлотун ва унинг издошлари Ягона ибтидо ғоясини илгари сурган. Яъни, улар Ягона Худодан ўзга Худо йўқлигини эътироф этган. Ҳаллож таълимоти билан юнон фалсафасининг муштарак томони шундан иборатки, Ягона ибтидо ва "Анал-Ҳақ" тушунчаларида инсон зотининг мукаррамлиги, у Оллоҳнинг суюкли бандаси экани тараннум этилади. Эҳтимол, шу боис Суқрот, Афлотун, Арасту каби юнон файласуфларининг асарлари ер юзидagi жамики инсониятнинг бебаҳо маънавий мероси бўлганидек, Мансур Ҳаллож илгари сурган ғоя ҳам башариятнинг мулкидир. Афсуски, Ҳаллож ўз замонасига сифмайди, замондошлари томонидан рад этилади ва 922 йилда ваҳшиёна бир тарзда қатл этилади.

Хожа Аҳмад Яссавий ўтмишда рўй берган тарихий фожиа тўғрисида бундай деб ёзади:

*Шоҳ Мансурни "Анал-Ҳақ"и бежо эмас,  
Йўлни тобқон, бизга ўхшаш гумроҳ эмас.  
Ҳар ножинслар бу сўзлардан огоҳ эмас,  
Огоҳ бўлиб, бўйи Худо олдим мано...*

Хуллас, Мансур Ҳаллож замон ва маконнинг гўё ўғай фарзанди, тили билан дили бир бўлган буюк файласуф эди.

**Мукаррам НУРМАТОВА,**  
ЎЗМУ докторанти

## Songgi afshin

Мовароуннахрнинг кулай жўғрофий ўрни, табиий иқлим шароити қадимдан давлатларнинг пайдо бўлиши, деҳқончилик маданиятининг шаклланиши, шаҳарларнинг вужудга келиши учун кенг имкониятлар яратган.

Эрамизнинг III-IV асрларида Мовароуннахрда ҳукм сурган беқарор ижтимоий-тарихий вазият туфайли Қушон империяси, Довон ва Канг давлатлари кўчманчилар, аввало, эфталитлар, атталииларнинг доимий ҳужумлари оқибатида заифлашиб, бора-бора парчаланиб, майда-чуйда мустақил давлатчалар пайдо бўлишига олиб келади. Жумладан, IV-V асрларда ташкил топган Усрушона давлат бирлашмаси ҳам “буёқ парчаланиш” ҳосиласидир.

Асосан тоғ ва тоғолди текисликлару юз худудларини ўз ичига олиб, халқаро карвон йўлларининг устида жойлашган Усрушонада маданият хар томонлама ривожланади. Ёзма ва археологик манбалар ўрта асрларда бу давлатнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаёти тўғрисида хийла батафсил маълумот беради. Айниқса, VIII асрда араб истилочиларига қарши олиб борилган кураш диққатга сазовордир. VIII асрнинг бошларида араблар бу ерда кўплаб тарқок давлат бирлашмаларига дуч келади. Майда давлатларнинг сиёсий жиҳатдан бирлаштириб турган Фарбий Турк хоқонлиги VII асрнинг ўрталарида нисбатан заифлашиб қолган бўлса-да, лекин Мовароуннахрнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўткази оладиган қудратга эга эди. Аксарият ҳолларда хоқонлик маҳаллий ҳукмдорларни арабларга қарши курашга даъват этар, керак бўлса, уларнинг ички ишларига ҳам аралашиб турарди. Боз устига, хоқонлик Усрушона туркий сулоласининг таркиби топишида ҳам муҳим роль ўйнаган. 720 йилда ҳокимиятни қўлга киритган Усрушона афшини (ҳукмдори) Харабурга — Қора Бугронинг номи ҳам унинг туркий қавмга мансуб эканини англатади.

Қора Бурго номи ёзма манбаларда илк бора 737 йилда турк хоқони ва қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари билан арабларга қарши тузилган навбатдаги ҳарбий иттифоқ ўртасида имзоланган ҳужжатларда тилга олинади. Бу иттифоқ 738 йилда мағлубиятга учрагандан кейин ҳокимият тепасига Қора Бугронинг ўғли Хунхор келади. У арабларнинг ҳужумларидан сиёсий музокаралар, маълум миқдорда солиқ тўлаш эвазига Усрушона мустақиллигини сақлаб қолади. Айни замонда

Хунхор 752 йилда арабларга қарши курашиш учун Чин (Хитой) императоридан ёрдам сўрайди. Бироқ, рад жавобини олади.

Усрушонанинг кейинги афшини Ковус тўғрисида чекланган маълумотларга келамиз. Лекин унинг ўғиллари Ҳайдар билан Фазл ўртасида тож-тахт учун аёвсиз кураш қизгин тус олганини биламиз. Ниҳоят, Фазл ҳокимиятини қўлга киритади, Ҳайдар эса араблар томонига ўтиб кетади. Аламзада шахзода Ҳайдар арабларни яширин тоғ йўлларидан мамлакат пойтахти Бунжикат шаҳрининг орқа томонига олиб ўтади ва араблар 822 йилда Усрушонага қақшатиқ зарба беради. Мовароуннахрдаги энг сўнги мустақил турк давлати — Усрушона босқинчилар томонидан забт этилади. Усрушона вассал ўлкага айлантирилади.

Беихтиёр “сотқинлик” йўлини танлаган Ҳайдар ибн Ковуснинг тақдир кўп жиҳатдан ибратли яқунланади. У аббосий халифалари ал-Маъун ва ал-Муътасим саройида хизмат қиладди. Халифага садоқати, халол хизматлари учун кейинчалик Ҳайдар Усрушона ҳукмдори этиб тайинланади, лекин бу вазифани асосан унинг ўғли Ҳасан ибн Ҳайдар бажаради.

Ҳайдар ибн Ковус “ал-Афшин” номи билан ислом оламида жуда катта шухрат қозонади. Чунки у ниҳоятда салоҳиятли саркарда эди, Миср ва Мағрибда (шимолий Африка, Жазоир ва Мароқашда) араб халифаси ҳукмронлигига қарши кўтарилган кўзғолонларни бостиришда жонбозлик кўрсатади, Хусусан, 20 йил мобайнида халифаликни зир титратган Бобак раҳнамолигидаги маздакийлар ҳаракатини Ҳайдар ибн Ковус 835 — 837 йилларда батамом мағлубиятга учратади.

Бироқ, 842 йилда халифа етти уҳлаб тушида кўрмаган воқеа содир бўлади: Ҳайдар ибн Ковус Табаристон ҳукмдори Мадёр ибн Карин билан тил бириктириб, зимдан кўзғолон кўтаришга ҳозирлик кўради. Афсуски, бу “фитна” фош бўлиб қолади ва “ал-Афшин” Бағдод яқинидаги Самарра шаҳрида зиндонга ташланиб, очликдан силласи қуритилиб ўлдирилади. Ўзида мардлик, жасорат, зафар тимсолларини мужассамлаштирган энг сўнги Афшин — Ҳайдар ибн Ковуснинг номи узоқ йиллар мобайнида Озарбайжон ва Фарбий Эронда халқ хотирасида яшайди.

**Баҳодир ТҶҲИБОВЕВ,**

*Гулистон Давлат университетининг  
ўқитувчиси*

# SUMMARY

**A** civil society is a product of a high-level democracy. There appear new opportunities in the improvement of people's government in countries where internal politics is stable, the rule of law has become the faith and way of life of the most of the population, where there are high political consciousness, and citizens are very active.

Deep thoughts are expressed in an article "Spirituality of a civil society" by Abdurahim Erkayev about a civil society, its laws and regulations, norms, and finally, its objectives.

**T**he issue of "Science and nonscience" has always been topical and interesting for man. This issue has no clear and proved solution.

Why are false ideas survivable? Why is their impact becoming stronger and shouger today, when there are highly in developed science technologies? Why are some scholars publicizing nonscientific views and mythological ideas?

An article by Bahodir Zokir gives extended coverage to this topic and teus the readers much about this encouragig them into discussion.

**A**n article "Open society and its enemies" by Victor Alimov discusses a criticism by a famous English scholar, Karl Popper, about the theoretical-ideological teachings of the philosophy of such genius scholars as Platun, Aristotel, Hegel and other thinkers.

Genius personalities may not be free from mistakes. These mistakes are sometimes helpful, that is, they lead one in right directions, but sometimes they cost you very much. In order to convince people of their foretelling, the genius create teachings that are far from reality, and in this way they laya basis for mistakes, and an obedient life not only for their contemporaries, but also for the future generations.

**S**trong thoughts about the personality of Sadriddin Ayniy, his works and activities along the path of science are expressed in an article "Teacher" by Ibrohim Haqqul.

Master writer Sadriddin Ayniy has a right to occupy his deserved place among the great representatives of world literature. Besides novels "The death of the Banker", "Slaves", "Memories" Ayniy wrote poems under such pseudo names as Siphliy, Muhtojiy, Jununiy. The fact that he is incomparably knowledgeable of oriental classic literature is proof of his being a scholar with great intelligence and wisdom.

**"T**he tale of Wisdom and Example" by Najmiddin Komil is continued in this issue.

Why did Nizomiy, Dehlaviy and Navoiy write novels about Shah Iscandar (the Alexander the Great)? Why was he praised as a noble, fair and courageous ruler. The article gives full coverage to these questions.

In the example of Alexander the Great, these classic thinkers describe a shah who makes a decision to build a society based on pure ethics, religion, faith, and property equality. But Navoiy repeatedly emphasizes the equality of a beggar and the shah, and not property equality.

**E**lkhon Okshit — another big name is the East — is the author of a novel which discloses the secrets of the harem lives of Turkish kings.

Interesting information is given in the novel about the origins of the harem, its residents, its specific rules and regulations, traditions and customs.



## МУКОФОТЛАР

## МУБОРАКИ



2003 йили журнал саҳифаларида эълон қилинган сара асарлари учун фаол муаллифлардан —

**Гулистон МАТЌУБОВА** ("Қайтмоқ учун кетмоқдаман" эссеси, 2-сон),

**Муҳаммад РАҲМОН** ("Бори умрим илтижо, хайру хитоб..." шеърӣ туркуми, 4-сон),

**Исмоил ШОМУРОДОВ** ("Арасту хато қилганми?" мақоласи, 3-сон)

таҳрир ҳайъатининг қарорига асосан "Тафаккур" совриндорлари деб топилсин ва эсдалик совғалар билан тақдирлансин.

Бош муҳаррир

Эркин АЪЗАМ



983 KP

Миллий кутубхона: 869/580  
Баҳоми келгусини ба ҳаққид

# ТАҒАККУР

ТАҒАККУР 4/2003



Келгуси йили ўқийсиз:

Қодриддин ХАЛИЛОВ,  
Моддийят ва маънавийят  
диалектикаси

Баҳодир ЗОКИР,  
Глобаллашув зиддиятлари

Наим КАРИМОВ,  
Икки халқ фарзанди

Карл ЧАПЕК,  
Масаллар

Муҳаммад Ҳасан АЛИБЕК,  
Бобурнинг хасталик тарихи

Виктор АЛИМАСОВ,  
Борхес парадокслари

Иван ГОЛОВНЯ,  
Ғолати рабинзонлар